

57.60

МР-92

Тоҳир Малик

**ЗАЛОЛАТГА
БОТМА,
ЭЙ ИНСОН**



Книга должна быть возвращена не
позже указанного здесь срока

Количество предыдущих выдач _____

ТОХИР МАЛИК

ЗАЛОЛАТГА БОТМА, ЭЙ ИНСОН

(Зулмат салтанати)

«Sano-standart» нашриёти
Тошкент – 2017

УЎК: 297.1

КБК: 87.60

Малик, Тоҳир.

Залолатга ботма, эй инсон (Зулмат салтанати) /
Маърифий рисола – Тошкент: «Sano-standart», 2017 йил,
208 – бет.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик томонидан тартиб берилган бу китобда адаб бизларни энг ёмон иллат ҳақидаги сухбатга чорлайди. Ҳеч биримизга сир эмаски, майхўрликка, гиёҳвандликка берилганлар, адашган бандалар орасида ўзимиз учун энг ардоқли бўлмиш инсонлар – бировимизнинг ота-онамиз, бировимизнинг оғаниниларимиз, яна бировимизнинг фарзандимиз, яқин ёки узоқроқ қариндошимиз, қўшнимиз, ҳамкасбимиз... ҳам бор. Эҳтимол улар ҳидоятдан адашганларини биларлар, эҳтимолки, билмаслар. Билмаганларга билдириб қўйиш вазифамиз эмасми? Эҳтимол улар жаҳолат ва гуноҳлар жаридан қутулмоқчилару аммо тўғри йўлга чиқишга кучлари етмаётгандир. Уларга ёрдам қўлини узатиб, иймонсизликдан қутулишга кўмаклашиш бурчимиз эмасми? Мазкур китоб ана шу хайрли ишимизда кўмак берар, иншааллоҳ!

УЎК: 297.1

КБК: 87.60

ISBN 978-9943-4882-5-0

© «Sano-standart» нашриёти, 2017

© Тоҳир Малик, 2017

Бисмиллахир Роҳманир Роҳийм.

«Ичкилик, қимор, бутлар ва фол очадиган чўплар шайтон амалидан бўлган ҳаром ишдир. Бас, нажот топишингиз учун уларнинг ҳар биридан узок бўлинг».

(Моуда сурасидан)

«Маст одамни даволаётган табибдан жоҳилроқ инсонни кўрмадим. Ахир у маст-ку, унинг мастилигига даво битта: кўзини очиб, тавба қилиш».

(Зуннун Мисрий)

БАРЧА ЁМОНЛИКЛАРНИНГ БОШИ

Муқаддима

Шароб ичиш ёмонлик сари йўл очишидир. Шароб ҳатто аклли кишиларни ҳам шаҳвоний ҳисларга, ҳайвоний хаёлларга бошлайди. Шароб инсонга ёмонлик эшигини очадиган энг мудҳиш ичкиликдир. Танни заифлаштирувчи, моддий ва маънавий ҳаётни парчалагувчи ҳам шаробдир. Инсон шаробдан қутилгандагина инсоний қиёфасини тиклай олиши мумкин. Шароб ила ошно экан, ҳар қандай ифлосликка, ёмонликка қўл уриб, мудҳиш разолатни намоён этади. Шу боисдан айтиш мумкинки, шароб тайёрлаётганлар ва тарқатаётганлар инсониятга жуда катта ёмонлик қилаётирлар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассаллам шунинг учун ҳам: «Хамр (яъни ақлни оладиган ҳар бир нарса) ёмонликларнинг онасидир», дея инсониятни огоҳ этганлар.

Бу рисолада Қуръони Карим ва ҳадиси шарифдан далиллар келтирилган бўлиб, «барча ёмонликларнинг онаси»дан етадиган оғатлардан инсонларни огоҳ этиш мақсад қилинган. Ҳақ сўзларга ишониб, ҳидоят йўлидан юрганлар саодатга эришгайлар. Аксинча қилганлар ҳар қандай ёмонликка қўл уриб, ўзларининг ҳаётларига ҳам, бутун инсониятнинг тинчлигига ҳам раҳна солгайлар, рўзи маҳшарда эса, шармандаи шармисор, дўзах азобига мубтало бўлгайлар.

Ҳазрати Анас розияллоҳу анху Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ушбу ҳадиси шарифни ривоят қиласди: «Аллоҳ шаробни, уни ичганни, қуиб берганни, сотганни ва сотиб олганни, сиқиб тайёрлаганни ва тайёрлатганни, олиб келганни ва олиб келтирганни ҳамда ундан келган даромадни еганни лаънатлади».

Бу саҳих ҳадисдан шаробга алоқадор ҳар қандай ишга қўл урган киши Аллоҳнинг лаънатига дучор бўлиши билимокда ва шу орқали инсоният огоҳ этилмокда.

Аллоҳга иймон келтирган одам, албатта, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу сўзларига амал қиласди, ўзини Аллоҳнинг лаънатига дучор бўлишдан сақлайди: шароб ичмайди, тайёрламайди, сотмайди, келтирмайди, шароб тайёрлаш учун узумини ҳам бермайди. Акс ҳолда, Аллоҳнинг ғазабига қолади. Унинг марҳаматидан маҳрум бўлади. Буни ҳамма ёдда тутиши ва бошқаларга ҳам эслатиб туриши лозим.

Ушбу рисолада Қуръони Карим оятлари ва муబорак ҳадиси шарифларга, олиму уламоларнинг

шарҳларига, тарихий манбаларга суюнган ҳолда ба-
шариятга ҳақиқатни танитишга, шароб балосидан
огоҳ этишга ҳаракат қилдик. Тавфиқ Аллоҳдандир.

ШАРОБНИ ЎЙЛАБ ТОПГАН КИШИ

Эрон ҳукмдори Жамшид Жамнинг номи биринчи
бўлиб ароқни ясагани боис тарихда қолган. У Эронда
зардуштийлар динидан аввал ҳам шароб ичиш ма-
росимларини ўтказган, йифинларда ҳар турли ички-
ликлар билан фуқароларини меҳмон қилган. Шароб
ичиш аста-секин урфга кириб, инсонлар сархушлик
балосига йўлиққанлар ва ахлоқсизликка юз тутган-
лар, жирканч ҳаёт тарзи вужудга келган. Асрлар
ўтиб, Жамшид базмлари тилларда достон бўлган,
инсонлар бир-бирларини шароб билан сийлаб, ўша
базмларни ёдга олганлар ва ёмонликларга қўл ур-
ганлар. Шу тариқа шаробни ўйлаб топган Жамшид
Жамнинг номи одамлар орасида машҳур бўлиб
қолаверган. Майхўрлар доимо Жамнинг шарафи-
га ичишган, устозларини хотирлаб, май қадаҳини
«Жоми Жам» деб аташган. Майпараст шоирлар уни
шарафлаб шеърлар айтишган. Шундай қилиб, инсон-
лар орасига ёмонлик уруғларини сочишган, авлод-
ларни разолатга бошлишган.

Жамшидинг шаробни ўйлаб топиши бундай
бўлган:

У бир куни ов қилиш учун аъёнлари билан тоқقا
йўл олади. Кетаётиб, тасодифан ғарқ пишиб ётган
узумларга дуч келади. Кейин узумларни тердириб,
ачитқисини ўлимга маҳкум қилинган қотилларга



беришни амр этади. Орадан бироз муддат ўтгач, ачитқидан сиқиб олинган шарбатни маҳкумларга мажбурлаб ичирадилар. Шунда маҳкумларнинг биттаси қаттиқ уйқуга кетади. Бир қанча вақт ўтиб, уйғониб, ўзига келади ва яна озгина ичиришлари ни сўрайди. Иккинчи марта шаробга тўйиб олгач, кўзлари шавқ-завққа тўлиб, порлай бошлайди. Бу ҳолатни ҳайрат билан кузатиб турган Жамшид ҳам шарбатдан татиб кўришга журъат этади. Кейин аён-лар ичиб кўрадилар. Ҳаммалари ичкиликнинг кай-фи билан хушларини йўқотишади. Шундай қилиб, Жамшиднинг барча маросимларида узумдан тайёр-ланадиган ичкиликлар ичиш одат тусига айланади. Ҳар гал дастурхон тузатилиб, Жамшид ёронлари билан давра қураг экан, маст бўлиб, вақти чоғлик қилишар эди.

Бу анъана вақт ўтиши билан атрофга ҳам ёйилди. Унга «Жам анъанаси, Жам маросими» деб ном беришди (*Бизнинг юртларда «базми жамишид» ибораси машҳур экани мазлум. Т. М.*). Кейинчалик асма дарахтининг узумлари ажратиб олиниб, ачитқисидан тайёрланган шарбат қўшни халқларга ҳам тарқатилган. Қадимги мисрликлар, ибронийлар, юнонлар шу ичкиликка мубтало бўлган эдилар. Кейинчалик Хинди斯顿, Рум, Хитой, Арабистон, Сурия ва Мисрда турли шакллардаги ичкиликлар пайдо бўлди, инсоният ичкилик сари тез-тез одимлаб кета бошлади.

Тавротнинг 10-боби 8-9-қисмларида баён этилгани каби Юҳанно Инжилининг 2-боби 8-9-қисмларида бундай дейилади: «Парвардигор Хо-



рунга деди: «Сен ва ўғилларинг жамоат чодирига кирганингизда шароб ва мускир (*маст қилувчи*) ичадиганлардан бўлмангиз».

Тавротнинг Сулаймонийа қисмига ўхшаш 20-бобида эса: «Шароб шарманда этади, мускир жанжалкашга айлантиради. Унга мубтало бўлган ақли эмасдир», дейилган. 23-бобнинг 20–21-қисмларида эса: «Сархушлар, вужудини хор қилганлар билан улфат бўлма», деб айтилган. Ва яна 23-бобнинг 29–35-қисмларида: «Уларнинг ҳолигавой, бу шовқин-сурон, сабабсиз жароҳатлар, қизарган кўзлар кимники? Шаробдан ажралмайдиганларни, уни қидириб юрадиганларни. Шаробнинг қизиллигига, қадаҳдаги рангига ва ажойиб қўйилишига алданиб қолма! Охир-оқибатда илон каби чақади, кўзларинг, қалбинг ёмон нарсаларни сўзлай бошлайди. Денгизнинг ўртасида ёнаётган кеманинг тубида ухлаётган каби бир ҳолатга тушсан», дейилади (1885 йил *Истанбулда турк тилида нашр этилган Инжил ва Тавротдан олинган мазкур ояtlар христиан жамиятлари тарафидан эълон қилинган*).

Ийсо алайҳиссалом замонларида ҳам шаробхўрлик ниҳоятда авж олган, деярли ҳамма шаробичарди. Инжилда ҳам бакрийлар (*доимий ичадиганлар*)нинг малакути самовотга ворис бўла олмаслиги айтилган. Самовий салтанат инсонлар эришиши мумкин бўлган шундай бир юксаклиқдирки, шаробичганлар унга асло етиша олмайдилар. Чунки ичкилик кишини ёмонликка ундейди, руҳониятдан ҳайвониятга етаклайди.

ШАРОБ ҲАҚИДАГИ ОЯТИ КАРИМАЛарНИНГ МАЊНОСИ ВА УЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ИБРАТЛАР

Шароб ҳақида турли вақтларда турли мањнодаги ояти карималар нозил бўлган ва уларнинг энг сўнггиси билан хамр истеъмол қилиш қатъий ман этилган.

Араблар жоҳилият даврида кечаю кундуз шароб ичиш билан машғул эдилар. Шу туфайли киши ақлига келмаган ёмонликлар рўй берар, инсоний туйғулардан кундан кунга узоқлашиб борилар эди. Ичкилик оқибатида бетўхтов урушлар, жиноятлар юзага келар, одамлар ичкилик таъсирида бир оғиз гап туфайли ҳам ўзаро ёвлашиб қолишар эди. Оиласлар барбод бўлиб, давлатлар бузукликка юз тутарди.

Хуллас, ичкиликдан келаётган зиён-заҳматнинг саноғи йўқ эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам шунинг учун ҳам ичкиликни ёмонликлар онасидир, деб таърифлаган эдилар.

Қимор билан ичкилик ҳижратнинг учинчи йилида қатъий ҳаром қилинди. Олдинроқ нозил бўлган оятларда эса инсонларга ичкилик ҳақида ваъзнасиҳатлар берилган эди. Энг аввал Нахл сурасида: «Сизлар маст қилувчи (ароқ)ни ҳам, гўзал – ҳалол ризқнинг ўзини ҳам хурмо ва узумларнинг меваларидан олурсизлар. Албатта, бунда ақл юритадиган қавм учун оят-ибрат бордир», деб марҳамат қилинган.

Бу ояти каримада ичкилик билан ҳалол ризқ бирбиридан айри қўйилгани ҳолда маст қилувчининг

ўта ёмон ичкилик эканига ишора этилмоқда. Узум, хурмодан мазали таомлар, ширин егуликлар тайёрлангани каби ёмон ичкиликлар ҳам тайёрланиши мүмкінлиги билдирилмоқда ва бу йўлда инсонларга ўгит-насиҳатлар берилмоқда.

Бақара сурасининг 219-ояти каримасида эса: «Сиздан хамр ва қимор ҳақида сўрашади. Айтинг: «Бу икковида катта гуноҳ ва инсонлар учун манфаатлар бор. Бу икковининг фойдасидан гуноҳи каттароқдир», деб айтилган.

Оятдаги «хамр»дан инсонларнинг ақл-хушини олиб, уларни турли ёмонликларга бошловчи барча ичкилик тури тушунилади.

Инсонлар ўтасидаги меҳр-оқибатни йўқотиши, турли ёмонликларни келтириб чиқариши, қалбни бузиши, танани фасод этиши, катта гуноҳларга, ёмон оқибатларга бошлаб бориши туфайли хамр ва қимор бу ояти каримада катта гуноҳ экани билдирилиб, уларнинг гуноҳи манфаатидан оғирроқлиги таъкидланмоқда. Шу аснода бу икки ёмонликдан сақланишга чақирилмоқда.

Хамр ҳали харом қилинмаган пайтда жуда кўпчилик уни истеъмол қиласарди. Асҳобнинг улуғларидан бири Абдурроҳман ибн Авф бир сафар кечки овқатда шароб ичди, кейин хуфтон намозида жамоатга имомлик қилди. Намозда Кафирун сурасини ўқиркан, ичкилик таъсири оқибатида сурадаги «ла» сўзини ташлаб кетди. Натижада «Сизлар ибодат қиласиган нарсага мен ибодат қилмайман» оятининг маъноси ўзгариб, «Сизлар ибодат қиласиган нарсага мен ҳам ибодат қиласман» бўлиб қолди. Бу

ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васалламга хабар қилишганда, Аллоҳ таолонинг қўйидаги ояти нозил бўлди: «Эй мўминлар! Токи гапираётган гапларингизни билишингиз учун маст ҳолингизда намозга яқинлашманглар» (*Niso*, 43-оят).

Моида сурасининг 90–91-ояти карималари индирилиши билан эса ичкилик қатъян ҳаром қилинди: «Эй иймон келтирганлар! Ичкилик, қимор, бутлар ва фол очадиган чўплар шайтон амалидан бўлган ҳаром ишдир. Бас, нажот топишингиз учун уларнинг ҳар биридан узоқ бўлинг. Ичкилик, қимор сабабли шайтон ўрталарингизга буғзу адоват солишни ҳамда сизларни Аллоҳни зикр қилишдан ва намоз ўқишдан тўсишни истайди. Энди тўхтарсизлар!»

Бу ояти карималар нозил бўлгандан сўнг Мадинадаги бутун мусулмонлар ичкиликларини ариққа оқиздилар. Шундан кейин ҳеч бир мусулмон шароб ичмаган ва сотмаган.

Куръони Каримда ароқни «хамр» деб аталмоқда. Аслида, хамр ақлни оладиган нарсаларнинг ҳар қандай турини англатади. Уни ичиш мумкин эмас. Чунки бу амалларнинг барчаси ақлга, ахлоққа, инсоний фитратга салбий таъсир этади.

Ояти каримада хамр билан бир қаторда қиморнинг ҳам катта гуноҳлардан экани айтилди. Унинг инсонлар ўртасида ёмонлик уруғини сочиши, зикрдан, намоздан жудо этиши баён қилинди. Хуллас, қимор ўйнаш ҳам қатъян ман этилди.

Шунингдек, ояти каримада яна жоҳилият замонидан қолган чўплар билан фолбинлик қилиш урфи хусусида ҳам сўнгги ҳукм айтилди. Ўша пайтда

киши бирор ишга ёки мушкулотга дуч келса, «Амарани робби» (яъни, Роббим менга буюрди), “Нихаи робби” (яъни Роббимнинг қайтариғи) ва «Фофала» сўзлари ёзилган учта ўқни аралаштирас, сўнгра улардан бирини хосиятли одам деб билган киши-сига торттирас эди. «Амарани робби» чўпи чиқса, ўша ишини амалга оширади. Мабодо, «Нихаи робби» қўлга илинса, ишни кечикирирас, вақти ке-либ қиласман, деб орқага ташлаб қўяр эди. Агар «Фофала» чиққудек бўлса, ниятидан тамоман воз кечарди.

Аллоҳ таоло мазкур ояти каримада бу ишларнинг ҳам шайтон амалидан эканини айтиб, тийилишга буюрмоқда.

Юқорида айтиб ўтилганидек, хамр дегандা ақлни оладиган нарсаларнинг барчаси тушунила-ди. Шароб, арок, афлоқ, наша, кокаин – буларнинг ҳаммаси, бир сўз билан айтганда, хамрdir. Хамр ҳаётда ўта нохуш ҳолатни келтириб чиқариши мум-кинлигидан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васал-лам уни «Уммул хобааис», яъни ёмонликларнинг онаси, қиморни эса «Абул хобааис», яъни ёмонлик-ларнинг отаси, дея атаганлар.

Ичкилик ичиш, қимор ўйнаш, фол очиш ва очти-риш инсонларни ҳақ йўлидан оздирив, ёмонлик-ка етакловчи амалларнинг энг ёмонидир. Шунинг учун ҳам бизнинг динимизда бу ишлар қатъиян ман этилган.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилиб айтдилар: «Хамр ичувчи хамрни мўмин ҳолида ичмайди». Бу ҳадис сахиҳдир. Унда ароқ ичган пайтда киши мўминликдан чиқиб туриши билдирилмоқда. Ва яна Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Миннат қилувчи, ота-онасига оқ бўлган киши ва доимий ароқ ичувчи жаннатга кирмайди» (*Имом Насоий ривояти*). Ҳадисда айтилаётган уч тоифа киши Аллоҳнинг ғазабига йўлиққанлардир: улар учун жаннатнинг эшиги ёпиб қўйилган. Яна бир ҳадиси шарифда: «Хамрни доимий истеъмол қилиб юриб вафот этган кишининг юзига дунёдан узилаётганида қайноқ сув сепилади», деб айтилган. Яъни умри шаробнинг кайфи билан ўтган кимсаларнинг юзига жони узилаётган пайтида Аллоҳ амри ила жаҳаннамнинг қайнаб турган суви сепилади. Улар азоб устига азоб билан жон берадилар.

Ибн Умар розияллоҳу анхудан ривоят қилинган яна бир ҳадиси шарифда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳар бир мускир ҳаромдир. Ҳар бир мускир хамрдир. Дунёда хамр ичиб, уни ташламасдан ва тавба қилмасдан ўлган одам охиратда жаннат шаробидан ичмайди», деб айтганлар.

Бу ҳадиси шарифда ақлни олувчи барча ичкиликларнинг ҳаром эканлиги айтилмоқда. Хуллас ароқ, конъяк, виски, пиво дейиладими ёки бошқача ном билан аталадими, фарқи йўқ, ақлга таъсир этаркан, бир томчиси ҳам ҳаром ҳукмидадир. Ичишдан

тийилмаганлар агар тавба қиласдан ўлсалар, охиратда мўминлар учун бериладиган шаробдан бенасиб қоладилар. «Роббилари уларни пок шаробдан суғорди», ояти каримасида хушхабари етган неъматдан бебаҳра бўладилар. Демак, ичкиликка ружу кўйганлар охират неъматларидан маҳрумдирлар, жаннат аҳли қаторидан жой ола билмайдилар.

Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу набиз келтирди (*набиз – узумнинг шарбати*). Кейин: «Эй Расулуллоҳ! Бугун рўза тутганингизни билиб, ифтор қиласиз, дея сизга набиз олиб келдим», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам идишнинг қопқоғини очганларида шарбатнинг тахаммур этганини, яъни бузилганини кўрдилар. Шунда айтдиларки: «Буни олиб, деворга ур. Бу шаробдир. Уни Аллоҳга, қиёмат кунига ишонмайдиганлар ичади».

Бу ҳадиси шариф биз учун катта сабоқдир. Демак, узумлардан олинган шарбатларнинг ачитқиларидан эҳтиёт бўлмоғимиз лозим.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яна айтдилар: «Хамрдан сақлан. Унинг дарахти бошқа дарахтлардан ошиб ўтгани каби, гуноҳлари ҳам бошқа гуноҳлардан ошиб тушади».

Энди мана бу ҳадисга эътибор беринг: «Умматимдан ким хамр исча, Аллоҳ қирқ кун унинг намозини қабул этмайди».

Бу ҳадисни изоҳлаб, имом Суютий: «Шаробнинг инсон вужудига тарқалиб, сўнгра бутунлай чиқиб кетишининг муддати қирқ кундир», дейди. Хуллас,

шароб ичган кишининг бир ривоятда айтилишича, етти кунлик, бошқа ривоятда айтилишича, қирқ кунлик намози қабул қилинмайди. Чунки шу муддат мобайнида инсон танасида шайтоннинг улуши туғён уриб туради.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошқа бир ҳадисларида хамр ичиш ширк келтириш билан баробар экани хабар берилган: «Давомли хамр ичган киши бутга топингувчи кабидир. Ўлса, Аллоҳнинг ҳузурига бутпарат каби боради».

Ҳазрати Анас розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ушбу ҳадисни ривоят қиласидилар: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қиласидилар: «Жаҳолатнинг зоҳир бўлиши, илмнинг озайиши, зинонинг ошкора қилиниши, хамр ичилиши, эркакларнинг камайиб, аёлларнинг кўпайиши, ҳатто бир эркакка эллик аёлнинг тўғри келиши қиёматнинг аломатлариданdir».

Ҳазрати Абу Дардога Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шароб ҳақида бундай деган эдилар: «Хамр ичма. У барча ёмонликларнинг калитидир».

Бу ҳадиси шариф жуда гўзал ҳақиқатни баён этмоқда: ҳар бир нарсанинг калити бўлгани каби, ёмонликларнинг қулфини очувчи калит ҳам бор, у шаробдир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг яна бир ҳадиси шарифларида ҳаромдан ҳалолни ажратмайдиган болаларга шароб ичирувчиларнинг жаҳаннамга тушиши ва улар энг ёмон, аччиқ ичкиликлар билан суғорилиши айтилган.

Бу ҳадиси шарифлар бизни шаробнинг ёмон оқибатларидан, шаробхўрлар топажак жазолардан хабардор қиласди. Хуллас, хамр ёмонликлар онаси эканида шубҳа йўқ. Шундай экан, хамр билан иймон бир вужудда, бир қалбда бирлаша олмайди. Шароб кирган жойда иймон бўлмайди, ибодатлар эса мардуддир.

Ҳазрати Усмон розияллоҳу анху бир куни хутба ўқиётиб, Аллоҳга қасам ичган ҳолда айтдиларки: «Эй жамоат! Аллоҳга онт ичиб айтаманки, хамр билан иймон бир қалбда бўлиши мумкин эмас, албатта, бири бошқасини қувиб чиқаради».

Ҳазрати Билол розияллоҳу анху «Шаробнинг бир қатраси қудуққа тушса, кейин ўша қудуқнинг устига минора қурилса, у минорада аzon чақирмайман. Агар шаробнинг бир томчиси денгизга томса, денгиз қуриб, у ердан ўт-ўлан униб чиқса, ўшандан ҳам фойдаланмайман», деган эдилар. Саҳобаларнинг ҳеч бири қатъян ман этилганидан сўнг асло шароб ичишмаган. Унинг савдоси билан ҳам шуғулланишмаган. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ хамрга ва уни ичганга, соқийлик қилганга ва ичирганга, уни сотганга ва ҳақини бериб олганга лаънат айтди», деб огоҳ этганлар.

Аллоҳга иймон келтирганларнинг шаробдан мутлақо узоқ бўлиши шубҳасизdir, чунки ўзини билган киши Аллоҳнинг лаънатига қолишдан қандай бўлмасин, сакланади.

«ШАРОБ ЁМОНЛИКЛАРНИНГ ОНАСИ»

Ичкилиқ ақл-хушни олувчи, ҳар қандай ёмонлик сари бошловчи, диндан узоклаштирувчи ёмонлик булоғидир. Кимки бу ёмонлик чашмасидан бир томчи ичса, у томчи бутун ёмонликларнинг қалбда авж олишига сабаб бўлади. Қалбда уйғонган ёмонлик ақлни ҳам йикитади, кейин ҳар қандай разилликка қўл уриш мумкин бўлади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Хамр барча ёмонликлар онаси», деган муборак ҳадиси шарифларидағи «хамр» умумий маънони ифодалайди, яъни ақл-хушни олувчи ҳар қандай ичкилиқ ёки чекимлик ёхуд улардан бошқача истеъмол қилинадиган нарсаларнинг ҳаммасига тегишилдир. Баъзи кишилар оз-оз ичиб турса зарари йўқ, дейишади. Уларга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу ҳадислари жавобдир: «Кўпи маст қилувчи нарсанинг ози ҳам ҳаром».

Инсонни биргина микроб ҳалок қилиши мумкин бўлгани каби ёмонликлар онасининг қатралари ҳам қалбни Парвардигорни зикр этишдан, Унга итоат этишдан тўсиб бораверади. Унинг туфайли инсонлар диндан чиқадилар, нима деб гапираётганларини унутадилар, Аллоҳга ширк келтирадилар, ёмонликка юз тутадилар, разолат ботқоғига ботадилар ва ҳоказо. Ароқни тарғиб ва ташвиқ қилганлар, ишлаб чиқарганлар икки ҳисса разолатдадирлар. Шунинг учун ҳам Аллоҳга иймон келтирган киши хамрдан ўзини йироқ тутади. Агар дунёда кимдир бир ёмонликни ижод этса ва бу ёмонлик маълум

муддат хукм сурса, албатта, ундан ҳосил бўлган гуноҳлар ўша ижодкорнинг бўйнига тушади. Бордию киши дунёда ўзидан кейин бир яхшилик қолдирса, яхшиликдан ҳосил бўлган савобдан унга ҳам ёзилиб туради. Шу жиҳатдан қараганда, дунё жуда катта имтиҳон майдонидир. Инсон нима қилаётганига эътибор бермоғи, тутган йўли исёнми, ислоҳми эканини ўйламоғи, қадам қўйган кўчаси қайси манзилга олиб боришини англамоғи даркор. Бу борада Куръони Карим хабарлари, Пайғамбаримизнинг панд-насиҳатлари бандай ожизларга йўлчи юлдуздир.

Бугунги кунда заминимизда содир бўлаётган салбий ҳолатларнинг аксариятига хамр «оналик» қилмоқда. Бунга оиласвий нотинчилкларни, жамиятдаги нохушликларни, салбий хислатларни, турли хил хасталикларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Тиббиёт тақдим этаётган кашфиётлар ароқнинг касофатини англашга яхши ёрдам беради: ичкиликка мубтало бўлганлар, аввало, саломатлигини йўқотади. Энг ёмони бу нарса фарзандларига ҳам таъсир қиласди. Сил, асаб ва бошқа турли хасталиклар ичкилик оқибатида пайдо бўлмоқда. Буйрак, димоғ, меъда-ошқозон касалликларининг аксарияти хамрни истеъмол қилиш туфайли юзага келади.

Ичкиликка ружу кўйганларнинг насллари ҳам бузилади. Ҳар бир янги туғилган чақалоқда унинг оқибатини кўриш мумкин. Майиб-мажрух, ақлан заиф дунёга келаётган гўдакларнинг сўлғин нигоҳларига қараш осонми?!



Машхур доктор Ванкамо айш-ишрат қилувчи-ларнинг фарзандларини тиббий кўриқдан ўтказганида учтасидан иккитасининг бошида чандик кўрган. Уларнинг руҳияти текшириб кўрилганда эса бундан-да аянчли ҳолатларга дуч келинган.

Болаларда ахлоқий бузилишлар, асабий ҳолатлар, жиноятга қўл уриш каби салбий жиҳатлар оиласада-ги майхўрлик туфайли пайдо бўлмоқда. Айниқса, оналарнинг ароқقا ружу қилишлари келажак авлод ҳаётига раҳна солмоқда.

1866 йил Нью-Йоркда икки мингта фоҳиша текширувдан ўтказилганда 569тасининг отаси, 347тасининг онаси мунтазам равишида майхўрлик қилгани, қолганларининг оиласида эса ўрта меъёрда ичилгани маълум бўлган. Хуллас, уларнинг барчasi ичкилик туфайли ёмон йўлга кириб кетганлиги кўрилган.

Машхур доктор Алфина Деброҷ ҳаёт ва ароқ ҳақидаги мулоҳазаларида бундай ёзади: «Спиртли ичкиликларни кўп истеъмол қиладиган миллатларда ўлим кўпайиб, туғилиш камайиб кетади. Ароқнинг мудҳиши оқибати миллат фаолиятини су сайтиради, жиноятларни авж олдиради, ижтимоий иллатлар ҳам кўпайиб кетади. Сархушлик натижасида кўплаб ҳалокатлар рўй беради. Касалманд болалар туғилади, шунингдек, ўлим кўпаяди. Ҳар бир инсон миллатини сақлаб қолишни ўйласа, ичкилик деб аталувчи заҳри қотилга қарши турмоғи лозим».

Муҳаммад Камол Пилав ўғли
Туркчадан Алимардон Ҳайит таржимаси.

«ТАФСИРИ ҲИЛОЛ»ДАН

«Сендан хамр ва қимор ҳақида сўрарлар. Сен: «Бу икковида катта гуноҳ ва кишилар учун манфаат бор ва гуноҳлари нафларидан каттадир», деб айт» (*Бақара сураси, 219-оят*).

Тафсир:

Оятдаги «хамр» сўзини «ичкилик», «ароқ» ёки «вино» деб таржима қилмадик. Чунки «хамр» сўзи умумий бўлиб, истеъмол қилган кишининг ақлини тўсувчи, яъни бир оз бўлса-да, таъсир ўтказувчи барча нарсага айтилади. Бунинг ичига барча спиртли ичимликлар ҳамда наша, қорадори, кўкнори ва бошқалар ҳам киради.

Пайғамбар алайҳиссаломдан хамр ва қимор ҳақида сўрашган. Исломга тўлигича кириш жараёнида бундай савол бўлиши, албатта, зарур эди. Ислом инсон ҳаётининг ҳамма тарафларидан қамраб олган, мусулмонлар тасаввурига янги-ча ўйлаш ҳиссини солган эди. Одамлар жоҳилият қоидаларидан, одатларидан тез қутулиб, исломий қоидаларга тезроқ амал қилишга шошилишар эди. Ислом жиход, намоз каби нарсаларнигина эмас, ундан бошқа ишларга ҳам масалан, озиқ-овқатнинг ҳалол-пок бўлишига, касбнинг поклигига, молдунёни ҳалол йўл билан топишга ва уни жойини топиб нафақа қилишга ҳам эътибор беради. Чунки булар инсоният ҳаётидаги энг муҳим ҳолатлар ҳисобланади.

Дунёда адолат ўрнатиш, ер юзида Аллоҳнинг ҳалифаси бўлиш вазифаси юклатилган шахс ароқхўр

ёки қиморбоз ва молини ноўрин сарфлайдиган бўлиши мумкинми? Албатта, йўқ. Ҳолбуки, хамр ичиш, қимор ўйнаш ва ноўрин нафақа қилиш ҳоллари жоҳилият вақтида кишилар ҳаётига сингиб кетган эди. Хамрсиз ҳаётни тасаввур қила олмас эдилар. Шунингдек, қимор ва нотўғри мол сарфлаш ҳам кенг тарқалган эди. Мусулмонлардан баъзилари ўзларидаги пок ҳис-туйғу таъсирида бу ишларнинг ўнгланиши лозимлигини ҳам ҳис қиласар эдилар.

Ҳазрати Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу: «Эй Аллоҳ, бизга хамр ҳақида шифо бўлувчи баён бергинг», деб дуо қилиб юрар эдилар.

Аллоҳ таоло кишилар ҳаётига сингиб кетган ароқхўрлик иллатини аста-секин муолажа қилишни ирода қилди. Аввал «Хурмо ва узумларнинг мева-сидан маст қилувчи нарса ҳамда яхши ризқ оласизлар», деб «Наҳл» сурасида маст қилувчи нарсани яхши ризқа қарама-қарши қўйди. Кўпчилик хамр яхши эмас экан, деб ичишни ташлади. Кейин ҳазрати Умар бошлиқ бир гуруҳ мусулмонлар: «Эй Аллоҳнинг расули, хамр ҳақида бизга фатво беринг, бу ақлни кетказувчи, молни тортиб оловчи нарса», – дедилар. Аллоҳ таоло «Бақара» сурасидаги биз ўрганаётган ушбу оятни туширди.

Кейинроқ Абдурроҳман ибн Авғ розияллоҳу анҳу уйларида меҳмондорчилик уюштирдилар, у ерда ичиб маст бўлишди. Намозда имомлари Кафирун сурасини хато қилиб ўқиди. Шунда Аллоҳ таоло: «Маст ҳолингизда намозга яқинлашманг», деган оят туширди. Яна кўпчилик ичмай қўйди.

Бир муддат ўтгандан кейин Атабон ибн Молик зиёфат бердилар. Ичиб ўтириб, маст бўлиб жан-

жал чиқди, муштлашув бўлди. Шунда Аллоҳ таоло хамрни бутунлай ҳаром қилувчи оятни нозил қилди. Хамр ва қимор ҳақидаги саволга жавоб беришни Аллоҳ таоло Пайғамбар алайҳиссаломга: «Сен: «Бу икковида катта гуноҳ ва кишилар учун манфаат бор ва гуноҳлари нафларидан каттадир», деб айт», деб ўргатмоқда. Хамрнинг ҳам, қиморнинг ҳам катта гуноҳ эканлиги аввалдан таъкидланмоқда. Шубилан бирга, ўша вақтдаги кишиларнинг эътиқоди бўйича, манфаатлари ҳам борлиги эслатиб ўтилмоқда Хамр сотиб пул топишни улар манфаат деб тушунишган. Шунингдек, қиморда пул ютишни, ундан одамларга чўтал беришни ҳам манфаат деб тушунишган. Лекин бунга ўхшаш манфаатлари уларнинг гуноҳи олдида ҳеч нарса эмаслиги ҳам уқдирилмоқда. Хамрнинг жамиятга, шахсга, давлатга ва инсониятга келтирадиган зарари ҳозиргидек кўзга яққол кўринмаган бўлса керак. Эслашимиз керакки, ақлни тўсувчи ҳар бир нарсага хамр дейилади. Унинг номи турлича бўлиши мумкин, пиводан тортиб морфи ва бошқалари ҳам, ҳаммаси ҳаром.

* * *

«Эй иймон келтирганлар! Маст ҳолингизда – то айтаётган гапингизни биладиган бўлмагунингизча – намозга яқинлашманг... » (*Niso сураси, 43-оят*).

Тафсир:

Ароқни ҳаром қилиш йўлида татбиқ қилинган чоранинг яна бир босқичи мазкур ояти каримадан жой олган. Жоҳилият даврида кенг авж олган разо-



латлардан бири ароқхўрлик эди. Кишилар ароқсиз ҳаётни тасаввур қила олмас эди. Шоирлар уни ўз шеърларида мадҳ этар эдилар. Кишилар ўзаро фахрланадиган ишлардан бири ароқхўрлик эди. Яъни бу иллат кенг тарқалган ва чуқур илдиз отган эди.

Куръони Карим бу дардни даволашда ўзига хос усул қўллади: аста-секин, даражама-даражада йўл тутди.

Аввало, «Наҳл» сурасида келган: «Хурмо ва узум меваларидан маст қилувчи ҳамда яхши ризқ олурсизлар», деган оятни нозил қилди. Бу оятда ароқнинг яхши нарса эмаслигига ишора бор, холос. Яъни Аллоҳ таоло маст қилувчи ичимликни яхши ризқقا қарши қўймоқда. Ароқ яхши ризқ бўлмаганидан кейин, демак, ёмон ризқ бўлади-да. Худди шу ишоранинг ўзи баъзи бир ҳассос инсонларнинг ароқдан узоклашишига сабаб бўлган. Айни пайтда мусулмонларнинг кўпчилик оммаси унинг ёмон нарса эканини тушунганлар. Бирмунча вақт ўтгандан сўнг одамлар Пайғамбар алайҳиссаломдан ароқ ва қимор ҳақида сўраганларида, Аллоҳ таоло «Бақара» сурасидаги «Сендан хамр ва қимор ҳақида сўрашлар. Сен: «Бу икковида катта гуноҳ ва кишилар учун манфаат бор ва гуноҳлари нафларидан каттадир», деб айтгин», деган оятни нозил қилган. Бу оят аввалгисини қўллаб-қувватлади. Одамларнинг Пайғамбар айлайҳиссаломдан ароқ ҳақида сўрашлари ҳам бежиз эмас эди. Чунки исломий жиҳатдан ноўрин, гуноҳ ишларни идрок этиш ҳисси кишиларда кучайиб бораётган эди. Бу оят нозил бўлгандан кейин мусулмонларда ароқقا нисбатан

нафрат ҳисси яна ҳам кучайди. Кўпчилик ичишни ташлади. Лекин бу, ароқни тамомила ҳаром этиш, дегани эмас эди.

Имом Термизий ва Ибн Аби Хотимлар Али ибн Аби Толиб каррамаллоҳу важҳаҳудан ривоят қилган ҳадисда, у киши қуидагиларни айтадилар:

«Абдурроҳман ибн Авф таом қилиб бизни меҳмонга чақирди. Ароқ ҳам қуиб берди. Бизга ароқ ўз таъсирини кўрсатди. Намоз вақти бўлиб қолувди, фалончини олдинга – имомликка ўтказдилар. У: «Эй кофиirlар! Сиз ибодат қиладиганга мен ибодат қилмайман ва сиз ибодат қиладиганга биз ибодат қиласиз», деб ўқиб юборди. Шунда Аллоҳ: «Эй иймон келтирганлар! Маст ҳолингизда – то айтаётган гапингизни биладиган бўлмагунингизча – намозга яқинлашманг... » деган оятни нозил қилди». Бу мусулмонларга қаттиқ таъсир қилди. Чунки намоз энг зўр ибодат, уларнинг кўз қорачиғи хисобланар эди.

Иккинчидан, кофиirlар билан тикма-тик тортишиб турган ғоялари улар ибодат қилган нарсага ибодат қилмаслик эди. Намозда туриб оят маъносини тескари қилиб, «сиз ибодат қилганга биз ибодат қиласиз», деб юборилиши катта мусибат эди. Бу оят тушгандан сўнг, ароқ ичиш имконияти яна ҳам камайди. Чунки беш вақт намознинг орасида маст бўлмай туриш осон эмас эди. Кейинроқ ароқни бутунлай ҳаром қилувчи оят нозил бўлди.

Шу тариқа Ислом тўрттагина оят билан асрлар бўйи тузалмас дард бўлиб келаётган ижтимоий иллатни муолажа қилди. Ҳозиргача ҳеч ким бу ишни

уддалай олмаяпти. Албатта, ҳозир биз ўрганаётган оятдаги ҳукм вақтингчалик ҳисобланган. Чунки кейинги тушган оят ароқни буткул, бир томчисини ҳам ҳаром қилган.

* * *

«Эй иймон келтирғанлар! Албатта, хамр, қимор, бутлар ва фол очадиган чўплар ифлосдир. Шайтоннинг ишидир. Бас, ундан четда бўлинг. Шоядки, нажот топсангиз» (Моида сураси, 90-оят).

Тафсир:

Араб тилида «хамр» сўзи «тўсиш», «беркитиш» маъноларини англатади. Тановул қилган кишининг ақлига таъсир этадиган, унинг ақлини тўсадиган, беркитадиган, бошқача айтганда, маст қиладиган ҳар бир нарсага «хамр» дейилади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида: «Ҳар бир маст қилувчи нарса хамрдир, ҳар бир хамр ҳаромдир», дейилган. Бундан англашиладики, «Ароқдан бошқа нарсаларни ичса бўлаверадими? Ичмаса-ю, чекса нима бўлади?» каби саволлар, шунингдек, «ароқнинг ўзи ҳаром эмас экан-у, маст қилиши ҳаром экан», деганга ўхашаш «шарҳ»лар ҳаммаси ўринсиз ва мантиқсиз гаплардир.

«Қимор» аслида арабча сўз, аммо оятда айнан «қимор» сўзи эмас, балки унинг муродифи «майсир» сўзи келтирилган. Бу эса осонлик билан мол топиш маъносини билдиради. Яъни қиморнинг ҳақиқий маъносига далолат қиласи.



Аллоҳ таоло ушбу оятда хамр тановул қилиш ва қиморўйнаш кабиамалий гуноҳларни бутга чўқиниши ва фолбинга ишониш каби куфр ва ширк саналган улкан маънавий жиноятларга тенглаштирумокда. Баъзи одамлар бутга чўқинишдан қаттиқ ҳазар қиладилар, ўлиб кетса ҳам бу ишни қилишга кўнмайдилар. Аммо ароқни ичаверадилар, қиморни ўйнайверадилар. Фолбинга бориш ҳақида ҳам шу фикрни айтса бўлади. Аллоҳ таоло бу ишларнинг барчасини қўшиб-жамлаб туриб бир хил баҳо бермоқда ва иймон келтирган бандаларига хитоб қилиб: «Бас, ундан четда бўлинг!» – демоқда. Яъни мўмин бандаларнинг нажот топишларига, шояд, ушбу ифлосликдан ва шайтоннинг ишидан четда туриш сабаб бўлса, демоқда.

* * *

«Албатта, шайтон ҳамр ва қимор туфайли ораларингизга адovat ва ёмон кўришиликни солишни ҳамда сизларни Аллоҳнинг зикридан ва намоздан тўсишни хоҳлайди. Энди тўхтарсизлар?!» (Moида сураси, 91-оят).

Юқорида ўтган оятларда аввалги умматларнинг ҳалокатига уларнинг ораларига тушган адovat ва ёмон кўришилик ҳам сабаб бўлгани эслатилган эди. Бундай ўзаро адovat ва ёмон кўришилик мусулмонлар орасида ҳам пайдо бўлишига хамр билан қимор сабаб бўлиши мумкинлиги таъкидланмоқда. Хамрнинг шахсга, оиласга, жамиятга ва бутун инсониятга келтирадиган заарлари ҳақидаги маълумотлар жуда ҳам кўп, маълум ва машҳурдир. Бу

ҳақиқатларни бутун дунё – мусулмон ҳам, кофир ҳам, худосиз ҳам, ҳатто ароқхўрлар ҳам яхши билади. Биз у маълумотларни тақорорлаб ўтиrmайликда, ушбу ояти каримада закр қилинган заарини – кишилар ўртасида адоват ёмон кўришга сабаб бўлишини эслаб ўтайлик. Агар эътибор берадиган бўлсак, қаерда ичкилик бўлса, ўша жойда кўнгилсизлик келиб чиқади. Ичкилик туфайли бузилган оиласлар қанча, ака-укалар, ота-болалар, дўст-оғайни, қўни-кўшнилар бир-бирига душман бўлгани қанча. Ишхона, маҳалла-кўй, тўй-маросим, дам олиш жойлари ва жамоатчилик тўпланадиган ерлардаги адоват ва ёмон кўришларнинг ҳисобига етиб бўлмайди. Хозирга келиб ичкилик, ароқхўр давлат раҳбарлари сабабли, мамлакатлар орасига ҳам адоват солмоқда.

Шунингдек, қимор ҳам зарари кўп иллатdir. Айниқса, кишилар ўртасига адоват ва ёмон кўришлик солиши ҳаммасидан ўтиб тушади. Буни содда мантиқ ҳам кўрсатиб туради. Ютқизган қиморбоз ўзидан бир дақиқада бир ҳаракат ила катта ёки оз миқдордаги маблағни ютиб олган қиморбозни ҳеч қачон яхши кўрмайди ёки унга ўзини дўст санамайди. Қиморнинг орқасидан чиқсан жанжаллар, душманликлар, ёмон кўришлар, қотилликлар ҳақида ҳар доим эшитиб турамиз.

Аллоҳ таоло бу икки нарсани – хамр ва қиморни «ифлослик ва шайтоннинг иши», деб атамоқда. Аллоҳ Ўз бандаларига меҳрибон бўлгани учун уларни ифлослик ва шайтоннинг ишидан қайтаради. Нопок таомларни заарали бўлгани учун ҳаром қилганидек, ифлос ишларни ҳам бандаларига зарарли бўлгани учун ҳаром қилади.



Ушбу ояти каримада зикр қилинган ароқ билан қиморнинг заарларидан иккинчиси – улар одамларни Аллоҳнинг зикридан ва намоздан тўсиши. Бу маълум ва тушунарли ҳол. Ароқхўрнинг ароқ ичишининг ўзи Аллоҳни эсламаслигига далил. Ичиб маст бўлиб олгандан кейин эса, умуман эсга олмайди. Намоз ҳам, бошқа ишлар қатори, ароқхўрнинг эсидан чиқади. Шунингдек, қиморга берилиб кетган қиморбоз Аллоҳнинг зикрини ҳам, намозни ҳам унутади. Бу нарса ароқ ва қимор келтирадиган зарарларнинг энг каттасидир. Бошқа жиноятлар шу унтишдан келиб чиқади.

Ароқхўр халқларнинг вакиллари ароқдан фазилат топмоқчи бўладилар: «Бу дунёning ғам-ғуссаларини унуттиради, бир оз бўлса ҳам, бўшашиб, ўша ғамлардан, аламлардан узоқлашиш имконини беради», дейдилар.

Исломда бунга масъулиятдан қочиш, ғам-ғусса устига яна ғам-ғусса қўшиш, деб қаралади. Албатта, бирор ароқни ичиб, маст бўлиб, ғам-ғуссани унугани билан, ҳушига келганда ғам-аламлардан қутилиб қолмайди. Балки, аввалги ғам-ғуссаларига ароқхўрлик туфайли келган ғам-ғуссалар қўшилади. Исломда ҳаётнинг ғам-ғуссаларини улардан қочиш билан эмас, балки уларга қарши курашиш билан муолажа қилинади. Мусулмонлар қийинчилкларни енгиб ўтишда доимо Аллоҳ таолодан ёрдам сўраган ҳолларида иш олиб борадилар. Ҳамиша Аллоҳ таолонинг зикрида бўладилар, намозни кандо қилмайдилар. Аллоҳнинг зикри ва намоз дунёдаги барча ғам-ғуссаларни тўкиб-соладиган, уларни ҳал



қилишда, улардан халос бўлишда ҳақиқий ёрдамчи бўлмиш Аллоҳдан мадад сўрайдиган энг қулай фурсатдир. Бундай қулай фурсатни ароқ ичиш, қимор ўйнаш билан қўлдан бой бериш катта бадбаҳтликдир.

Ароқхўрликка қарши гапирсанг, баъзилар: «Сенинг ишинг нима? Ичса, ўзининг пулига ичибди. Зарар кўрса, ўзи кўради», дейишади.

Исломда бундай фалсафа йўқ. Мусулмон одам фақат ўзи учун яшамайди. У, ўзидан ташқари, оиласи, қариндош-уруғи, жамияти, қолаверса, бутун инсоният олдида масъулиятли шахс ҳисобланади. Энг муҳими – Аллоҳнинг олдида масъулиятлайдир. Шунинг учун ҳам у, аввало, ўз жони олдидаги масъулиятни ҳис этиб, ароқ туфайли молу мулкини, соғлигини ва обрўйини йўқотиш билан ўзини қийнамаслиги керак. Шунингдек, оиласини ҳам қийнашга ҳаққи йўқ. Оилани боқиб, кийинтириб, яхши жой билан таъминлаб, унинг обрўйини ҳимоя қилиш ўрнига, топганини ичиб, етмаса, оиланинг бошқа аъзолари топган унча-мунча маблагни ҳам сарфлаб, уларнинг обрўйини тўкиш катта жиноят ҳисобланади. Шунингдек, қариндош-уруғлар ҳам ундаги ҳақларидан бебахра қолмасликлари керак.

Ароқхўр киши жамият унга яратиб берган имтиёзлардан фойдаланса-ю, ўзи унга хизмат қилиш ўрнига, тирик товон бўлиб, ногиронлик нафақаси сўраб турса, шунда ҳам ароқхўрлик «ўзининг иши» бўладими!?

Ароқхўрнинг Аллоҳ таоло олдидаги масъулияти ҳақида ҳар қанча гапирсак, шунча оз. Қисқа қилиб

айтганда, ароқхўр умуман Аллоҳни унугтган одам бўлади. Бунақа одам ҳақида қандай қилиб, «ичса ўзининг пулига ичиби, зарап кўрса, ўзи кўради», дейилади?!

Булар оддий фуқаронинг ароқхўрлиги ҳақидаги гаплар. Энди агар ароқхўр масъул одам, вазифадор ёки ҳоким бўлса нима бўлади? Ароқни ўз пулига эмас, халқ пулига ичса, порага олган пулига ичса, ҳаромдан топган, бироннинг ҳақидан юлиб қолган маблағига ичса-чи? Унда жиноят бир неча чандон кучаяди ва заарлар ҳам шунчалик кўпаяди. Табиийки, Аллоҳнинг олдидаги гуноҳлар ҳам шунга яраша бўлади.

Ушбу икки оят Қуръони Каримдаги хамр ҳақидаги сўнгти оятлардир. Бу ерда унинг батамом ҳаром эканлиги баён қилинган.

Хамр ҳақидаги оятлар тўрт марта, босқичмабосқич бўлиб тушган... Бу оятлар Уҳуд урушидан кейин, учинчи ҳижрий санада нозил бўлган. Демак, Қуръон нозил бўла бошлигандан ўн олти йил ўтгандан сўнг тушган. Биринчи сабаби – одамлар берилиб кетган иллатни аста-секинлик билан даволаш экани гапириб ўтилди. Аммо энг муҳим сабаб, ҳақиқий омил ҳақида энди гаплашамиз.

Қуръони Карим оятлари Маккаи Мукаррамада ўн уч йил нозил бўлиб турди. Агар ўша даврда нозил бўлган оятларга назар солинадиган бўлса, ҳаммаси ақийда масаласига, кишилар қалбида «Ла илаха иллаллоҳ»ни ўргатишга қаратилгандир.

Узоқ муддат ҳидоятсиз юрган, ширк ва куфр моғори босган қалбларни тозалаш-поклаш ва

ягона Аллоҳнинг борлиги, бирлиги, холиқлиги, розиқлиги, ҳокимлиги, илоҳу маъбудлиги, бутун оламнинг тарбиячиси, қиёмат кунининг молики эканлиги ва бошқа сифатларини яхшилаб тушунтириб, кишиларнинг ягона ақийдасига айлантиришга ҳаракат бўлди. Шу билан бирга, «Ла илаҳа иллаллоҳ» ахлоқиётлари, яъни шу калимаи тойийбага иймон келтирган кишининг ахлоқлари қандай бўлиши кераклиги ҳақида йўл-йўриқлар бўлди. Иймон келтириб мусулмон бўлган кишиларнинг қалби покланиб, «Ла илаҳа иллаллоҳ»дан бошқа ақийда сифмайдиган бўлди. Бу қалбларга ягона Аллоҳнинг муҳаббатидан ўзга ҳеч қандай муҳаббат йўл топа олмайдиган бўлди. Борликда Аллоҳ таолодан ўзга ибодатга сазовор зот йўқлигини кишилар тушуниб етдилар. Яъни бу дунёда унга одамлар банда бўлишига ҳақдор зот, инсонлар унинг айтганларини қилиб яшашига ҳақли зот, розилигини олишга ҳаракат қилиш керак бўлган зот ягона Аллоҳ таолонинг Ўзи эканлиги уларнинг мустаҳкам ақийдасига айланди. Мусулмонлар бу дунёда нима ҳалол, нима ҳаром эканлигини тайин қиласиган зот битта – Аллоҳ эканини тушуниб етдилар. Улар ўз ҳаётларининг барча соҳаларида фақат Ислом кўрсатмалари асосида яшашлари лозимлигини тушуниб етдилар. Уларнинг иймон-эътиқодлари кувватланди. Аллоҳдан келган ҳар бир амрни катта қувонч билан, шавқу завқ билан кутиб оладиган ва ўша амрга амал қилишда бир-бирлари билан мусобақалашишга шошиладиган ҳолга келдилар. Исломдан олдинги ҳаётлари тўла залолатда бўлганини, ўзлари буту санамларга сифиниб юрган-

ларини, ўзларига ўхшаш одамлардан кўркиб, уларнинг иродаларига итоат этиб юрганларини, ҳамма эътиқодлари, тасаввурлари нотўғри эканини англаб етдилар. Жоҳилият зулматларидан Ислом нурига чиққанларидан ниҳоятда севиндилар. Уларга бу улкан неъматни берган Аллоҳнинг амрига итоат этишини ўзларига шараф деб биладиган бўлдилар. Мана шундай ҳолат ўзгаришларидан кейингина амалий ҳукмларга оид ояtlар туша бошлади ва мусулмонлар уларни мисли кўрилмаган аниқлик билан ҳаётга татбиқ этишга киришдилар.

Хамрнинг ҳаромлигини баён қилувчи ушбу оят нози бўлганда кишилар хамр сақлайдиган идишлирини кўчага олиб чиқиб ерга урганлар. Мадинаи Мунаввара кўчаларида ароқ оққан. Одамларга ушбу оят тушганлиги хабари етганда ичишга шайланиб турган хамрларини қайтарганлар, ичиб қўйганларини қусиб ташлаганлар. Шу билан бу иллатдан жамият тамоман кутулган.

Бунга ўхшаш иллатларнинг муолажаси фақат чуқур иймон ва эътиқод асосида бўлмаса, муваффакиятсизликка учраши турган гап. Кўплаб тажрибалар шунга далилдир. Ҳозирда хамрнинг инсоният ҳаётига таҳдид солиб турган хатар эканини каттаю кичик, эркагу аёл, ҳокиму маҳкум – ҳамма илмий асосда тушуниб етди. Аммо айнан шу иллат кундан кунга авж олиб кетмоқда. Хамрнинг турли янги навлари пайдо бўлмоқда. Унга қарши ҳукуматларнинг кўраётган чоралари ҳеч фойда бермаяпти. Ҳукуматлар ўлим жазосини чиқарса ҳам, хамрга қизиқувчилар кўпайиб бормоқда. Чунки му-

олажанинг асоси нотўғри. Иймонга, Аллоҳга тақво қилишга, Унинг амрига бўйсунишга суюнмайди. Аллоҳдан кўрқмаган ароқхўрга ўзидан ҳам баттар ароқхўр бир ҳокимнинг чиқарган қарори қандай таъсир қилиши мумкин? Фақат Исломгина бу ва бунга ўхшаш иллатларни муолажа қила олади.

Шайх Мұҳаммад Содиқ
Мұҳаммад Юсуф

ҲАДИСИ ШАРИФ ҚОРАЛАЙДИ

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда бундай дейилган: «Хамр ҳаром қилингач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам-нинг айрим саҳобалари бошқаларининг олдига бориб: «Хамр ҳаром қилинди ва ширкка тенглаштирилди», дейишиди» (Табароний ва Ҳоким ривояти).

* * *

Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Ҳар бир маст қилувчи нарса хамрдир ва ҳар бир маст қилувчи нарса ҳаромдир. Ким бу дунёда хамр исча ва уни ичишга одатланган ҳолда вафот этса, охират шаробини ичмайди» (Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ривояти).

* * *

Бошқа ҳадисда бундай дейилган: «Уч тоифа одам жаннатга кирмайди: хамрга муккасидан кетган, қариндош-уруг алоқаларини узган ва сехрни



тасдиқлаган кимса» (Ахмад, Табароний, Абу Яъло ривояти).

* * *

Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Уч тоифа одамнинг намозини Аллоҳ таоло қабул қилмайди ва уларнинг биронта яхшилиги осмонга кўтаришмайди: қочоқ қулнинг, токи у хўжайинига қайтиб қўлини қўлига қўймагунича; эрини норози қилиб ғазаблантирган хотиннинг, то эри ундан рози бўлмагунича; мастнинг, токи у ўзига келмагунича» (Табароний, Ибн Ҳиббон, Ибн Ҳузайма, Байҳақийлар ривояти).

* * *

Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кўпи масти қилган нарсанинг ози ҳам ҳаромдир», дедилар» (Абу Довуд, Термизий ва Насойи ривояти).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Ким зино қилса ёки хамр исча, худди инсон бошидан кўйлагини ечиб олганидек Аллоҳ ундан иймонини ечиб олади» (Ҳоким ривояти).

* * *

Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ хамрни ҳам, уни ичувчини ҳам, қуювчини ҳам, сошиб олевчини ҳам, сотувчини ҳам, тайёрлатувчини ҳам, олиб келувчини ҳам, олиб келтирувчини ҳам



лаънатлади», дедилар (Абу Довуд ривояти). Ибн Можа ривоятида: «Пулини еючини ҳам», дейилган.

* * *

Абдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бундай деганларини эшитдим: «Олдимга Жаброил (алайҳиссалом) келиб: «Эй Мұҳаммад, албатта Аллоҳ ҳамрни ҳам, уни сиқтирувчини ҳам, сиқувчини ҳам, ичувчини ҳам, олиб келувчини ҳам, олиб келтирувчини ҳам, сотувчини ҳам, сотиб оловчини ҳам, қуювчини ҳам, қайдиравчини ҳам лаънатлади», деди» (Аҳмад, Ибн Ҳиббон, Ҳокимлар ривояти).

* * *

Воил ибн Ҳижр айтадилар: «Ториқ ибн Сувайд Жаъфий Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳамр ҳақида сўраган эди, уни тақиқладилар. Шунда у: «Уни даво учун тайёрлайман, ахир», деган эди, «Ҳамр даво эмас, аксинча дарддир», дедилар» (Муслим, Абу Довуд, Термизий, Аҳмад ривояти).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Албатта менинг умматимдан баъзи одамлар ҳамрни ичурлар ва уни ўз номидан бошқа ном билан атарлар» (Абу Довуд, Насайй, Ибн Ҳиббон ривояти).

* * *

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Ҳамрдан четда бўлинглар! Чунки у ифлосликларнинг онасидир. Сизлардан олдин ўтган-



лардан бир киши бор эди. Бир бузуқ аёл унга илашиб қолди. У унинг олдига қиз хизматчисини юбориб, гувоҳликка ўтишини сўради. Эркак у (қиз) билан кетишиди. У қайси эшиқдан кирса, қиз эшикни маҳкам беркитиб бораверди. Охири бир гўзал аёл ҳузурига етиб борди. Унинг олдида бир ғулом (кул) ва идишда хамр (ичкилиқ) турарди. Аёл: «Аллоҳга қасамки, мен сени гувоҳликка чақирганим йўқ. Аммо сени менга яқинлик қилишинг (учун чақирган эдим) ёки манави идишдаги хамрдан бир қадаҳ ичишинг ёки манави ғуломни ўлдиришинг учун чақирганман», деди. Эркак (енгилроқ деб ўйлаб): «менга манави хамрдан бир қадаҳ ичир», деди. Аёл унга хамрдан ичирди. Эркак: «Яна беринглар», деди. У ўша ернинг ўзида у (аёл) га яқинлик ҳам қилди, ғуломни ҳам ўлдириди. Бас, хамрдан узоқ бўлинглар! Аллоҳга қасамки, албатта у абадул-абад иймон билан жам бўла олмас. Агар иккиси жамланиб қолса ҳам, бири иккинчисини чиқариб юборади» (Насоий ривояти).

* * *

Майнинг бир неча қултумини баданингга киритиб, ундан бир-икки қатрани чиқазиб ташлама. У қултум ташвиши билан роҳатингдан айрилиб, у қатранинг хуружидан бало дарёсига ботма. У қултум дин ва иймоннинг уйини йиқувчи бало селобидир. У қатра ранж-кулфатдирки, у билан ҳаётнинг нақди – жонинг чиқар. Ахир баданинг қутичасидан қатра-қатра дурларни тўкиш билан, у қутини гавҳардан бўшатасан, жисм шишасига у қултумлар учун йўл очасан. Бу билан нафсу ҳаво қурбони бўласан. У

култум фасодга ўхшаган бир моддадирки, уни та-
нингга яқинлатма: у қатра ҳаёт нақдидирки, ун-
дан воз кечма. Май ичиш билан шайтоннинг иста-
гини юзага чиқазган бўласан... Май ичмоқ – жигар
қонинг ичмоқдир; май ичиш билан заҳар ютма; жо-
нинг нақдинасини сочиш билан наслинг тухумини
куритма!

(Алишер Навоийнинг
“Маҳбуб ул-қулуб” асаридан).

ШАЙХ САНЬОН ВОҚЕАСИ

Қадимдан машҳур бўлган шайх Санъон воқеаси
ибрат жиҳатидан жуда муҳимдир.

Ўн биринчи – ўн иккинчи асрларда яшаган шайх
Санъон (ибн Саққо)нинг оташин севгиси ҳақидаги
қисса дунёга машҳурдир.

Бадиий адабиётда бу қиссани биринчи бўлиб Фари-
диддин Аттор 1221 йилда «Мантиқут-тайр» асар-
ларида назмда берганлар.

Биз мазкур рисолада ҳазрат Алишер Навоий ижод
йўлларининг якуни ҳисобланмиши «Лисонут-тайр» дос-
тонларининг бўгунги тилга мослаштирилган насрой
баёнидан фойдаланамиз.

* * *

Шайх Санъон олий даргоҳга етишганлардан бў-
либ, кўнгиллари ғайб сирларидан огоҳ эди. У зот Каъ-
бада авлиё кишилар ва қавмни етакловчилар ораси-
да худди пайғамбар алайҳиссалом ўз саҳобалари би-
лан тургандек турарди. Халойиққа тўғри йўл кўрса-



түвчилардан бири бўлиб, Каъбадаги барча шайхларнинг шайхи эди. Унинг остонасида шоҳлар гадолик қилар, огоҳ кишилар ҳам унга қуллик қилишдан фахр этишарди. У бирон бир ғамгин киши ҳаққига дуо қилмоқчи бўлса, малоикалар қўл очиб, «омин» дерди. Унинг мақсади қархисида улар юз кўрсатиб, кўнглининг кўзгусида жилваланиб турар эдилар. Унга яқин кишилар ва муридларнинг сони тўрт юзтага етар, уларнинг ҳар бири Жунайд ва Боязидларга тенг келарди (*Жунайд Бағдодий машҳур шайхлардан, 910 йили вафот этган; шайх Боязид Бистомий тайфурия тариқатининг асосчиси, 951 йилда вафот этган*). Агар у бир дуо қилса борми, ҳатто офат дудидан қорайиб кетган олам ҳам ёришиб кетарди. Агар бирор киши бирон-бир дардга мубтало бўлган бўлса, у дуо қилгач, бу бало даф бўларди. У тушида бирор нарса кўрса, бу воқеа бошдан-оёқ ўнгида ҳам юз берарди.

Шундай бўлдики, бир неча тун давомида бир тушни кетма-кет кўраверди. Оқибат бу туш сабру қарор ипини узди. Ҳар уйғонганида ўзининг бу ҳолига тавба қиларди, кўзини юмиб уйқуга кетса, яна ўша туш қайта такрорланарди. Ул зотни безовта қилган туш бундай эди: эмишки, Рум мамлакатида сайр қилиб юрармиш. Энг даҳшатлиси шуки, бир бутхона ичида маст ҳолда турармиш, мастликдан ўша ибодатхона ахли каби бутпарастликка юз тутган эмиш.

Бу туш ана шу тарзда бир неча бор такрор бўлгач, сирлар хазинаси бўлмиш Шайх бу ҳолдан ғоят ташвишга тушиб, ўзига дедики:

– Бу балодан сақланиб бўлмайдиганга ўхшайди.
Агар бир киши Каъбада ёки оташпарастлар ибо-

датхонасида турар экан, буни ҳам бир кўриб қўйиш керак. Тезроқ ўша мамлакатга йўл олиш, тақдир қаёққа етакласа, ўша томонга кетиш лозим. Ўша ерга ҳам бир бориб кўрайлик. Бошимизга нимаики келса, «ё насиб» деб қисматдан кўрамиз.

Шу тарзда у ўз ҳолига назар солиб, ўша юртга боришдан ўзга чора топмади. У кета туриб, Каъбага юзини қўйди ва юз ҳаяжон билан видолашмоқ учун уни тавоғ қилди. Минг ҳасрат билан ҳарам тавофини қилиб бўлгач, Рум иқлими сари йўлга тушди. Тариқат пири йўлда давом этар, тўрт юз йўл аҳли эса унга ҳамроҳ эди. Йўлда ҳалок қилгулик ҳар ҳил савдолар Шайх кўнглига ғулғула соларди. Ҳар дам у ўзга бир ҳолатга тушар, бу оғир аҳволдан қутулиш чорасини топа олмас эди. Ул зотнинг бу ҳолига дўстлари ҳайрон қолишар, уларнинг ақлу ҳушлари бошлиридан учарди. Яқин кишилари пирларининг бу ғаридан аҳволидан воқиф бўла олмай, «Сизга нима бўлди?» деган саволларига жавоб топа олишмагач, Шайхдан ҳам кўпроқ изтироб чекардилар.

Хуллас, улар шу тарзда мақсад сари, қайси мақсад, балки беҳад шиддат сари йўл босдилар. У юртга етиб келган заҳотиёқ Шайх кўнглида юз хил тўпалонлар туғён ура бошлади.

Ҳар нафас бир жойни кезиб юрганларида ногаҳон ғалати бир бутхона намоён бўлди. Кўп сирларни ўзига яширган бутхонанинг тоқи осмон гумбазига етар, унинг тошлари ғам ва машаққат тоғидан келтирилган бўлиб, ғиштлари дарду бало тупроғидан ясалган эди. Бу ғиштлар юз хил мураккаб усуллар билан ҳар хил рангдаги бўёқлар бериб пиширилган

ва турли гўзал нақшлар билан териилган эди. Бино болаҳонасининг айвончасидан қараб турган фитналар кишиларни ғоят чорасиз ҳолга солардилар-ки, улардан қутулишнинг сира иложи йўқ эди. Бинонинг турли балолар маскан туттан ҳар дарчаси ишқ нуридан ёришиб турар, кунгуралари эса иймонга рахна соларди. Ҳар кунгурага териилган тошлар ишқ тифидан кесилган бошларга ўхшарди. Бу тошлар дин аҳли бошини учирив юбориш, олам узра тошбўрон қилиш учун мўлжаллангандек эди. Фитна тўдаси юриб ўтадиган дарвозасининг ҳалқа ва занжирлари юз минг найрангдан иборат бўлиб, улар кишиларни савдо ҳалқасига ўраб, девона қилар, телбалик занжирига чирмаб ташлар эди.

Бу бинонинг ичида ишқ ўти ёқилган юзта оташкада бор бўлиб, уларнинг ҳар бирида юз туман савдойилик мавжуд эди. Улардан чиқаётган қора турунлар бутхона устини худди куфр ва исён зулмати каби қоплаб ётарди. Бу кўхна дунё шунча айлангани билан бу хил фитнагар бутхонани ҳанузгача кўрмаган эди.

Шу бутхонани кўргач, Шайх жисмида ҳарорат кўтарилиди, кўнгли изтиробдан бетоқат бўла бошлади. Ҳар дам у зотга хасталик юзланиб, кўзи ўнгида қандайдир ўзга бир олам намоён бўла бошлади. У ҳар томонга ошуфтавор қараб юрганида, кўзи беихтиёр бир тарафга тушди: унинг қаршисида юзига парда тортган гўзал пайдо бўлди. Бу парда гўё унинг қуёшдек юзини беркитиб турган уфқдаги камалакка ўхшарди. Шу пайт шамол келиб, унинг юзидаги пардани кўтариб юборди ва бу қуёш нури ҳар томонга

ёйилиб кетди. Уни қүёш деб атамоқлик ҳам камлик қилур, чунки юз қүёш ҳам унга девона бўлиб, унинг хусни шами атрофида парвонадек эди...

Бу гўзал қизнинг қадду қомати гўё суратдаги рухнинг ўзгинаси бўлиб, ундан ҳар лаҳза руҳда ўзга ҳолат юз берарди. У ҳур суратли ажойиб бир паризод, гул ёноқли озода бир сарв эди. Кўриниши рухни ўзига мафтун этар, шакли шамойили эса кишини юз хил шаклга сола оларди. Суратидан ҳур ва парилар ҳам хижолат чекар, талъатидан шарқ қуёши ҳам уяларди. Юзи нур сочиб турар, сочи зулмат каби қоп-қора эди. Бу нур ва зулмат гўё куфр ва иймондан нишона берарди. Юзи узра мушк таратувчи зулфи ёйилиб турар, гўё бу зулмат ичра нурнинг яширинганини эслатарди. Сочи нур аҳлига зулмат олами бўлиб, унда савдо аҳлининг буюк бир ўлкаси беркингандек эди. Худди янги ой девонани ҳайратга солганидек, унинг қоши ҳам савдойи кишилар учун янги ой каби туюларди. Қошининг тоқи – қабогидаги кўзи худди ўша бутхона тоқиси остида турган гўзал қизнинг ўзгинасидек офатли эди. Кўзи теварагида фитна аҳли каби киприклари ҳар тарафга саф тортиб турарди. Кўзининг пастида «бало» сўзининг остида ёзилган нуқта каби бир холи бор эди. Ўша бало остида ва юз устидаги холларни бу икки сўзга кўйилган нуқталардан мисол деб бил (Бу ўринда сўз ўйини бўлиб, «бало» ва «юз» сўзларининг арабча ёзилишидаги нуқталар назарда тутилган).

Оғзи ғайб сирларидан нишон берар, аммо ўзи ғайб аҳли каби бенишон – кўзга кўринмас даражада эди. Лаби хаста жонлар учун малҳам бўлар, нутқида

Исойи Рухуллоҳдами бор эди (*Ийсо алаиҳиссаломнинг ўз нафаслари билан ўлганларни тирилтирганлари на-зарда туилган*). Агар унинг кайф берувчи лаби ёқут каби қизил рангда бўлса, унинг ширин сўзларидан хаста жон озиқ оларди. Унинг кулгичларида юз минг жон асир, бағбақасининг чуқурчасида эса юз Юсуфи Канъон тутқун бўлар эди (*Канъонлик Юсуф-нинг акалари ҳасад юзасидан уни қудуққа ташлаб, кўйлагини қонга бўяб, «Юсуфни бўри еди», деб отала-рига элтадилар. Бу тасвирда ҳазрат Навоий гўзал қиз юзидаги занахдон – чуқурча-кулгични Юсуф ташлан-ган қудуққа ўхшатганлар*). Агар у бу чоҳга тушганларни қутқариш учун зулфидан каманд ташласа, бу каманд уларни янада кўпроқ ўзига банди этарди. Ияк айланаси худди бағбақа остидаги «нун»га (араб ёзувидаги «нун» ҳарфига ишора) ўхшайди, гёёки оби ҳайвонга гумбаз бўлиб хизмат қиласди, аммо у қадар баланд эмас. Ҳам унинг қадди ниҳолига жон жилваланади, ҳам хиром айлаб юришидан оби ҳайвон жилваланади. Кўзи била лаби ажабсанъатлар кўрсатишар, агар бири кишиларни ўлдирса, иккинчиси ўша ўлганларни тирилтиради.

Жисми гулгун бўлиб, кийган кўйлаги гўё гул узра гул эди, уни кўрган заҳотиёқ юз минг кўнгил тоқатсизланиб, ўзини йўқотарди. Кўйлагига рангбаранг гўзал нақшлар солинган бўлиб, уларда Рум ва Фаранг (*Бу сўз бутун Европани англатган*) усталарининг жон чекиб меҳнат қилганлиги кўриниб туарди. Кўйлакдаги қатл этувчи қизил ранглар неча кишиларни ўлдирса, лекин ундаги атирдан ўлган кишиларга қайтадан жон киради. Дин аҳлига қирғин

келтирувчи кофирдек қотил кўзидан барча баҳра олишни истарди. Кимки унинг сочи зуннорини хаёл қиласа, бу соч унинг дину иймонини поймол этарди. Ҳусну латофатда жон аро ер тутгудек ёқимли, балки бир қултум сув билан ютгудек сўлим ва гўзал қиз эди. Ҳуснининг шуъласи давронга ўт солса, оташин лаълидан жонга ўт тушарди. Ақлу хуш эгалари ундан оташгоҳ ишқини топардилар, ишқида зоҳидлар куйиб кул бўлардилар, аммо у оташдан холи эди.

Хуллас, ана шу тарсо (христиан) қизи бир гўзал шаклда худди қуёш айвонидаги Ийсо қизи каби қаср устида турарди. Бундан Шайх кўнглида чақмоқ чақилгандек бўлиб, унинг жони шуъла денгизида фарқ бўлди. У қаттиқ ҳаяжонда «ла ҳавла...» дуосини ичидан қайта-қайта такрорлаб, «тавба!» деб ёқасини ушлади. Аммо у шўх ўз рухсорининг шуъласи билан Шайхнинг тавбаю дуосини кўйдириб юборди. Шайх ўздан кетиб, тупроққа йиқилаёзди. Бу дамда қўлидаги хассаси худди уй устуни каби гавдасини сяб қолди. У шундан сўнг бир пас орқасини деворга тираб турди ва бу фаройиб ҳолатдан ҳайратга чўмди. Аммо ҳаяжоннинг зўридан хассаси ва жисмига шикаст етиб, ҳолдан кетганча ерга қулади.

Охир-оқибат унинг тоза жонига ишқ тушди: ишқ унга қон каби кириб, бутун вужудини қоплаб олди. У гоҳ беҳол бўлар, гоҳ ўз ҳолига келар, йўлдошлири эса унинг бу ахволидан лол қолишарди. Улар бир-бирларига ҳайрат билан боқишар, Шайхнинг бу ҳолатидан гоҳ бошларини қуи солишар, гоҳо қарсак урадилар. Шу тарзда унинг ҳоли оқшом

тушгунга қадар ҳайрон қоларли даражада кечди, балки бу ҳолдан унинг ўзи ҳам саргардон кезар эди.

Тун мамлакати кунни қорайтиб, атрофни ўша бутхонадаги куфр зулмати каби қоронғулик қоплади. Шайхнинг бошига шу тун каби қора қисмат тушган, унинг рўзгорига ҳам, унга тобе кишилари ҳам қора мусибат тушган эди. Уларнинг ҳаммаси ўша муғдайри (*мажусийлар ибодатхонаси*) тупроғида, қайси тупроғ, балки балолар тоғида қолищди. Шайхнинг бошига жуда оғир кун тушди; бу каби қора тунни ҳали ҳеч бир одамзот кўрган эмасди.

Тун осмонда бахтсизлик пардаларини ёйди, ҳар ёнга юлдузлардан михлар қоқди. Чарх кўз ёшини оқизишга дуд хизматини ўтаб, кўк атрофида аралаш-куралаш бўлиб кетди. Фалак айланишдан тўхтаб, тоғ каби ўрнидан тебранмай қолди. Чарх дард аҳлига бедодлик кўрсатиб, тоғ-тоғ қайғуларни ижод этиб турарди. Дунёни ўша тоғлар билан ёшириб, унга юз туман минг тошлар ҳам ёғдирарди. Осмон кўзларидан юлдузлар сочиб, Шайх аҳволига мотамдан нишон билдирарди. Бундан барча олам аҳлига мотамсаролик тушган, улар қора кийган эдилар.

Шайхнинг бошига бу каби қаттиқ иш ҳеч тушмаган, у нихоятда эзилган ва ғоят заиф эди. У золим ишқ зулмидан зор ва беҳол бўлиб, бутхона тупроғида хору зор бир аҳволда ётарди. Ишқ Шайхнинг жисм ила жонига ўт ёққан, куфр дину иймонига ўт соглан эди. У кўз ёши тўкканча ётар ва лекин ҳар дамда оғзи қурир, чунки кўнглидаги ўтнинг шуъласи оғзидан чиқмоқда эди. Ишқ унинг рўзго-

рини қаро қилган бўлса, тун гўё уйқу борини ҳам қаро қилган эди.

Шу тариқа юз хил бало жонига насиб этганидан, уғарип ўз ҳолига йифлаб, шундай деди:

– Ҳар дам қайфу-мусибатим ортиб бормоқда. Эй фалак! Менга нелар қилмоқдасан? Тинчлигимни бузиб, ишқ сари бошладинг, юз ёнар ўт ичра мени ташладинг! Кўнглимга аввал равshan қуёшни кўргузиб, кейин уни яширганча ғам шомига тутқун этдинг! Ғам шомигина эмас, балки осмон бўшлиғидаги яратилиш чеҳрасини қаро қилдинг! Ғам дўзахининг дуди оламни тутиб кетди, унинг шуъласини кўнглим ўти билан ёритдинг.

Аллоҳ-Аллоҳ! Не кечадур бу кеча?! Ё Раббий! Шундай ҳам машаққатли кеча бўладими?! Мен ўз бошимдан кўпгина қийин кечаларни ўтказганман, аммо бу каби уқубатли кечани ҳаргиз кўрмаганман! Бу тун эмас, балки дўзах ўтининг дудидир. Ё фалакнинг оҳидан иборат қоришмадир! Бундай тун, ё Раб, ҳеч кимнинг бошига тушмасин, унга ҳеч кимса мендек гирифтор бўлмасин!..

Билолмай қолдим: тун балосидан гапирайми ёки менга тушган кун балосидан гапирайми?! Жисмим, аъзойи баданим сезгиларим ва ақлу ҳушим ишқдан шундай парда ёпиндиларки, гўё уларнинг ҳеч бири мавжуд эмасдек, ишқ зулмидан ҳаммаси нобуд бўлгандек туюлмоқда. Ҳатто гавдамда тобу тоқат қолмаганидан кўйида кўз ёш сингари равон бўлишга куч топилмайди.

Бошимни чексиз ғамдан қутқармоқ учун тошга уриб тилка-пора қилмоқликка қувват қани?!

Шайх деди: – Тасбәхимнинг тори узилди, унинг ўрнига зуннор ипини боғладим!

Бири деди: – Мисвок – тиш тозалагичга илтижо қилинг, уни оғзингизга солиб, суннат бажо келтиринг!

Шайх деди: – Агар мисвок ҳавас қилмоқчи бўлсам, мен учун оғзимдаги ҳайрат бармоғи етарлидир.

Бири деди: – Вужудингиз хато йўлга кирган бўлса, Тангридан узр сўранг ва ер ўпиб, Унга сажда қилинг!

Шайх эса кўзларидан қон ёшини оқизиб, шундай деди: – Барибир бу эшикдан бошимни олмайман!

Бири деди: – Сафар Румга бўлди, энди Каъбани қароргоҳ этмоқ даркор.

Шайх деди: – У ерда излаганимни бу ерда топдим, энди нима учун орқага қайтиб, беҳуда мاشаққат чекишим керак?!

Бири деди: – Саҳро сари юзланиб, Батҳо (*Маккаи мукаррама атрофидаги тоғ оралиғида жойлашган дара номи. Мажозий маънода Маккани ҳам англатади*) томон йўлга чиқиш вақтидир.

Шайх деди: – Мен уни бу ерда топдим. Рум борида Батҳони нима қиласман?!

Бири деди: – Сафаримиз тамом бўлди, Ватан сари йўлга тушсак дурустроқ бўларди.

Шайх деди: – Эҳсонли Тангри гўё ўзи муруват кўрсатиб, бу бутхонани менга ҳақиқий ватан этибдир.

Бири деди: – Агар бошқа шайхлар бу ишдан хабар топсалар, бизни таъна маломат қиласилар-ку?!

Шайх деди: – Улар билан ишим йўқ. Истаган кишим харобат (Бу ўринда сўз «майхона» маъносида қўлланилган) ичиладир.

Бири деди: – Сизнинг аввалги важҳу ҳолатингиз – эътиқодингиз қани? Зухд ва ибодатда ўтказган покиза вақтларингиз қани?!

Шайх деди: – Ҳолатим – бутхонада турмоқдан иборат, борди-ю вақту соатим юзта бўлса ҳам ҳаммаси шундайлигича кечарди.

Қавм ўша кечаси юз бор куйина-куйина Шайх аҳволидан изтироб чекди. Улар Шайхга таъналар қилишар, аммо Шайх буларга парво қилмасди. Улар Шайхга ўғитлар беришар, аммо ул зот буларни фаҳмламас эди.

Эрталабгача бутхонадаги кишилар ғавфо қилиб, дин аҳлининг бу ҳолини томоша қилдилар. Улар дин аҳли расм-русларини масхара қилиш билан ўз динлари тариқатидан лоф уриб, мақтаниб қўйишарди. Улар гумроҳлик андишасига бориб ўз лот(бут)ларидаги «ло»ни «иллаллоҳ» сўзининг «ло»си билан teng ҳисоблашарди. Шайх ҳамроҳларининг баҳтсизликка дучор бўлганлари бир фожия бўлса, бутхона аҳлининг бу савдодан севиниши фожия устига фожия бўлиб тушмоқда эди. Бутхона аҳли улар билан диний қоидалар хусусида баҳс юритишганда Шайх эса ўз қавмига эътибор бермай, бутхона аҳли ёнини олар, бундай мудҳиш ҳол мусулмонларга кўп малоллик етказарди.

Ёруғлик қоронғуликни енггач, бутпарастлар ўзларининг катта қўнғирогини чалдилар. Насаро қизи ўз чехрасини намойиш этганидек, чарх қуёш нурла-

рини оламга кўргузди. Бутхона аҳли орасида Шайх ишқи ва аҳволи ҳақида можаро қўзғалди. Улар бутхона ичида тўпланиб олиб, бутхона аҳли миллатига қувват бағишловчи бу ҳолдан шод бўлишарди. Бечора Шайх бутхонадаги болаларга ҳам масхара бўлди, улар Шайхнинг бу ҳолидан маза қилиб қулишарди.

Кекса Шайх ошиқу зор, ғариб бир ҳолда кўзларини тарсо қизи томон тикканча йўл узра юзтубан бўлиб ётарди. Кишилар уни таҳқирлаб ва масхаралаб босиб ўтсалар ҳам мутлақо парво қилмас эди. Чеккан азобидан ғойибу ҳозирларнинг ҳам, инграшидан мўъмину кофирларнинг ҳам раҳми келарди. Оқибат шу бўлди-ки, муридлар номусга чидай олмай пирларини ёлғиз ташлаб, турли томонларга тарқаб кетишга мажбур бўлдилар.

Аммо Шайхнинг кундуз кунини шу тариқа қаро қилган ва уни дин йўлидан чиқариб, кофирлар бутхонаси ичида расво айлаган ўша оламга ўт солувчи тарсозода эса парда орқасида ошиқу зорига, гирифторига яширинча боқиб турарди. У, Шайхни ғафлатда қолдириб, поймол бўлиб ётганини кўрсада, ўзини билмасликка солар, унинг ҳолини тушунишни ўйламасди. Гарчи у Шайхнинг динига қасд қилиб, унинг жонини талон-тарож этган бўлса-да, ўзини гўллик ва нодонликка солиб, ҳеч нарса билмагандек тутарди.

Унинг фироқида Шайх жони ўртанар, балки бору йўғи шу ўтда ёнарди. Эртадан кечгача бағри чок-чок бўлиб, кечдан тонг отгунча айрилиқдан ҳалокат ёқасига бориб қоларди. Шу тарзда унинг машаққатли ҳар бир нафаси ортиқ туюлар, бир ой

мобайнида аҳволи шундай кечди. Чунки унга ранжу дард ҳаддан ташқари юзланди, ғам ичида қолган жисми тупроқ билан teng бўлаётганида, ўша золим кофир, ишвагар хулқли гўзал яна ўша жойида кўринди. Нозли ҳусни билан бутун оламга ўт солганича ўз гирифтори ҳолидан хабар олмоқчи бўлиб, бу савонни берди:

— Эй ислом элига етакчи, дин ва ислом аҳлига тўғри йўл кўрсатувчи пир! Сенга Каъба тавофини қилиш ҳунар эди, нечун бутхона эшигига ватан тутдинг?! Сени дин элининг мададкори дейишарди, кофирлар бутхонасига нечун асир бўлдинг? Агар сафар аҳли бирор ерга тушиб, у ерни манзил этса, бир кеча ўша ерда бўлиб, эртасига бошқа ёққа кетади. Сен Шайх эса бир ойдан бери бу ерда туриб, бутхона тупроғини маскан этдинг. Кофирлар бутхонасида яшашдан ва зулмат аҳлидан тилаган мақсадинг нима экан?

Шайх жаҳонни безата оладиган бу жамолни кўриб, жон олгувчи сўзларини эшигтгач, ҳаяжондан бутун аъзосини қалтироқ босди. Жисми гоҳ букилар, гоҳ тик бўларди. Ҳушини йўқотиб, ўзидан кета бошлади, жисмида ҳаётдан асар ҳам қолмади. Бутхона аҳли ул зотни ўлди, деб гумон қилди ва минг йил олдин ўтганлар билан teng бўлди, деб хисоблашди.

Шайх бу аҳволда бир кеча-кундуз ўликдек ётди. У санам эса Шайхнинг бу аҳволига афсус билан бош чайқатарди, бошқа кофирлар ҳам ҳайрону лол эдилар. Ҳаттоқи қон тўкувчи ўша қотилнинг ҳам унга раҳми келди.

Куфр аҳли Шайхнинг бошига келиб, унинг комил ишқига оғаринлар айтишди. Унинг бошини

тупрокдан күтариб қарасаларки, баданида хали жони бор экан.

Шайхнинг ишқи эл кўнглига ниҳоятда таъсир этди, санам ҳолида ҳам ўзгариш юз берди. У ўз ишқи билан қатл этилган Шайх олдига қадам қўйди. Хастанинг димоғи мақсад исини сезгач, гул юзлига қараш учун аста кўз солди. Унинг юзида на ранг, оғзида на сўз қолди. Шу тариқа у бир муддат гунг ва лол бўлди, тили сўз айтишга ожизлик қилди. Висол завқ уни ўз ҳолига келтиргач, золим кофир унга шундай савол қилди:

– Биз Шайхдан ҳол-аҳвол сўраб, унинг қандай кайфиятда эканлигини билмоқ учун савол сўраган эдик. Аммо Шайх завқ зўри билан бехуш бўлди, бизга бирон сўз айтиш учун оғиз очмади. Энди у яна ўз ҳолига қайтди, саволимизга жавоб берсин.

Шайх бу сўзларни эшитгач, оҳ уриб, кўзидан шашқатор ёш тўкиб, деди:

– Эй кўнглимга қиёмат солган! Сен мендан ҳол-аҳвол сўраганингдан кейин арз қилмоқдан ўзга иложим йўқдир. Арзимни бирон такаллуф билан пинҳон тутиб бўладими, ахир? Чунки бу иш маҳфий сир бўлишдан ўтди, энди бағримга тиш беркитганча – дардимни ичимга ютганча, уни сенга аён қиласман. Бутхона ичида бу хил зор бўлдим, ишқ бандига гирифтор бўлдим, жонимга ҳар хил балолар юзланди – ҳаммасига сенинг оразинг боис. Бағоятда ажойиб жойда жилваланиши билан худди тўртингчи осмонда қуёш порлагандек бўлди; менда не чидам қолди, не сабру тоқат, ўша соатдаёқ ақлу ҳушимдан ажралдим. Ўз ҳолимни қисқача изҳор

этиб, сени дардимдан хабардор айладим. Агар чора қилсанг – сен учун осон, агар қатл қилсанг ҳам жонимнинг ҳаёти бўлади. Мен ўз ҳолимни билдирай, деб сенга арз қилдим. Бундан буёғини: қатл этасанми ё раҳм этасанми – сенинг ўзинг биласан!

Шўхи саркаш унга деди:

– Эй олий сифатлар эгаси бўлган муршид! Аҳли ислом ичра уят йўқ эмиш! Ахир сен каби ислом элининг бошлиғи ҳам шундай паришон сўзлар айтадими? Сенда на ҳаё бор экан ва на адаб! Сен ўзи ғалатироқ одам экансан, айтган сўзларинг эса сендан ҳам ғалатироқ!..

Эй, пешво! Кимки ишқ аҳлидан бўлса, уни фақат одобли ва ҳаё кони деб билгил! Эй, йўл пири! Бу хил одобдан ташқари сўзларни дадил айтиш ҳатто ёш болаларнинг ҳам кўлидан келмайди! Ахир сени «Шайх» деб атайдилар-ку, оқ соқолингдан уялсанг бўлмайдими?! Ёшинг тўқсон билан юзга бориб қолибди. Сени қари деса ҳам, ёш деса ҳам бўлади. Ёш бўлсанг, – ҳанузгача ақлинг кирмабди, қари киши эса бу хил сўзларни ўзининг хазон фаслида айтиши ярашмайди. Ахир сен ёш эмассан, ҳайрон қоларли даражада қарисан-ку, ақли ҳуши учиб, мункиллаб қолган чолсан-ку!.. Сен шундай сўзлар сўйладингки, уларни инсон жинсидан бўлган биронта ҳам одам айтмайди.

Эй бекарор Шайх! Ҳеч бир шак-шубҳасиз, сенинг бу сўзларингда тилинг билан кўнглинг бир эмас. Чунки ишқ аҳли ўз сирларини махфий тутиб, унинг фош бўлишидан эҳтиёт бўладилар. Айниқса, маъшуқа олдида бу хил сўзларни айтиб, ишқини бу

хил шошиб-тошиб баён қилиб бўладими?! Ишқ дардига йўлиққанлар шундай йўл тутадиларми? Зухду тақво элининг чидамлилиги шундоқ бўладими?!

Гўзал тальятли маҳваш шу хил сўзларни айтгач, Шайх уятдан ўзини кўярга жой топа олмай қолди. Бечора Шайх кўп хижолатлар чекиб, унга шундай деди:

– Эй инсон сифатли ҳурзод! Ишқ мени зору забун айлаб, ақлимни ўғирлаб олди, ўзимни телбадевона қилиб қўйди. Эл девона кишидан ақл тамаъ қиласдими? Ё савдойи ва сеҳрланган одамдан адаб талаб қиласдими? Агар телбалик туфайли адабсиз сўз айтган бўлсан, мени кечир; чунки у пайт мен ўзимда йўқ эдим. Аммо нима деган бўлсан, уларнинг ҳаммаси рост. Ишонмасанг, текшириб кўришинг мумкин. Эй, нигор, таним зор бўлиб, кўнглим пора-пора бўлган бир пайтда, қандай қилиб сенга сертакаллуфлик билан сўз айта оламан?! Сен сўраган пайтда қай ҳолда бўлсан, шундай жавоб қайтардим. Барибир уни яшириб бўлмайди, борича айтдим. Чунки ўзимни ошиқ әмасман ва ёр васлини истамайман, дея олмайман-ку, ахир!

Шундай қилиб, Шайх айтган сўзларидан тонмади, маъшуқасидан узр сўраш, ёлворишга ўтмади. Шунда у шўхи саркаш деди:

– Агар кимки менинг васлимни таманно айласа, у тўрт ишни бажаришга рози бўлиши шарт: у май ичиши, маст бўлиб зуннор (христианларнинг белга боғлаб юрувчи чилвири мазкур динга тобе эканликнинг белгиси сифатида зикр этилади) боғлаши, Қуръонни ўтда куйдириши ва бутпарастлар динига кирмоғи

керак. Бу тўрт нарса ишқнинг шарти – шукронасидир. Унинг яна иккита журмонаси (*жаримаси*) ҳам бор. Чунки бу фонийлик тўрт йўли бўлса, яна икки йўл ўша тўртнинг ифноси (*фанода бутунлай йўқолиш, ўзини маҳв этиш*) демакдир. Улардан дастлабкиси – бир йил давомида чўчқабоқарлик қилиш бўлса, иккинчиси – шу давр мобайнида оташгоҳ ўтининг парвонаси бўлишинг, яъни оташгоҳда ўт ёқишинг лозим.

Агар Шайх бу бутхона аро чин ошиқ бўлса ва ўз ишқининг даъвосида содиклик кўрсатса, унга исботлаш учун шукrona ҳам, жарима ҳам ана шундан иборат. Бундан ҳам ортиқ балолар бўлармикан? Агар менинг васлимга сен талабгор бўлиб, ёнингда бўлмоғимни истасанг, бу айтганларимнинг барчасини қабул этмоғинг шарт. Шундагина сен васл кўчасига кира оласан. Бордию бу ишларни бажаришга қурбинг етмаса, эрта кунни кеч қилмасдан йўлингдан қолма!

Ҳушдан айрилган Шайх унга деди:

– Эй хаста жоним офати! Кўнглимни ишқинг оташи ўртамоқда. Шавқинг шуъласи вужудими чулғаб, ишқинг чақмоғи ўриш-арқоғимни куйдирмоқда. Мен ғарибу ошиқу девонаман, ақлу ҳушу сабрдан бегонаман. Парирухсор ёр неки амр этса, девона ошиғига не ихтиёр! Нимаики талаб қилсанг, буюр, чунки сен ҳокимсан! Агар бажармасам, жафо тиғини бўйнимга ур!

Шайх ўз сўзларини шу ерда тўхтатди. Унинг бу сўзлари шўх қизга ва бутхона аҳлига маъқул тушиб, бутхона ичини жаннат каби безатдилар. Унинг

тўрида осмон баробар юксак тахт ўрнатдилар, ундағи зебу зийнат ҳаддан зиёд кўп, қиёсдан ташқари гўзал эди. Шўх христиан қизи унга шавқ билан чиқиб келди. Шайх ҳар дам ҳалок бўларди. Иймони юзини қаро қилиш мақсадида Шайхни тўпланганлар ўртасига олиб кирдилар. Бутпарасатлар, хоҳ улар шу ердаги турғун кишилар бўлсин, хоҳ сайд этиб юрувчи жаҳонгашталар бўлсин, ҳаммаси бир ерда жам бўлдилар. У ерда кўпдан-кўп май ҳозир этиб, унинг ҳар хил газакларини ҳам тайёр қилиб қўйдилар. Атрофика бутхона қўнғироғи ва арганун (*орган – бутхонадаги чолғу асбоби*) овози янграп, гўёким бу Шайх дилида ўлаётган динига мотам куйи эди.

Оlamda ҳеч қачон бу янглиғ разил иш бўлган эмасди. Кашишлар (*христиан динидаги марқидунё қилганлар*) ҳар тарафдан саф тортиб ўтиришарди. Огоҳ муршиддан Қуръонни сўрадилар, оташгоҳдан ўт олиб келиб қўйдилар. Зуннор ва салиб (хоч, яъни христианлар бўйинларига осиб юрадиган крест) муҳайё этилгач, дилни овловчи тарсо қизи юз афсун билан ўрнидан турди. У юз минг ноз билан тахтдан тушиб, Шайх олдига эъзоз билан юриб келди. Унинг ёнига ўтириб, қадаҳ тўла майни ичди. Буни кўрган Шайхнинг ҳуши бошидан учди. Соқий қадаҳдан сархуш бўлгач, яна бошқатдан қадаҳни лиммо-лим тўлдириб, уни Шайхга тутди-да, деди:

– Охиригача ич, эй олижаноб киши! Билки, бир томчи қолса ҳам ҳисобга ўтмайди!

Ишққа берилган Шайх истар-истамас дилнавоз тутган майни ичар экан, кўзларидан ёш думалар, ислом ва иймондан қўлинни буткул ювган эди. У

шундай ичдики, бошидан дуд чиқиб, май ўтида бутун борлиғи кул бўлди. Шайхга бир неча давра май тутганларидан сўнг унинг ишқи ақлига жабр эта бошлади. Бода унинг хушини ўтмас қилиб қўйгач, қизга васлдан муддао изҳор этди.

Шўх тарсо қизи эса унга: «Энди шартлардан бири-гина бажарилди, холос», деб айтди. Шайх унга: «Эй, шўх, яна нима қолди, айтгил, ҳар не матлуб бўлса, мен бажарай», деди. Шундан сўнг соҳибжамол маҳваш куфр элининг олий табақасига ишора қилди. Уларнинг барчаси куфр ишлари соҳасида мохир кишилар бўлиб, Шайх иймонини куфрга тақдим этдилар ва уни ўша динга киритдилар. Унинг устидаги пирлик хирқасини ечиб олиб, яланғочладилар. Бу ҳолатни кўрган киши гирён бўлиб йиғлаб турарди. Шундан сўнг уни май ҳовузи ичига солиб, бошдан-оёқ чўмилтиридилар. Шайх ҳам ҳеч нарсадан ҳайиқмасдан майга шўнғишида давом этаверди.

Кейин кофирлар киядиган кийимларни олиб келиб, унга бошдан-оёқ кийдирдилар. Белига зуннорни маҳкам танғиб, бу тасаввуф пешвоси бўлган Шайхни кофир қилдилар. Сўнгра хор бўлиб эзилган Шайхни бутхонага олиб кирдилар. Шайх маст ҳолда бут олдида сажда қилди, эгнидан ечиб олинган пирлик хирқасини оловда куйдирди ва ниҳоят... Каломуллоҳни ҳам ўтга ташлади. Шундай қилиб, дам-бадам узатилаётган қадаҳдан маст бўлди ҳам ўзини мастона бутпараст қилди. Гардун унинг бошига солмаган жаҳондаги ҳеч бир расволик қолмади.

Ишқ Каъба сири мушкилини ана шу тарзда ҳал этиб, Шайхни бутхона болаларига масхара қилди-

күйди. Ёш фаранг баччалар маст-алааст ётган дин пешвоси билан ҳазил-мазах ўйнашар; қутлуғ қадам эгаси Шайх эса ўзини билмай ётар; агар ўзига келиб қолгудек бўлса, унга яна май тутар эдилар. У туну кун шу тарзда ҳушсиз, фирт маст ҳолда караҳт бўлиб ётар, унга на кун ва на тун маълум бўлар эди.

Оқибат ишқ яна түғён урди. У бир саҳар ўрнидан туриб, шундай афғон қилиб, фарёд кўтарди:

– Эй кўнглимга изтироб солиб, вужудим биносини хароб қилган! Ишқи бедодликни бунёд айлаб, дину иймонимни барбод этган! Куфр элининг дини шундай бўладими?! Сўзни бир жойга кўйиб шартлашиш натижаси шуми? Эл мақсадини шу тарзда амалга оширадиларми?! Ваъдага шу хил вафо қиладиларми?! Кўнглинг нимаики истаган бўлса, ҳаммасини бажартирдинг, юз туман бало чақмоғини менга урдинг. Қани айт-чи, қайси истагингни амалга оширмадим?! Қайси шартингни бажо келтирмадим?! Вафо қилиш пайтида ўзингни билб-билмасликка солмоқдасан. Васлга эришувимга бепарволик қилмоқдасан. Мен ҳам ғарибу ҳам қари, ҳам хастаман, куфр занжири билан маҳкам боғланганман. Мени кеча-кундуз майга тутиб, ваъда қилганларингни унутдинг! Даъвонгни шу тариқа исботлайсанми?! Ўзинг чўқинадиган «Манот» ва «Лот»лардан (Исломдан аввал араблар чўқинадиган бутларнинг номи) қўрқмайсанми?

Шўх тарсо қизи деди:

– Эй Шайх! Бунча кўп таъна қилаверма! Шарт бойлашдингми, уни ниҳоясига етказ. Васлга суюнчи бўладиган тўрт ишни бажардинг. Энди ишқнинг

икки жаримаси қолди. Эй улуғлар фахри, бу жарималар қўйидагича: бу бутхона атрофида кўнглинг жирканмасдан роппа-роса бир йил кечалари оташгоҳда ўт ёқасан. Кундуз кунлари эса ўзингни нотавон тутмасдан, чўчқа подасини қарши олишга равона бўласан ва кечга қадар чўчқабоқарлик қилиб, бу ердаги кишиларга чўпонлик вазифасини бажарасан.

Бир йил тугагач, висол сари етиб келасан. Ўшанда ҳам мен висол базмини мухайё қилиб, сенга пешвоз чиқаман ҳамда куфр йўсинида тўй бошлаб, васлим билан сенинг жонингни шод қиласман.

Агар ишқ қоидасида нотамом бўлиб, бу йўлга қадам қўя олмасанг, яъни айтилган жарималарни бажармасанг, кофирликдан воз кечиб, динингни қабул қил, ҳамда ибодатхонани қўйиб, Каъбага қайт! Неча кун муттасил аиш қилиб, май ичганингни ўзингга бағишиладим. Куйдирилган эски кийимларингнинг ҳам баҳридан ўт, уларнинг ўриш-арқоғи ҳақида сўз юритмай қўя қол. Ёки ўз кийимларингга муайян баҳо даъво қилсанг, майли, пулини олиб, чўнтағингга сол, йўлда харжлаш учун ишлатарсан. Бу ерда нимаики кўрган бўлсанг, кўрмадим деб гумон қил ёки ҳавас майхонаси томон от чоптирмадим деб ўйла!

Шайх маҳваш сўзларига қулоқ солиб эшитгач, унинг қалбида яна ишқ туғён айлаб, шундай фифон қилди:

– Эй ишқинг шиддати жонимда бўлган, хотирим ороми, кўнглим қуввати! Ҳар неки истагинг бўлса, буюр – қулингман. Агар бажармасам, майли, мени

қатлға ҳукм эт! Аммо ҳижрон сўзини ёдингга олма!
Мени васл уйидан бенасиб этувчи сўз айтма!

Шундай деб у ўрнидан иргиб турди-да:

– Сурувни келтиринг, қўйни («қўй» бу ўринда «чўчқа» маъносида ишилатилган) чўпон ҳузурига еткуринг! Мен гумроҳга мадад айлаб, лутфу карам кўрсатинг ва оташгоҳ сари йўл бошланг! – деди.

Хуллас «қўй»ларни «чўпон» ҳузурига еткардилар, унинг иккинчи тилагини ҳам бажо келтирдилар. Шайх кундуз кунлари чўчқа тўдасидан огоҳ бўлиб, уларни боқса, кечалари унинг манзилгоҳи оташгоҳ бўлар эди.

Кечқурундан тонг отгунга қадар унинг иши ўт ёқиши бўлиб, куфр оловини равшанроқ ёндириш билан вақтини ўтказарди. Саҳар пайти бутхонада қўнғироқ чалингач, яъни қаро зулмат нури ёришгач, у девоналиқдан гулханга йиқилган одамдек дудга белангандча кулдан чиқиб келарди. Қўнғироқ оҳангига мос ҳолда куфр элининг одати ва тартибida хиргойи қиласарди. Шу тариқа у тўнғизларга рўпара бўлар, унинг атрофида юздан ортиқ тўнғиз бўларди.

Шундай қилиб, у бу хил зулматга гирифтор ва асир бўлиб қолган эди. Унинг фармонидаги қавм бу аҳволдан уни халос этиш учун кўпгина чора-тадбирлар қилиб кўришди, аммо бу тадбирлар унга қил учичалик ҳам таъсир этмади. Улар Шайхни халос қилишга ҳеч имкон топа олмагач, чорасиз ҳолда ҳар ёқقا тарқаб кетишли. Шайхнинг ўзи ёлғиз қолди. Улардан ҳар бири уятдан бир томон бориб, Каъбада қочоқлар сингари яшириндилар.

Шайхнинг бир фоний муриди бўлар эди. Шайх карвонни қаерга бошласа, бу солик (*шогирд*) ҳам ўша манзилда унга ҳамроҳ бўлгувчи эди. Аммо Шайх Рум сари сафарга чиққанида у шогирд ўзга мамлакатда эди. Вақтики келиб, у Маккага қайтди. Шайхим атрофида паноҳ истай, деб хонақоҳ томон юзланди. Аммо қарасаки, хонақоҳ хароб, пирининг изи ҳам йўқ. Билсаки, тўрт юз тақводор уятдан ҳар томон тарқаб кетган. Шогирд сўраб-сурештириб, бўлган машъум воқеалардан хабар топди. У Шайх муридларининг халифаси (*бошлиғи*) бўлгани учун турли томонларга хабарчи юбориб, тўрт юз тақводорни атрофига тўплади ва улардан Шайх аҳволини диққат билан сурештириди. Унга туш билан Рум воқеасини баён қилиб, бутхона ва тарсо қизи бедодини айтиб беришди. Шайхнинг ишқ ичра бекарор бўлганини ва ҳолида беихтиёр қолганини; бода ичиб, ринду маст бўлганини; динин тарк этиб, бутпараст бўлганини; яна оташгоҳни маскан этганини ва «Каломуллоҳ»ни ўтга согганини, ҳамда қандай қилиб зуннорни белига тўрт айлантириб боғлаганини, ҳозир у кечалари оташгоҳда ўт ёқиб, кундуз кунлари эса чўчқа боқаётганини айтиб беришди.

Шунда дард соҳиби бўлган ҳалиги хабардор ринд уларга шундай деди:

– Эй ор-номусни сақлашда тўнғизлардан ҳам баттар бўлган кишилар! Шайх сизнинг пириңгиз эди, сизлар ул зотга мурид эдингизлар. Пиримизнинг иршодларидан барчага умид нажоти етарди. Факр аро муридлик қилиш шарти шундай: агар кимки қутлуғ табиатли бўлиб, муршид бўлса, унинг му-

риidlари ҳам унга ўхшаш бўлишлари керак. Агар у ўзининг яхши-ёмон кунларида нима иш қилса, сиз унга тақлид этишингиз лозим. Сиз вафосизларга фақр тартиби одатлари ҳайф! Сўфиylар киядиган хирқаю ўрайдиган салла ҳам ҳайф!

Тинчлик пайти ёлғон лоф уриб, Шайхга содиқлигингизни исбот этишга тиришгансиз. Бошлирига оғир иш тушганда эса ўзингизни ул зотдан нари тортасиз. Шайхингизга бевафолик қилиб, бутхонга ташлаб келибсиз. Худодан қўрқмай, элдан уялмай шайхимизни ёлғиз қолдириб қайтибсиз. Шу сифат билан яна ўзингизни яхши фикрли, тўғри иш тутувчи деб ҳисоблайсиз, бир-бирингизни яна «дарвиш» деб ҳам атайсиз. Зухду тасбеҳу ридонгиздан уят сизга! Кавуш, салла ва ҳасссангиздан уят сизга! Агар Шайх итбоқарлик қилиб, бир неча ит парвариш этганларида эди, унга чархдан бу янглиғ жафо етган пайтда итларидан вафо кўрган бўлмасмидилар?! Ахир улардан баъзилари йўқолиб кетса, баъзиси қолар, унинг атрофида жилмасдан турар эди-ку! Унинг мухолифлари билан гоҳ уришиб, гоҳ эса унинг мотамида улишар эди! Агар инсондан вафо йироқ бўлса, вафо бобида ундай кишидан ит яхшироқдир. Бордию сизларда мардоналик, ихлос даъвоси ичра оқиллик, донолик бор бўлса эди, шайхимиз бошларига бу янглиғ бало тушганда, яъни у бирор ишкига мубтало бўлиб, ўзини ҳар жафога дучор этганида, сиз вафо билан турмоғингиз шарт эди. Аммо барчангизда унга ҳамдардлик қилишдан ўзни четга тортиш зоҳир бўлиб, фақр ичра юз номардлик кўрсатдингиз. Киши «эрман» деб лоф ургани билан эр бўла оладими?

Жонга озиқ бағишловчи шогирд шу тарздаги сўзларни айтар, улар оғзига сукут муҳри согланча, лом-мим демай жим ўтиришар эди. У биродалари ни койигач, «Бир ерда ўтириш билан иш битмайди», дея ўрнидан туриб, Рум сари, дин ва иймонни ёндирувчи ўша манзил томон йўлга чиқди. Ҳалиги жамоат ҳам уни қўллаб, хоҳлар-хоҳламас унга йўлдош бўлишди. Барча чўли биёбонларни босиб ўтиб, чўчқабоқар Шайх турган манзилга етиб бордилар. Шайхда на ислом, на иймон маслагидан асар қолган; на ақл, на зуҳду тақво андишасидан нишон қолган эди. Бу телба ошиқ майдан маст ҳолда бехудлик дарди билан бирга эди.

Шайх шогирдларини танимай, улардан юzlарини тескари бурди ва чўчқалар тўдаси юрган томонга қаради.

Сўфийлик йўлинни тутувчи солик бу ҳолни кўргач, шайхи учун кўнгли бузилиб, оҳ урди. Юзига кўплаб ҳайрат ёшлари тўкиб, ўзи билан бирга келган жамоатга қараб шундай деди:

– Энди Худога ҳамду сано айтиб, бу ерда турмасдан, орқаларингга қайтинглар! Камолот соҳиби бўлган муршидимиз Шайхнинг кўзи ишқ ғавғосидан хиралашиб қолибди.

У шаҳарга қайтиб, бутхона бошлиғини топди ва даҳр зулм этган одамларга ўз мақсадини айтди. Шундан сўнг у ҳалол чин ошиқ даргоҳида кеча-кундуз илтижо ёшларини тўка бошлади. Унинг иши яхшига халос топишни муддао билиб, муножот ва дуо қилмоқдан иборат бўлиб қолди. У бу мақсадида содик бўлиб, ўзи садоқат аҳлига мувофиқ эди. Изти-

роб билан кўп дуо қилди ва ниҳоят Тангри ҳам унинг дуосини қабул этди...

Тонг шамоли мушк ҳид таратиб эса бошлади. Тун мушки ичра ойдинлик ёйилди. Нотавон шогирд кўнглига хуш юзланиб, мағзига жўш тушганча, сакраб ўрнидан турди. Худо фарзини тўғри адо келтириб, турган жойидан Худовандига юз қўйиб, эгилди. Ёнидаги асҳоблар ундан аҳволни сўраб, вазиятдан огоҳ бўлгач, ҳаммаси унга ҳамроҳ бўлдилар. У майсалар ва сув юзидағи шамол каби Шайх томон ошуфтаҳол йўртиб борарди. Гоҳ баландлик, гоҳ пастликларни босиб ўтиб, ишқибоз Шайх турган манзилга етиб келди.

Бу пайтда Шайхда ҳам гумроҳлик даф бўлиб, ул зотга ғойибдан огоҳлик етган эди. Мадад гулшанидан эсган насим унинг кўнглига катта таъсир кўрсатган эди. Кўзларидан хижолат ёшларини ошкор этиб, оҳу надомат алангаси чекарди. Кофирлар кийимини ташлаб, белларига боғланган зуннорни узиб ташлаган эди. Куфр путур етказган тийра кўнглига тўғри йўл топиш шами нур етказган эди.

Шу аснода у гуруҳ етиб келди. Улар келишгач, Шайх кўнгилига улуғлик етишди. Шайхни бу ҳолатда кўрган замоноқ уларда ҳам ўзгариш ҳосил бўлиб, юз шукр айтиб, шодмон бўлишиди. Улар шундай дедилар:

— Эй висол соҳиби бўлган муршид! Сенга қувончли мужда шуки, расул (*Пайғамабр алайҳиссалом назарда тутилган*) мададкоринг бўлди.

Шайх юз берган бу ҳолдан воқиф эди. У ўз хайлига бу ҳақда сўзлаб берди ҳамда яксифатлик бобида

мардона бўлган ўзининг ана шу содик доно шогирдини бағрига босиб, қучоқлади. Шайх унга шундай деди:

– Эй саодатли фарзандим, жоним риштаси пайвандим! Садоқат кўрсатишда ўз ҳолингни ўзгартирмадинг, ёрлик бобида камчилик кўрсатмадинг. Не тил билан сенга ўзимнинг узроҳлигимни баён қиласин? Бу садоқатинг узрини илоҳнинг ўзи бажо келтирсин!

Шогирд ҳам кўзларидан севинч ёшларини тўкиб, пир оёғидан бошини кўтармас эди. Бу икки ошуфтахотирлар тинчланмагунча барча изтироб чекиб, нима қилишини билмас эди.

Ҳамфикр дўстлари шундай дедилар:

– Эй бошлиқ! Бу давлатни бизга Худонинг Ўзи насиб этди. Энди бу хатарли манзилдан кетиб, Каъба водийси томон юришимиз керак.

Шайх ғусл қилиб, эгнига хирқа кийди, буни кўрган кишилар завққа тўлдилар. Сидқ билан улар ҳарам – Каъба сари йўлга чиқиб, сахрони босиб ўтиш учун қадам урдилар.

Шайх Батҳо сари йўлга тушаверсин, биз энди тарсо қизи сари қайтайлик:

У пари ноз уйқуда ётар эди, уйқусида бир туш кўрди. Тушида қуёш осмондан пастга тушиб, Ийсо пайғамбардан (*алайҳиссалом*) шундай хабар етказди:

– Эй вафо бобида хому норасо! Замона аҳлининг муршиди бўлган Шайх Санъон сенинг бутхонангга меҳмон бўлиб келди. Аммо сен мезбонлик одатини билмасдан, меҳмоннинг бошига не кунларни сол-

мадинг?! Ҳозир у бутхона мәҳмонлигини тарк этиб, мезбонлик қилиш учун Каъбага йўл олди. Унинг орқасидан этиб, динига мушарраф бўл, ундан кечирим сўраб, унинг жуфти ҳалоли бўл!

Файридин қиз Шайх оёғининг изи бўлишни истаган ҳолда уйқудан уйғонди. Қилган ишлари ёдига тушиб, ношод кўнглига ўтлар туташди. Оҳ урганича ўрнидан туриб, Каъба эхроми сари йўлга тушди. Унинг кўзларидан осмондаги юлдузлар каби ёшлар тўкилар, Мажнуннинг маъшуқаси Лайли каби зор йиғлаб бораради. У Шайх томон худди ел учирган тоза гул барги янглиғ тез юриб борар эди. У беҳол бир ҳолатда қадам ташлар, чарх эса унинг қилган ишлари учун кинакашлик кўрсатмоқда эди. Айниқса, бу кинакашликнинг биёбон ичра шиддати ҳаддан ошиб, қизни ваҳима, қўрқув ва ҳайрат босиб кела бошлади. Унга бу ниҳоясиз чўлу биёбонда касаллик ва ожизлик юзланди. У Яратганга ёлборди:

– Ё Раббим! Ожизу саргашта бир ҳолда кўз ва кўнглим қонига белангандман. Заифу бечорадурман, раҳм қил! Бекасу оворадурман, раҳм қил! Гарчи менинг гуноҳ ва жиноятдан ўзга нарсам йўқ бўлса-да, сендан бошқа паноҳим ҳам йўқдир!

Кимсасиз ва чорасиз қиз ўз ҳолига зор-зор ийғлади. Уқубат шунчалик ўз кучини кўрсатди-ки, ҳолсизланиб, тупроққа юзтубан тушди. Ҳушидан кетди. Тупроғ устида хору дарднок бўлиб ётиб қолди.

Юқори мартабали Шайхга бу ҳодиса кашф бўлди. Наинки ул зот, ҳамроҳлик қилаётган муридлари ҳам бу синоатдан хабар топдилар.

Ой юзлига, ой юзли эмас, ожиз ва ғам чекувчи-
га ана шу синоат юзланди. Бу пайтда ундан узоқда
йўлда кетиб бораётган қудратли ринд – Шайх бир-
дан ўз ортига қайтди. Бу ғофил кишиларнинг ҳар
бирида юз хил хаёл пайдо бўлди. Улар: «Ё Раб, бу
орқага қайтишнинг сабаби нима экан?» деб ўйлар
эдилар.

Шу тариқа Шайх ва унинг сирдошлари ўша
сарвиноз ётиб қолган ерга етиб келишди. Гарчи
Шайх бу ҳолни тўла фаҳмламаган бўлса-да, лекин
ийғламоқдан ўзини асрай олмади. У тезлик билан
ҳушсиз ётган нозанин бошини ўз қўйнига олди. Қиз
юзига Шайх киприкларидан ёшлар оқиб туша бош-
лади. Гул барглари узра гулоб сочилгач, маст уйқуда
ётган наргис очилгандек бўлди. Қиз Шайх қўйнида
ўз бошини кўргач, юзига ҳасрат ёшларини тўка
бошлади. Заифликдан унинг ноласи оғзидан били-
нар-билинмас чиқар, юзи узра бағридан сизғиган
парча-парча қонлар оқар эди. Қиз Шайхга деди:

– Эй шиори тақво ва панохи дин бўлган киши!
Сиздан қайси тил билан кечирим сўрай оламан?
Агар менга шум баҳтим бебош болалардек тош отса
ҳам бошимга сен каби олий дарахт соя солиб туриб-
ди. Агар гул бутасида юз минг тикан бош кўтарса,
ҳар бир тикандан баҳор булувлар туфайли гул очи-
лади. Гарчи гуноҳим ҳаддан ташқари кўп бўлса-да,
лекин сендаги лутфу эҳсон ундан ҳам ортиқроқдир.
Қилган беадабликларимни билиб, сенинг узрингни
истаб, қора юз билан хузурингга келдим. Ўша пайт-
да нимаики ёмон иш қилган бўлсан, булар ўзим-
нинг ёмонлигим, юртим ва динимнинг ёмонлиги

туфайлидир. Ҳузурингда яна анча сирлар айтмоқчи эдим, аммо умр ошиқиб шошилмокда, фурсат эса ниҳоятда оз...

Шу тахлит у ўзининг Ислом динига бўлган шавқини баён этиб, Ийсо алайхиссалом айтган нишоналарни бирма-бир баён қилди ва ниҳоят дедиким:

- Пойма-пой сўзларимни шу ерда тугатаман. Тезроқ иймонимни келтир, бир нафаслик вақтим қолди...

Шайх юзига кўз ёшларини оқизиб, тарсо қизига иймон арз этди. Қиз иймонга ошно бўлгач, оҳ урганча ўз жонини топширди...

Алқисса, Шайх қизни ишқ айвонида дафн этиб, дин ва иймон ахли гўристонига қўйди. Каъбадан бутхона томон йўлга қандай чиққан бўлса, худди шундай ҳолда бутхонадан Каъбага томон қайтди. Бу ерда у Тангрига ўтмишдаги ишларидан узр сўраб, арз қилди ва ниҳоят узрлари қабул бўлиб, қазо уни ўз ёрига қўшди...

Насрий баён муаллифи Шарафиддин Шарипов.

«БОБУРНОМА»ДАН САТРЛАР

(«Вақоиғы санайи иҳдо ашара ва тисъа миа» – тўйқиз юз ўн биринчи (1505-1506) йил воқеалари бобидан)

...Бу йилнинг охири зилхижжа ойида Султон Ҳусайн мирзо Шайбонийхоннинг устига черик (*лашкар*) тортиб, Бобо Илоҳийға етганда Тенгри раҳматиға борди.

Валодат ва насаби: валодати (*туғилиши*) секкиз юз қирқ иккода, Хирида, Шоҳруҳ мирзо замонида эди. Султон Ҳусайн мирзо бинни Мансур бинни Бойқаро бинни Умаршайх бинни Амир Темур. Мансур мирзо била Бойқаро мирзо подшоҳлиқ қилғон эмас. Онаси Ферузабегим эди, Темурбекнинг набираси. Султон Ҳусайн мирзо Мироншоҳ мирзонинг ҳам набираси бўлур эди. Султон Ҳусайн мирзо каримут-тарафайн эди, асил подшоҳ эди...

...Аввал таҳт олғонда хаёли бор экандурким, Дувоздаҳ Имомни хутбада ўқитғай. Алишербек ва баъзилар ман қилибтурлар. Сўнгралар худ жамиъ иш-кучи суннат ва жамоат мазҳаби била мувоғик эди. Мафосил заҳмати (*бўғинлар зирқираши касаллиги*) жиҳатидан намоз қила олмас эди, рўза ҳам тутмас эди. Ҳарроф ва хушхулқ киши эди. Ҳулқи бир нима гузаророқ воқиъ бўлуб эди, сўзи ҳам ҳулқидек эди. Баъзи муомалатта шаръни бисёр риоят қилур эди. Бир қатли бир ўғли бир кишини ўлтурган учун қонлиқлариға топшуруб, дорулқазоға йиборди.

Аввал таҳт олғон маҳалда олти-етти йил тоиб эди. Андин сўнгра ичкуга тушти, қирқ йилға ёвуқким,

Хурросонда подшоҳ эди, ҳеч кун йўқ эдиким, намози пешиндин сўнг ичмагай, вале ҳаргиз сабуҳий қилмас эди, ўғлонлари ва жамиъ сипоҳига ва шаҳрига бу ҳол эди. Ифрат била аиш ва фисқ қилурлар эди...

...Султон Ҳусайн мирзодек улуғ подшоҳ Ҳиридек ислом шахрининг подшоҳи бу ажабтурким, бу ўн тўрт ўғлидин учи валаддуз-зино эмас эди. Фисқ ва фужур ўзида, ўғлонларида ва эл-улусида асру шо-йиъ эди. Ушбуларнинг шоматидин эдиким, мундок хонводадин етти-секкиз йилда бир Муҳаммад Замон мирзодин ўзга осор ва аломат қолмади.

* * *

(«Вақоиъи санайи исно ашара ва тисъа миа» – тўйқуз юз ўн иккинчи (1506-1507) йил воқеалари бо-бидан)

...Яна бир навбат Бадиuzzамон мирзо қошиға борғонда намози пешиндин сўнг чоғир мажлиси бўлди, мен ул маҳаллар ичмас эдим, тавр ороста мажлисе эди, хонларда ҳар навъ газаклар ясад эдилар: товуқ кабоби ва қоз кабоби ва ҳар жинс атъимадин тортилар. Бадиuzzамон мирзонинг мажлисини хейли таъриф қилурлар эди, филвоқиъ бегилу ғаш ва оромида мажлис эди. Мурғоб ёқасида эканда икки-уч қатла мирzonинг чоғир мажлисида ҳозир бўлдум. Ичмасимни чун билурлар эди, таклифе қилмадилар...

...Андоқ қарор топдиким, бу қиши мирзолар ҳар қайси бир муносиб ерда қишлиб, эрта ёз жамъият қилиб ғаним дафъига мутаважжих бўлғайлар, манга ҳам Хурросон навоҳисида қишиламоқ таклифи қилдилар... Давлатхоҳлардин ҳеч ким бизнинг

анда қишлоғаримизни салоҳ кўрмадилар. Мирзоларға узр айттук. Қабул қилмадилар, кўпрак таклиф қилдилар, ҳар неча узр дедук, таклифни бажидроқ қилдилар. Охир Бадиuzzамон мирзо ва Абулмуҳсин мирзо ва Музаффар мирзо отланиб, менинг уюмга келиб, қиши турмоқ таклифини қилдилар. Мирзолар юзига йўқ деёлмадук, мундок подшоҳлар ўзлари келиб, турмоқ таклифини қилдилар... Бу жиҳатдин турмоқни қабул қилдук...

...Ҳар икки-уч кунда бориб, Боги Жаҳонорода Бадиuzzамон мирзоға кўрунуш қилур эдим. Неча кундин сўнг Музаффар мирзо уйига чорлади. Музаффар мирзо Боги Сафидда ўлтуур эди. Хадичабегим ҳам анда эди. Жаҳонгир мирзо менинг била борди. Хадичабегим қошида ош ва таом тортилгандан кейин Музаффар мирзо бизни Бобур мирзо солғон Тарабхона отлиқ иморатқа олиб борди. Тарабхонада чоғир мажлиси бўлди.

Тарабхона боғчанинг ўртасида воқиъ бўлубтур, муҳтасарроқ имораттур, икки ошёналиқ, вале ширинғина имораттур, юқориги ошёнида такаллуф кўпрак қилибтурлар. Тўрт кунжида тўрт ҳужрадур. Ўзга бу тўрт ҳужранинг ўртаси ва мобайнлари тамом бир уй доҳилидур, бир уйдурким, ҳужраларнинг мобайни тўрт шаҳнишин йўсунлук бўлубтур. Бу уйнинг ҳар зилъи мусаввардур, агарчи бу иморатни Бобур мирзо қилгундур, вале бу тасвирларни Султон Абусаъид мирзо буюрғондур. Масоф ва урушларини тасвир қилибтурлар, шимолий сариға шаҳнишинда икки тўшак солдилар, бир-бирига рўбарў, тўшакларнинг ёнлари шимол сари эди, бу тўшакда Музаффар

фар мирзо ва мен ўлтурдук, яна бир тўшакда Султон Масъуд мирзо ва Жаҳонгир мирзо ўлтурдилар. Музаффар мирзонинг уйида чун меҳмон эдук, мени Музаффар мирзо ўзидин юқори олди.

Ишрат паймоналарин тўлдуриб, соқийлар юруб мажлис аҳлиға тута киришилар. Мураввақ чоғирларни мажлис аҳли ҳам ҳайвон суйидек юта киришилар, мажлис қизиқти, чоғирлар бошқа чиқти, бу хаёлда эдиларким, манга ичиргайлар, мени ҳам бу доираға киурғайлар, мен агарчи бу чоққача нашъа бўлғунча чоғир иртикоғ қилмайдур эдим, мастилик ва сархушлуқ кайфияти ва ҳолатини камоҳаққуҳу билмайдур эдим, vale чоғир ичмоқقا майлим бор эди ва бу водийни тай қилмоққа кўнглум тортар эди. Кичикликта бемайл эдим, чоғирнинг нашъа ва кайфиятин билмас эдим. Отам гоҳиким чоғир таклифи қилсалар ҳам узрлар айтиб иртикоғ қилмас эдим. Отамдин сўнг Хожа Қозининг юмни қадамидин зоҳид ва муттақий эрдим. Шубҳалиқ таомдин ижтиnob қилур эдим. Не жойи улким, чоғир иртикоғ қилғайман, сўнгралар йигитлик ҳавасидин ва нафс тақозосидинким чоғирға майл пайдо бўлди, таклиф қилур киши йўқ эди, балки чоғирға майлимни билур киши йўқ эди. Кўнглум агарчи мойил эди, мундоқ қилмағон амрни ўзлук била қилмоқ мушкил эди. Хотирға кечдиким, чун мунча таклиф қиладурлар, яна Ҳиридек ороста шахриға келиб туриббизким, жамиъ айш-ишрат асбоб ва олоти мукаммал ва муҳайё ва бори такаллуф ва танаъум ашё ва адовать омода ва пайдо, ҳоло ичмасам қачон ичармен деб ичмакка азм қилдим ва бу водийни тай қилмоқни жазм қилдим.

Вале хотирға кечтиким, Бадиuzzамон мирзо оғадур, анинг илигидин ва анинг уйида ичмай, инисининг илигидан ва инисининг уйида ичсам, хотириға нима келгай деб, бу тараддудимни айттим. Бу узрумни маъқул деб, бу сұхбатга чоғир таклифи қилмадилар. Муқаррар андоқ бўлдуким, Бадиuzzамон мирзо билан Музаффар мирзо бир ерда бўлғонда иккала мирзонинг таклифи била ичилгай...

...Музаффар мирзо бир камар шамшир, бир қўзи жубба, бир бўз тупчоқ манга берди. Бу уйга келганда Жонак туркий айтти. Музаффар мирзонинг Катта Моҳ ва Кичик Моҳ отлик қуллари бор эди, мастлик маҳаллардабирпора бемазагармхўлиқларқилдилар. Кечгача гарм сұхбат эди, мажлис тарқалди. Мен бу оқшом ушбу уйда-ўқ бўлдум. Манга чоғир таклифи қилур хабарини Қосимбек эшитиб, Зуннунбекка киши йиборибтур. Зуннунбек мирзоларға насиҳат йўсунлиқ қаттиқ-қаттиқ айтиб, чоғир таклифини тамом бартараф қилибтурлар.

Бадиuzzамон мирзо Музаффар мирzonинг меҳмондорлигини эшитиб, Боги Жаҳонорода Муқаввийхонада мажлис тартиб қилиб, мени тилади. Бизнинг баъзи ичкilarни ва йигитларни ҳам тиладилар, менинг ёвуқдағиларим менинг жиҳатимдан ича олмас эдилар. Агар ичарлари ҳам бўлса, бир ой-қирқ кунда эшик-элинин боғлаб юз дағдаға била ичарлар эди. Андоқ кишиларни чарладилар. Мунда ҳамки келдилар, гоҳи мени ғофил қилиб, гоҳи иликларини паноҳ қилиб, юз ташвишлар била ичар эдилар. Агарчи мендин сұхбатдағи кишига рухсати ом бўлғон йўсунлук бўлуб эди, не

жихаттинким, бу сұхбат ота-оғамиздек кишининг сұхбати эди...

* * *

(*Вақоиғи санайи салоса ва салосина ва тисъа миа – түққиз юз үттіз учинчи (1526-1527) йил воқеалари бобидан*)

...Ушбу фурсатда Кобулдин Султон Ҳусайн мирзонинг қызы набиради, Қосым Ҳусайн Султон ва Аҳмад Юсуф, Сайийд Юсуф ва Қивом Ўрдушоҳ яна баъзи якка-яримдин беш юзча киши келдилар. Шариф Мунажжим шумнафас ҳам булар била келди. Бобо Дўст сувчиким, **чоғир учун Кобулға бориб эди.** Ғазнининг муважжаҳ, **чоғирларидан уч қатор (!)** тевада **юклаб,** (*таъкид каминани: Т. М.*) ул ҳам булар била келди...

...Душанба куни, жумодул аввал ойининг йигирма учида сайр қила отландим. Сайр асносида хотиримға еттиким, ҳамиша тавба дағдағаси хотиримда бор эди, бу номашруъ амр иртикоидан алад-давом күнглумда ғубор эди, дедимким, эй нафс:

«Чанд боши зи маоси мазакаш,
Тавба ҳам бемаза нест бичаш».
(*Качонгача гуноҳ ишлардан завқ оласан,
Тавба ҳам бемаза эмас, ундан ҳам тотиб кўр).*
Неча исён била олудалиғинг,
Неча ҳирмон аро осудалиғинг.
Неча нафсингға бўлурсен тобе,
Неча умрунгни қилурсан зое.

Нияти ғазв илаким юрубсен,
Үлмакингни ўзунга күрубсен,
Кимки ўлмак ўзига жазм этар,
Ушбу ҳолатта билурсенки нетар,
Дур этар жумла маноҳидин ўзин,
Аритур барча гуноҳидин ўзин,
Хуш қилиб ўзни бу кечмакликдин,
Тавба қилдим чоғир ичмакликдин.
Олтуну нуқра суроҳи аёқ,
Мажлис олоти тамомин ул чоқ,
Ҳозир айлаб борини синдурудум,
Тарк этиб майни, кўнгул тиндурудум.

Бу синдурулғон олтин-кумуш суроҳий ва олотни мустаҳиқларға ва дарвешларға улашилди. Ул кишиким, тавбада мувофақат қилиб эди. Асас эди Соқол қирмоқта ва қўймоқта мувофақат қилиб эди, ул кечаси ва тонглasi беклардин ва ичклирдин ва сипоҳийлардин ва ғайри сипоҳийдин уч юзга яқин киши тавба қилдилар. Ҳозир чоғирларни тўқтуруб, Бобо Дўст келтурган чоғирларни буюрдуқким, туз солиб, сирка қилғайлар. Чоғирларни тўккан ерда бир «вайн» қоздурулди. Ният қилдимким, бу вайнни тош била қўпортиб, бу вайннинг ёнида буқъайи хайре қилғайлар.

Мұхаррам ойи, тўққуз юз ўттуз бешдаким (мелодий 1528 йил), бориб Гвалийарни сайр қилдим, ёнғонда Дўлпурдин Секрий келдим. Бу вайн тамом бўлуб эди.

Бурунроқ ният қилиб эрдимким, Раана Сангаа кофирға зафар топсан, тамғани мусулмонларға

бағишилай. Тавба асносида Дарвеш Мұхаммад сорбон била Шайхи Зайн тамға бахшишини ёд бердилар. Дедимким, яхши ёд бердингиз, илигимиздаги ви-лоятларда мусулмонларнинг тамғаси бахшиш бўлди. Муншийларни тилаб, буюрдумким, бу икки азимуш-шаън умурким, вокиъ бўлди, бунинг ихбориға фармонлар битигайлар. Шайх Зайннинг иншоси била фармонлар битилиб, жамиъ қаламравға йиборилди. Ул иншо будур:

ФАРМОНИ ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР:

Наҳмадутаввобан юҳибуттаввобина ва юҳибул-мутатаҳҳирина ва нашкуру ваҳҳобан яҳдил музни-бина ва яғфирул-мустағфирина ва нусалли ало хай-ри ҳалқиҳи Муҳаммадин ва олиҳит-тайибина ва саҳбиҳит-тоҳирин.

Сабаблар сурати инъикосининг тўпланиш жойи ва садоқат, тўғрилик инжулари нақшининг хази-наси бўлган ақл эгаларининг фикр ойинаси бу маъни чечаклари жавҳарининг нақшини ўзига олурки, инсон табиати ўзининг яратилиши бўйича нафс лаззатларига мойилдир, завқ келтирувчи ёқимли нарсаларни тарк этиш Худонинг тавфиқ беришига ва осмоний кўмакка боғлиқ. Башар нафси ёмонлик-ка майл этишдан узоқ эмас, «Вамо убарриу нафсий иннаннафса ла амморатун бис-суъ» (нафсимни пок-лай олмадим, чунки нафс ёмонликка амр этгувчи-дир). Ундан қайтиш бағишиловчи Маликнинг лутф-марҳаматидан бошқа мумкин эмас. «Ва золика

фазлуллоҳи юътиҳи ман яшоъ, валлоҳу зул фазлил азийм» (*Бу Аллоҳнинг эҳсонидир, кимга хоҳласа, баҳиш этади. Аллоҳ катта эҳсон эгасидир*).

Бу сўзларни ифодалашдан ва бу гапларни баён қилишдан ғараз шуки, инсонлик тақозоси, подшоҳлар расм-русми, подшоҳлик лавозими, мансабдорлар одати бўйича шоҳдан тортиб сипоҳийгача гўзал ёшлик кунларида шариат ман қилган баъзи нарсаларга ва айрим ўйин-кулгуларга ружуъ қилинарди. Бир қанча вақтдан кейин пушаймонлик кунлари келиб, уларни битта-битта тарк қилинар ва чин тавба билан уларга қайтиш эшиги ёпилар эди.

Аммо мақсад ва матлабларнинг муҳими ва буюги бўлган ичқилиқдан қайтиш тавбаси «ал-умуру мархунатун биавқотиҳо» (*ҳар иш ўз вақтига боғлиқ*) деган парда остига беркиниб, юзини кўрсатмас эди, токи бу яхши соатда зўр ғайрат билан уруш эҳромини боғлаб, шавкатли Ислом аскарлари ёрдамида коғирларга қарши жангга киришганимизда ғайб Илҳомчиси ва ҳақиқат Жарчисидан «Алам яъни лиллазина оману ан тахшaa қулубахум бизикриллоҳи» (*Иймон келтирганларга вақт келмадимики, қалбларини Аллоҳнинг зикри билан юмшатсалар?*) мазмуни эшитилиб, гуноҳ ва саркашлик асбобини илдизидан кўпориб ташлаб, тавба эшикларини тўлиқ жиддият билан қоқдик. Тафвиқ йўлловчиси «ман қараа бобан валажжа валажка» (*Кимки астойдил эшик қоқса, киради*), мазмунига мувофиқ иқбол эшигини очди ва бу урушни нафсга қаршилик кўрсатишдан иборат бўлган зўр уруш билан бошлашни буюрди.

Алқисса, «Раббано, заламно анфусано» (Эй Роббим, нафсларимизга зулм қилдик)ни ихлос тилига келтириб, «тубту илайка ва ана аввалул-муслимин» (Сенинг олдингда тавба қилдим ва мен мусулмонларнинг биринчисиман), деган гапни дил лавҳига нақш қилдик. Кўнгил хазинасида маҳфий қолган ичкиликдан қайтиш тавбаси истагини юзага чиқардик.

Зафар нишонли ходимлар муборак ҳукм юзасидан кўплик ва зийнатда юксак юлдузидек бўлган, гўзал мажлисни безаб турган олтин ва кумушдан ясалган май идиш ва қадаҳлар ва бошқа асбобларни ерга уриб, Худо хоҳласа, яқинда синдиришга муваффақ бўладиганимиз бутлар каби, пора-пора қилиб, ҳар бирини мискин ва бечорага бердилар. Қабул қилинишга яқин бўлган бу тавба баракатидан даргоҳмуқаррабларидан кўплари «Ан-носу ало дини мулукихим» (кишилар подшоҳлари изидан борадилар), тақозосича, бу мажлиснинг ўзидаёқ тавба шарафига эришдилар ва май ичишдан бутунлай қайтдилар. Худонинг буйруқ ва қайтаришларига бўйсуниб, чекинувчилар ҳолига қадар тўда-тўда бўлиб, соат сайин шу саодат билан баҳтиёр бўлмоқдалар. Умид шуки, «аддолту алалхайри ка-фоилиҳи» «яҳшилиқка ундовчи киши – яҳшилиқ қилган кишидай» деганлари каби бу ишларнинг савоби хушбахт подшоҳнинг ҳаётига оид бўлғай ва бу саодат баракатидан олға босиш ва ғалаба кундан-кунга орта боргай.

Бу орзу ва осойишталиқ тўла-тўқис охирига етгандан кейин, олам бўйсуниши лозим бўлган фармон ижро шарафига эришдик, тинч сақланган мамлакатда (харасаҳаллоҳу анил-офтот вал-мухофот –

Худо офат ва хавфлардан омон қилсин) мутлақо ҳеч бир киши ичкилик ичишга уринмасин, уни ҳосил қилишга тиришмасин, ичкилик ясамасин, сотмасин ва олмасин, ўзида сакламасин, элтмасин ва келтирмасин: «фажтанибуху лааллакум туфлихун» (*Ичкиликдан қочинглар, шоядки, нажот топсангизлар*).

Бу ғалабанинг шукронаси ва бу чин тавбанинг қабул даражасига эришмоғининг садақаси учун, подшоҳликнинг бахшиш дарёси жўш уриб, олам ободонлиги ва кишилик обрўйи бўлган карам тўлқинларини пайдо қилди: бутун мамлакат бўйлаб, ўтган сultonлардан қолиб келган ҳам даромади ҳаддан ортиқ кўп бўлган тамғани, ўзи ҳам шариат қоидаларидан ташқари бўлгани учун мусулмонлар устидан олиб ташлаб, фармон содир бўлдики, ҳеч шаҳр, қишлоқ, йўл, кўча, гузар ва бандарларда тамға олмасинлар ва ундиrmасинлар, ҳам бу ҳукмнинг қоидаларига ўзгартиш киргизмасинлар: «Ва ман баддалаҳу баъда мо самиаҳу файннамо исмуху алаллазина юбаддилунаҳ» (*Кимки буни ўзгартгандан кейин ўзгартирса, гуноҳи ўзгартирувчиларга бўлади*).

Подшоҳнинг меҳрибончилигига сифинган турк, тожик, араб, ажам, ҳинди, форсий фуқаро ва сипоҳ – бутун миллатлар, ҳамма инсон тоифалари бу мангуту бахшишга суюниб, умид тутиб, абадийликка биринккан давлатимиз дуосига машғул бўлсинлар ва бу ҳукмлар ижросидан ташқари чиқмасинлар ва бурилмасинлар, фармонга мувофиқ иш олиб борсинлар. Бу ҳукм улуғ подшоҳ имзоси билан етишса, эътимод қилсинлар.

Кутиба биамрил-олий аълаллоҳул-мутаолий ва халлада нафозаҳу; фи 24 шахри жумодул аввал, сана

932 (Амри олий билан 932 (1525) йили жумодул аввал ойининг 24-кунида ёзилди).

ШАРОБЛАР ТЎКИЛСИН!

Хурсон ҳоқони Шоҳруҳ Мирzonинг 1440 – 1441 йилларда шароб тўкишига отлангани ҳақида:

«Онҳазрат (яъни Амир Темурнинг ўғли Шоҳруҳ Мирзо) саккиз юзинчи ҳижрий йили Хурсон мамлакати салтанати тахтига тайин қилинди. Салтанат ҳаракатида бўлган гўдаклик чоғларидан то жаҳон ҳалифалик тахтига чиқиб қарор топгани шу замонгача унинг олий истакка интилувчи ҳимматининг кўзда тутган мақсади ҳамиша ҳақ динни мустаҳкамлаш, пайғамбарлар саййиди Муҳаммад алайҳиссалом шариатини кучайтириш бўлиб келди ҳамда илохий фармонни ижро этишда, айниқса ман этилган ва номуносиб ишларни йўқотиш ва жиловлаб олишда фоятда жидду жаҳд кўрстатди.

Шу ҳолда муҳтасиблик олий мансабига мансуб бўлган шариф кишилар ифтихори Сайид Муртазо Саҳҳоф ва воизлар раҳбари мавлоно Абдужалил ал-Қонийлар арзга етказдилар:

«Онҳазратнинг адолати кўмагида бутун мамлакатда мастиликни мушкин хатлик оҳукўз Хитой гўзаллари кўзидан бошқа ерда кўриш душвор ва хуморликни ёрнинг шаҳло кўзидан бошқа ерда учратиш мумкин эмас бир пайтда шаҳзодалар Мирзо Муҳаммад Жўкай ва Мирзо Алоуд-Давлаларнинг хумхоналари (шаробга) тўла, уни тўкиб ташлаш ўёқда турсин, у ерга етиб боришнинг ўзи ҳам беҳуда

хаёлдан иборат эди. Ҳазрат Ҳоқони саъид ўз шариф вужуди билан шароб тўкишга отланди, давлат оёғини саодат узангисига қўйиб отга минди ва Дарвозайи Хушдан ташқари чиқиб, Сепалак тарафига, хумхоналар ўрнашган жойга жўнади. Бадахшон лаълию руммоний ёқутнинг ра什кини келтирувчи соф шароблар билан тўлатилган хумларни ҳеч ачинишсиз тупроқقا тўқдилар. Шариат юқори қўйилганидан мамлакат янгидан равнақ олди ва салтанат бу ғамхўрлик шарофати билан ўзга бир тароват топди» (Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асаридан).

ТУРКИСТОНДА МАЙХЎРЛИК

Миллатпарвар зиёлилардан бири Вадуд Маҳмуд (1898-1976) томонидан «Туркистон газети»нинг 1923 йилги сонларидан биридан эълон қилган мақола ичикликбозликни тўхтатиши ҳақида бўлган.

Бўза, май, умуман кайф берадурғон ичкиликларнинг заарли бўлиши тўғрисида сўзлаб ўтириш отиқчадир. Унинг қандайин заҳри беомон экани имлан событдир. Яқинда бутун Русия олимларининг Масковда бўлуб ўткан қурутойи ақлсизлик – жинниликтин ичкиликка жуда яқин алоқада бўлганини исбот этди.

Бу нарса Туркистоннинг бутун шаҳар ва қишлоқлариға ёйилғон. Ҳатто баъзи бир зиёлилар ва хотинлариға ҳуррият тарафдори бўлғон кимсалар ўз оиласлари билан ҳам «расман» ичишмакка бошлиғонлар.

Кўп кишилар бунинг кўп ичилишини билимсизликдан, зарарини тушунмаганликдан келадир, дейдирлар. Лекин бу тўғри эмас. Дўхтурлар ҳам тамаки ва «алкагул»нинг зарарини жуда яхши билатуриб, ўзларини шундан торта олмайдурлар. Бу, тўғриси, тарбиясизликдан келгандир. Бундай кишилар ўзларини идора эта олмайдурғон зотлардир. Бунга ўргангандан кейин қутулиш қийин.

«Туркистон газети»нинг ўткан сонларидан бирида Туркистон Халқ Комиссарлар шўросининг кўкнори экишни ман қилиб чиқарган қарори ёзилди. Биз буни кўруб, халқни заҳарлайдурғон моддалардан бирини камайтириш ва битириш йўлиға киришилганини кўруб жуда севиндик ва олқишлидик. Бугун ичкилиқ тўғрисинда ҳам ўз товушимизни халқнинг ҳомийи ва мураббийи бўлған юқори хукумат доиралариға эшиттирмакчимиз.

Ичкилиқ ўзгаришдан кейин бир неча вақтлар ман қилинғон бўлса ҳам, «иқтисодий сиёsat» билан яна эски ҳолиға қайтди. Самогун ва мусаллас пиширғувчилар билан кураш олиб борғон бўлса ҳам, ул кўп вақт давом этмади. Шундан сўнг яна ривож олиб кетди.

Мана бу курашни тўхтатмаслик керак. Юқори доираларимизнинг, айниқса, бўлис ва қишлоқ ташкилотларининг ва халқимизни маданий ҳаётға яқинлаштирумок дардида бўлғон ишчиларимизнинг бу масалага жиддийроқ қарамоқларини ўтинамиз.

Вадуд МАҲМУД, «Туркистон газети», 1923 йил, 24 декабрь.

ДАВЛАТ АРБОБИ, САРКАРДА ВА ОЛИМ АЛИХОНТҮРА СӨГҮНИЙ АЙТАДИ

Шундоқки, Ислом шариатида ароқ ичиш мусулмонларга қандай ҳаром қилинган бўлса, ундан фойдаланиб тижорат қилишлари ҳам қатъяян ҳаром қилинмишдур. Ғулжага келганимизда англамиш эдик, советдан ўтган мол ичидан энг кўп фойда чиқадиган нарса ичимлик экандур. Шунинг учун ҳаромхўр бой савдогарлар буни кўрганда бошқа молларга қарамай, оз ҳалолдан кўп ҳаромни ортиқ кўришиб, шунга киришганликдан кўплари-нинг қилган тижоратлари ҳаромга айланмиш эди. Ахири «Ал хобийсоту лил хобийсин», яъни «палид палидга» деган Қуръон ояти мазмунича, узундан бери йиғилиб келган ҳаром моллари ўз лойиғи ҳаромхўрлар оғзига тушиб тугади. («Туркистон қайғуси», Тошкент, «Шарқ», 2003 йил, 150-151-бетлар).

ЮСУФ ТОВАСЛИЙНИНГ “ҲИКМАТЛАР ҲАЗИНASI” КИТОБИДАН

Одамийлик фазилатлари билан вояга етган қиз майхўрликни ёқтирадиган бир йигитга турмушга чиқди. Хожаси ҳар куни уйига ширақайф бўлиб келади. Уйига тўғри келган кун бўлмайди. Динга нихоятда эътиқоди юксак бўлган мусулмон аёл, беш вақт намозларининг орқасидан хожасининг тузалиб кетишини ва ичкилик деган энг ёмон заққумдан халос этишини Аллоҳдан сўраб, кўз ёшларини тўкиб ёлборади.

Кунлар, ойлар ўтади. Аёл ўз хожасига хизматини яхши ўтайверади. Сархуш юрадиган эр ўз хотининг хуш феълидан, хизматидан мамнун. Аммо унга бундай юриш одат бўлиб қолган. Мусулмон хотин намозларидан кейин кўз ёшларини тўкиб, эрининг яхшиликка юз буришини сўрайди. Кечалари хожасини безовта қилмаслик учун ўрнидан туриб, бошқа хонага чиқиб, намозини ўқиб, дуо қиласди:

— Эй Аллоҳим! Ҳузурингда гуноҳкор қўлларимни очдим. Сенга ёлбораман. Мени афв эт. Гуноҳимни кечир, ё Раббим! Сенга кўз ёши тўкиб ёлбораман. Сенинг розилигинг учун адo этадиганим намозларим ва тўккан кўз ёшларим, сенга бўлган бениҳоя иймоним, даргоҳи иззатингда маъқул бўлса, сенинг ризолигинг уйғун бир ибодат ва иймон берса, эй улуғ Аллоҳим! Шуларнинг хотири учун шу онда ётоғида ухлаётган хожамни ҳам ислоҳ айла, тузатгин, у гуноҳ ишлардан қайтсин. Хожамга ҳидоят бер, эй Раббим! Эй Раҳмон ва Раҳим бўлган Аллоҳим! Дуойимни қабул айлагил!

Ўз одатига кўра хотин намозини ўқир экан, хожаси уйғониб қараса, ёнида хотини йўқ, ётоқхонада ҳам йўқ. Сархушликдан боши оғриган эр бундан шубҳаланди. Товуш чиқармай, секин юриб чиқиб ёндаги хонани қараса, хотини қўлларини баланд кўтарганича йиғлаб Тангри таолога ёлборяпти: “Эй кечиргувчи Аллоҳим, адашган бандаларинг қаторида хожамни ҳам кечиргин...”

Эр унинг нолаларини эшишиб, кўнгли юмшади. Хотиннинг тўккан кўз ёшлари унинг қалбида иймон нурлари бўлиб порлаб, ақлинни ёриштириди ва ода-

мийлик йўлини кўрсатди. Энди унинг қалби нидоқила бошлади. Лаблари беихтиёр пицирлади:

– Эй кечиргувчи улуғ Аллоҳим! Мени афв этгин! Шу ярим тунда хотиним менинг учун кўз ёшини тўкмоқда экан, мен эсам унинг ҳақида ёмон хаёлларга бордим. Хотиним мени афв этишингни Сендан ёлбориб сўрар экан, мен эсам гуноҳга ботиб ётибман. Бу тушми ўзи?! Эй Раббим! Мени кечир. Сўз бераман, бугундан бошлаб оилас билан биргалиқда Сенга ўзимнинг қуллик вазифамни адо эта-ман ва иллатлардан қутилиб, уйимизни нурафшон этаман!

Бу одам Алоҳга сўз берди ва ҳидоятга эришди.

Хожасининг бу ҳолини кўргандан кейин яхши феъл-авторли, том маънода мусулмон тарбияси билан вояга етган ёш хоним севинч кўз ёшларини тўкиб, эрининг бўйнидан қучиб шод бўлди ва:

– Ё Раббий! Сенга мингларча, юз мингларча шукрлар бўлсин! Хожамни ҳидоятга еткардинг. Намозларимни, дуоларимни қабул этдинг. Сенга мингларча шукрлар бўлсин, Аллоҳим!-деб севинч кўз ёшлари билан Аллоҳга ҳамд ва шукроналар айтди.

ИЗОҲ ВА ЎТИТ

Мусулмон қардошим! Дадаларимиз “Намоз ўқигин”, деганлар. Албатта намоз ўқи! Аллоҳнинг лутфига мұяссар бўлган хоним уйининг саодатини таъмин этгани шундандир. Аллоҳдан ҳузур ҳаловат истаб, хожасининг ибодат қилиши билан ул ҳузур-ҳаловатга этишгандир. Мусулмон одам учун

энг буюк тасалли манбаи, энг буюк умид хазинаси унинг динидир, Аллоҳи ва Пайғамбаридир.

Ҳузурсиз кўнгулларга ҳузур, умидсиз инсонларга умид берувчи динидир. Бир онда бутун борлиғини маҳв этган мусибатга дучор бўлган бир кимсага ким умид туйғусини бера олади? Албатта дин бу умидни бера олади. Инсонларга фақат Аллоҳ ёрдам бера олади. Бу мусулмон хоним ҳам ёрдамни фақат Аллоҳдан истагандир. Аллоҳ унга ёрдам берди. Ўрнак бўлмиш бу ислом аёли ҳам ўзининг саодатини таъминлади, ҳам хожасининг ҳидоятга мұяссар бўлишига ёрдам берди, хожасини маънавий юксалтириди. Уни жаҳаннам алангасидан сақлаб қолди. Бундай аёллар билан барча мусулмонлар фахрлансалар бўлади. Омийн!

Ислом тарихида хожасини тарбия қилган, эрини ҳидоятга етиштирган аёлларнинг мавқеи жуда баланддир. Бу баҳтиёр ислом оналари, бу муҳтарама ислом аёлларидан ўrnak олиш керак.

Оқила ислом аёли динини, ийменини керакли гўзал шаклда ўрганганидан сўнгра ўша билганларининг нури ёруғида хожасига хизмат қилишга, унинг кўнглини олишга, фатҳ этишга ғайрат кўрсатиши унинг манфаатида эканлигини жуда яхши билади. Унинг учун қўлидан келган ишни қиласи ва ўrnak бўлгудай бир ислом аёли бўлади.

ЁМОНЛИКЛАР ОНАСИДАН ЮЗ ЎГИРАЙЛИК

Майхўр бир одам маст бўлиб олиб, сийдиги билан аввал қўлини, кейин юзини юва бошлади. Ундан: «Нима қиляпсан?» деб сўрадилар. «Покланяпман», деб жавоб берди у.

Бошқа бир майхўрнинг дудоқларини ит ялай бошлади. Маст одам итга: «Эй жанобим, сен мени сийлаяпсан, Худо сени сийласин!» деб тумшуғидан ўпди. Ит орқа оёғини кўтарди-да, мастнинг юзига қараб «чоптири»ди. Маст итнинг бу иши учун ҳам ташаккур айтди.

Бу икки воқеага ишонмагандирсиз ёки латифа ўрнида қабул қилгандирсиз. Эҳтимол лофдир? Нима бўлганида ҳам, маст одамнинг ҳаракатларини дикқат билан кузатсангиз, бундан баттар ҳолатларга гувоҳ бўлишингиз мумкин. «Мастлик – ростлик», деганлар бекор айтибди. Менимча, «Мастлик – аҳмоқлик!» Мастлик инсоннинг ақлини олиб қўяди ва уни ўзлигидан, яъни инсонликдан узоқлаштирадиган аянчли бир ҳолга келтиради. Ит мастнинг юзига «чоптираётганда» у аҳмоқ одам юзимни бир меҳрибон ювяпти, деб роҳатланди. Мастрарнинг бадбўй оғизларидан қандай уят сўзлар чиқишини билмайдиган одам йўқ. Маст акаукалар бир-бирларини «онангни... »лаб сўкишяпти. Ё, алҳазар! Ўз оналарини-я? Қайси аҳмоқдан бундан баттарроқ аҳмоқлик кутиш мумкин? Маст одам номус ва шарафини сақламайди, чунки ўша пайтда ақлидан айрилган бўлади. Мастлик қанча

давом этса, аҳмоқлик ҳам шунча давом этади. Маст бундай пайтда нима қилаётганини билмайди. Но-мус, ор, шараф каби қадриятлар қушдек учиб кета-ди-ю, қайтиб келиб қўнмайди. Қанча номусли қиз-жувонларнинг номуси мастликда булғанди. Бундай чиркин хатарларни эшитиб-кўриб юраверамиз. Ичкилик заҳарли илон кабидир. Бир чақса – ўлди-ради. Яхшиликка олиб келмайди. Шунинг учун ич-килиknинг барча турлари ҳаром – ман қилинган. Майхўрларнинг аксари Қиёматда жаҳаннамга бо-ражакларини, ёниб кул бўлажакларини билсалар ҳам, ўзларини тийиб ололмайдилар. Бу қандай но-донлик? Балки «касаллик» дерсиз? У ҳолда нима учун жигари оғриган инсон даволаниш чорасини излайди, ҳаракат қиласди-ю, майхўр нафсини енгиш чорасини қидирмайди? Ажаб, ичкиликни чақиб ўл-дирадиган илонга ўхшатдим-у, айни чоқда ўйланиб қолдим: илон аҳмоқлиги учун бирорни чақмайди, жонини ҳимоя қилиш учун чақади. Майхўрликдан қайтмаётган одам эса ўз жонини авайлашни ўйла-майди.

Жаброил алайҳиссалом Пайғамбаримиз алай-ҳиссалом ҳузурларига келиб: «Жаъфари Тайёрий тўрт фазилати туфайли Аллоҳнинг мақтовига сазо-вор бўлди», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва-саллам Жаъфари Тайёрийдан бу мартабага қандай эришганлигини сўрадилар. У деди-ки:

– Қарасам, ичкилик ақлни йўқотади. Шунинг учун ичкиликни ичмадим. Бут-санамларга қарадим, фойдаси йўқ, шунинг учун уларга сифинмадим. Ои-ламни рашк этганим сабабли бошқалар билан зино



қилмадим. Ёмон оқибатга олиб келишини билганим учун ёлғон сўзламадим.

Эътибор қилинг: сабабларнинг аввалида ичкиликдан юз ўгириш турибди. Агар инсон майхўрликни ташламаса, бут-санамларга ҳам сифинаверади. Юзига «чоптирган» итга миннатдорлик билдирган мастнинг бутга сифиниши қийин эканми? Ишонмасангиз, синаб кўринг: хумор тутиб азобланаётган майхўрга бир пиёла ароқни кўрсатинг-да, «шу бутга сифинсанг, ароқ сеники», дeng. Сифиниш нима экан, шу бир пиёла ароқ учун ўша ёғоч бутни ялай-ялай адо қилиши ҳам мумкин. Майхўр одам зинодан ҳам, ёлғондан ҳам қайтмайди.

Майхўрликнинг Аллоҳ томонидан ҳаром қилинганини (*қатъий тақиқлангани*), бу ҳақда Қуръони Каримда оятлар ва шарафли ҳадислар мавжудлигини кўпчилик билади. Билади-ю... аммо минг афсулар бўлсинким, фаҳм этмайди. Асли мусулмоннобод бўлган юртимиизда, асли мусулмоншева бўлган одамларнинг фарзандлари орасида ўз насабларини унутиб, ёмонликлар онасининг фарзандига айланиб қолаётганлар бор. Майхўрликка қарши гапириш, майхўрларни инсофга чақириш – шамолга қарши ҳайқириш каби бесамар кетяпти. Яхши билан ёмоннинг фарқига борувчи кишилар гапиргудек бўлишса, «Сен майнинг қадрини қаердан билардинг?» деган маънода афтларини бужмайтирадилар.

Бир куни камина ҳам майхўрликка қарши сўз айтган эдим, «Ҳадеб ароқни ёмонлаб маломат қилаверасизми, биз унақа кўп ичмаймиз», деб таъна қилишди. Қизиқ баҳона! Кам ичдинг нима-

ю, кўп ичдинг нима, фарқсиз – игна ҳам, йўғон қозиқнинг учи ҳам қўзга кирар бўлса, барибир кўр қиласди. Менга таъна қилган жамоатга қараб дедим-ки: «Сиз бутун дунё бўйича бир одамни топинг. Агар у: «Илгари касал эдим, шу ароқни ичиб тузалдим, илгари камбағал эдим, шу ароқни ичиб бойиб кетдим, илгари хор эдим, шу ароқни ичаганимдан кейин обрў топдим, шарафландим», деса, сизларни ичкилик билан ўзим таъминлаб тураман. Шундай одамни топа олмайсиз. Чунки ароқ (ароқ деганда барча масти қилувчи ичимликларни назарда тутяпман, халқ орасида буни «шайтон суви» дегувчилар ҳам бор) соғлом одамни касал қилиши, бойни камбағалликка гирифтор этиши, шарафли одамни эса хорлик жарига судрашини барча билади. Аммо нафс олдида мағлуб ҳолда тураверадилар.

Кўп йиллар муқаддам ёз куни сўлим чойхонада ўтириб эдик. Ёнимда икки ижодкор – бири адид, бири шоир ўтиришган эди. Адабиётдаги йўллари бошқа-бошқа бўлса ҳам, майхўрликдаги йўллари бир эди. Фақат каминадан сал ҳайиқишаради, мен бор жойда ичишмасди. Неча марта тавба қилишган, лекин нафс ғимиirlаб қолганда тавба нима экан, борлиқни унутишарди. Бир кун олдин бўкиб ичишганидан хабарим бор эди. Бош оғриқдан қутула олишмагани учун шўрванинг сувини симириш билан чекланишаётган пайтда чойхона ёнидан бир майхўр ўта бошлади. Соч-соқоллари ўсиб кетган, эгнига ирkit кийим илган, кечаси билан молхонада ағанаб чиқсанми ё ундан баттар жойдами – ҳар ҳолда башарасидан ит ҳуркадиган даражада эди.



– Анави нусҳага қаранглар, – дедим.

Қарашибди, ўзларича ниманидир тушунгандай бўлиб, индашмади.

– Дарвиннинг «Одам маймундан пайдо бўлган» деган назарияси қандай яратилган, биласизларми?

– Улар бир-бирларига маънодор қараб қўйдилар-у яна индамадилар. Мен эсам давом этдим: – Дарвин анавинга ўхшаган одамни кўриб, ўша назариясини ўйлаб топган. Яхшилаб қаранглар, унда нима кўряпсизлар?

– Жулдир кийимми? – деди бири.

– Роса калтак еган шекилли, башараси ёрилиб кетибди, – деди иккинчиси.

– Буни ҳамма кўради. Мен ҳеч ким кўрмаётган нарсани кўряпман, – шундай деб икковига диққат билан тикилдим. Улар гапимнинг давомини тоқат билан кутишди. Шунда дедим-ки: – Мен бу башарага қараб туриб, унда икковингизнинг келажагингизни кўряпман...

Бу гап уларга қаттиқ таъсир қилди. Бошларини эгдилар. Шундан кейин бирлари майхўрликни бутунлай бас қилди. Кейинроқ намозга ҳам кирди. Иккинчиси ўша ахволида қолди. Бошига жиддий ташвишлар тушса ҳам ақлини йиғиб олмади. Иккита китоб чиқарганича ижодни ҳам тарқ этди. Адабиётимиз қобилиятли ижодкорни тириклайн ийүқотди. Ҳозир ёши олтмишга етди. Ташқи кўриниши биз кўрган майхўрдай бўлмаса-да, уст-боши тоза бўлгани билан барибир «Дарвинга илҳом берган» ўша нусҳага яқинлиги бор.

Мени бир нарса ажаблантиради: айтайлик, телевизор сотиб олдик. Дарров қўлланмасини ўқиймиз.

Телевизорни яратган олимлар, усталар бизларни огоҳлантиришади: 220 волтли токка уланг, иситиш ускунасидан нарироқда турсин... Буни билиб, биз ҳеч қачон телевизоримизни 380 волтли токка ула-маймиз, телевизорнинг бузилишига йўл қўймаймиз. Қўлланмага амал қилмасак, пулга куямиз. Ҳолбуки, Инсонни яратган Аллоҳ Одам болаларига тўғри яшаш йўлларини ўргатувчи қўлланма – илоҳий китобларни туширди, тўғри йўлга бошловчи элчиларни юборди. «Қўлланма»нинг энг улуғи, шубҳасиз, Қуръони Каримдир. Элчиларнинг энг шарафлиси, шубҳасиз, Пайғамбаримиз алайҳиссаломдирлар. «Мўъминлар учун насиҳат, кофиirlар учун ҳасрат» бўлмиш Қуръони Карим одамларга қаратади: ичма, бу дунёда хор бўласан, у дунёда азобга қоласан, деб турса-ю, кимдир-бировлар эшитмагандек, билмагандек ичаверса?! Бу дунё азобига дуч келганида, айтайлик, тузалмас хасталикка чалиниб, тўшакка михланганида ёки фарзандлари ёмон хулқлари билан куйдира бошлаганида «Эй Худо, мен Сенга нима ёмонлик қилувдим-ки, менга шунча ғам-алам берасан», деб нолалар қилади, кўз ёшлар тўқади. Фиръавннинг иймон келтириши каби кечиккан бу ҳасратларидан фойда бўлармикин?

Кечагина «Ичманг, биродар», дегани учун кўзи-га ёмон кўринган имомни чақиртириб: «Бир ўқиб қўйинг», дейди. Мулла қирқ марта «Ёсин» сурасини ўқиса, нариги дунёга гўё гуноҳлардан ҳоли бўлиб кетиладигандай туюлади. Кошки эди, буларнинг фой-дасизлигини билса! Юқори кучланишли токка улан-ган телевизор куйгани каби охирати куйиб бўлгани-

ни англамайди. Телевизор куйса, пулига ачинади. Умрининг энг гўзал онлари куйиб адо бўлаётганини эса фаҳмламайди.

Жаҳон соғлиқни саклаш идораси 2014 йили тарқатган маълумотга кўра, ҳар ўн сонияда бир одам бўкиб ичгани учун ўлар экан. Яъни бир дақиқада олти одам, бир йилда 3 миллион 300 минг майхўр жон бераркан. Бу битта кичикроқ мамлакатнинг аҳолисига teng рақам. Ҳар дақиқада ўлаётган олти одам рўйхатига сурункали майхўрлиги учун жигари қуриб ўлаётгандар, маст ҳолда автомашина бошқариш натижасида ҳалокатга учраб жон берганлар, мастилик чоғида пичоқланиб ё уриб ўлдирилганлар кирмайди. Бу ҳисобни фақат ичиб ўтириб ўлганлар тўлдиради. Табобатда «ароқдан заҳарланиш» (водочное отравление) деган тушунча бор. Агар вақтида аниқланса, ҳаётини сақлаб қолиш мумкин, вақт бой берилган бўлса, жон ҳам кетади.

Ароқ одамнинг ўзигагина ёмон таъсир қилса, чидаш мумкинdir балки. Ароқнинг зурриётга таъсири-чи? Мажруҳ туғилаётган болалар, туғилмаёқ ўлаётган болалар-чи?! Бирор кишини беҳос уриб ёки туртиб юбориб, оёғини ёки қўлини майиб қилиб олган киши, қонун олдида жазоланади. Лекин қўл-оёқсиз ёки ақлсиз туғилаётган болаларнинг мажруҳлигига сабабчи майхўр ота ёки она жазоламайди. Тўғри, бу дунё қонуни жазоламайди, аммо Қиёматдаги жазо тайин-ку, кўрқишмайдими?

Биларсиз, ҳуқуқбузарлар ҳамиша милиция назоратида бўлишади. Булар «профилактик ҳисобда турувчилар», деб номланади. Ана шу ҳисобда ту-

рувчиларнинг 46 фоизини ашаддий майхўрлар, 31 фоизини муқаддам судланганлар, 15 фоизини гиёҳвандлар, 8 фоизини руҳий хасталар ташкил этади. Муқаддам судланганларнинг кўпчилиги ичкиликка ружу қўйганини инобатга олсак, биринчи тоифанинг нақадар кўплиги аён бўлади. Оиласа доир жиноятлар, хусусан хотинни уриш, ҳатто ўлдириш мастлик чоғида юз беришини расмий маълумотларга қарамасак ҳам биламиз. Қариндошлар, қўшнилар орасида бунақасини кўп кўрганмиз, эшитганмиз.

Ароқхўрлик ҳақида гапирилса, европаликлар бузди бизларни, деймиз. Бу гапда жон бор. Лекин улар ҳар биримизни ётқизиб олиб, оғзимизга зўрлаб ароқ куймадилар-ку? Европаликларнинг маданиятга оид дуруст одатларини олмаганимиз ҳолда нима учун фақат бузукликларини маъқул кўриб қолдик? Яна ҳақиқат шуки, европаликлар келгунига қадар ҳам майхўрликлар, бўзахўрликлар, нашавандликлар... бўлган («Ўткан кунлар» романида Абдулла Қодирийнинг асли мусулмонобод бўлган юртдаги бузукликларни тилга олганларини эслайлик). Европаликларнинг келиши яширин гуноҳларни ошкора қилиш дарвозасини очиб берди. Олдин атрофдагилардан уялиб ёки қўрқиб ичишган, чекишган бўлишса, энди қўрқув ҳам, уят ҳам йўқ. Авваллари фақат эркаклар ичиб-чекишган бўлишса, энди у гуноҳкорлар сафида аёлларни ҳам кўрамиз. Тўйларда дастурхон тўрини эгаллаб ичишади. Бундан ташқари, ўзларининг «гап» деб аталмиш хос зиёфатлари ҳам бор. Майхўрлиги учун оналик хукуқидан маҳрум этилаётганлар ҳам учраб турибди, тўғрими?

Тошкентни руслар эгаллагач, Ўрда суви чегара бўлиб, шаҳарнинг шарқий қисмида истилочилар ўрнашган, ресторон, фоҳишахона... хуллас, Европадаги барча бузуқликлар ўрин олган. Аслида бу кўнгилочарлик русларнинг ўзлари учун эди. Лекин анхорнинг кунботар томонида истиқомат қилувчи бойвачча йигитлар аста-секин бу чегарани бузиб ўта бошладилар. Шундай мунофиқлик, фиску-фасод юзага келдики, анхорнинг бу бетида намоз ўқийдилар, бу бетига ўтиб ароқхўрлик қиласдилар. Тошкентда ўша йиллари машҳур бўлган «Истаконда чой ичган лўм-лўм Мамажон» деган қўшиқ ўша бузуқликлардан бир хотира. Унинг юзага келишига Мамажон деган бойваччанинг қилиғи сабаб бўлган, дейишади. Бойвачча ресторанда майшат қилиб ўтириб, бир фоҳишага муҳаббат изҳор қиласди. Ҳам мастилик, ҳам рус тилини билмаслиги оқибатида «люблю» сўзини айтольмай, «лўм-лўм» дегани учун русларга кулги бўлган экан...

Ҳозир бир неча мусулмон мамлакатларда «майқатағон» эълон қилинган. Лекин бу мамлакатнинг барча аҳолиси солиҳ бандалар экан, деб бўлмайди. Ливиядаги аҳволни айтиб беришган эди. Бу ернинг бойваччалари бузуқлик кўчасини қўмсаганларида кемага ўтириб, денгизни сузиб ўтарканлар-у, бузуқликка тўйғач ёки пули тугагач, яна «мусулмонобод» шахрига қайтиб келиб, мўмин либосига киарканлар. Бу мамлакатнинг бугунги ачинарли аҳволини кузата туриб, Аллоҳ бу юртда фосиқлик авж олгани учун бу азобларни юборгандир, деб ўйлайсан киши.

Бир йили Рамазон ойида Туркия сафарига отландык. Учишга тайёргарлик күрилаётган онда ифторликни учоқ ичида қилдик. Учоқ осмонга күтарилигач, аввал мусаллас тарқатылди, сүнг таом берилди. Олдинги ўриндиқларда аёллар ўтиришиб эди. Мусалласни ичиб, таомни еб олишгач, учоқ бекаси пулга сотиш учун олиб чиқкан қимматбаҳо ароқдан бир шиша олдилар. Сүнг сумкаларидан пиширилган товук, нон ва яна аллақанча нарсалар олиб, зиёфатларини бошладылар. Зиёфат қарийб уч соат давом этди. Шунда ҳамроҳим ажабланиб, «Бу ердан қиммат ароқ олғандан кўра шаҳардан ола қолишиша бўлмасмиди?» деди. Мен унга: «Кузатувчилар орасида эрлари борлигига эътибор қилмабсиз-да, ахир эрлари учун улар баодоб, хаёли хотинлар-ку?» – дедим. Хорижда уларни бир неча эркаклар кутиб олишди. «Ўйнашлари» дея олмаймиз, чунки бузуқликларини ўз кўзимиз билан кўрганимиз йўқ. Лекин йўл-йўлакай ичиб, маст ҳолда келган жувонларни одобли эркаклар кутиб олишмаса керак? Кейинроқ шунга ўхшаш воқеани Бишкек орқали Техронга учганимизда ҳам кузатдим. Ундаги ширақайф аёллар этаги калта, енгиз кўйлакда ўтирган эдилар. Учоқ кўнишга шайланган дамда ҳожатхонага кириб, узун кўйлак кийиб, бошларига рўмол ўраб «муслима»га айландилар. «Аёл кишининг макри қирқта туяга юк бўлади» дейилганда балки шу каби аёллар назарда тутилгандир?

Кузатгансиз, баъзилар ичганда ҳам гўё маданийча ичишга ўрганишган. Яъни «тамада» деганин сайлаб оладилар (Бу сўзни ўзбекчага айнан таржима

қила олмадим, рамзий маънода «Шайтоннинг бош ёрдамчиси», десам ранжимасинлар). Чиройли сўзлар, яъни «тост» айтадилар. Тилаклар тилайдилар. Соғлик, омад, баҳт... Кимдан тилайдилар? Албатта Худодан тилашади. Ўйлашмайди-ки, яратган Тангри «ичма, бу ҳаромдир», деб қўйибди. Шу ҳаромни ича туриб, Ундан яна баҳт сўрасалар, берармикан шу баҳтни!

Баъзан ичкилик қўйилган давраларда ўтиришга мажбур бўламан. Шунда айримлар сал истиҳола қилган бўлиб: «Чарчоқни кўтаради, ижозат берсангиз, озгина-озгина ичсак», дейишади. Шунда: «Рухсатни мендан сўраманг, чунки буни мен ҳаром қилган эмасман», деган мазмунда жавоб бераман. Баъзиларга шу гап таъсир қиласи, бошқалар: «Худонинг ўзи кечиради», деб ичаверишади. Худди Худ уларга «Тўйиб ичиб олаверларинг, кейин сенларни кечираман», деб тилхат бергандай ишонч билан гапиришади.

Бир неча йил бурун Туркистон шаҳрида, ҳазрат Аҳмад Яссавий мақбараларидан икки чақиримча нарида аянчли бир даврада ўтиришимга тўғри келган эди. Воқеа тўйнинг эртасига содир бўлди. Дастурхон атрофида турли ёшлардаги одамлар ўтирибмиз. Айтишим жоизки, шундай муқаддас ва шарафли шаҳарда яшовчи, ўзини мусулмон деб атовчилар ароқхўрликда «чемпион» эканлар. Хуллас, мендан «тост» айтишимни илтимос қилишди. Дастворад этдим. Талаблар такрорланавергач, дедим-ки: «Хўп, гапираман, аммо ранжимайсизлар. Ҳозир сизларга, «ичманг», деганим билан ёқмайман. Лекин бир

нарсани ўйлаб кўринглар: мана бу йигит ўғлингиз экан, ота билан ўғил нима деган одам бўлдиларинг энди?! Мана бу йигит сизнинг куёвингиз экан, сиз билан ичиб, маст бўлиб, уйга боргач хотинини, яъни қизингизни урса, қизингиз додини кимга айтади? Сўнг эса сиз додингизни кимга айтасиз?»

Бу гапдан кейин ўғил ва куёв чиқиб кетишиди. Бир-икки киши гапимни маъқуллаб, ароқ қуйилган пиёлани нари суриб қўйишиди. Бошқалар эса «Худо кечиради», деб ичишни давом эттираверишиди. Бундай одамларни «эш-шакдай қайсар», дейишиди. Йўқ, азизлар, эшакларни ранжитманг, эшаклар уларга ўхшамайди, чунки эшакни тарбия қилса бўлади: «иш-ш» десангиз тўхтайди. Бундай одамлар эса тўхташмайди. Ҳазрат Навоийнинг бир байтларида (*мазмуни*) «ичувчилар ўзларини шер деб тасаввур қилганлари билан нафс ити олдида забундирлар (*мағлубдирлар*)», дейилади. Яъниким, бадмаст одамлик доирасидан чиқади-ю ҳатто ота-онаси, ака-укалари, дўстларига қараб акиллайди, ҳатто уларни қопишдан ҳам қайтмайди. У ҳатто ит ётишга ҳазар қиласиган ерларда ҳам ётиб қолаверади.

Ароқхўрлик қанча-қанча улуғларни хорлик ботқоғига ботирди. Жуда кўп истеъдод эгалари бу бало оқибатида умрларини ҳам, қобилияtlарини ҳам бой бердилар.

Шу ўринда ҳазрат Бобур Мирзонинг милодий ҳисобда 1525 йили имзоланган майқатағон (*сухой закон*) ҳақидаги фармонларини яна эслайлик.

Тарихдан маълумки, Ҳусайн Бойқаро бошқарган мамлакатни айни шу ичкилик барбод қилган. Айни

шу ичкилиқ (уни «чоғир» деб атаганлар) умидли ва суюмли набира Мўъмин Мирзонинг бошини узган. «Бобурнома»даги бир далилга эътибор қаратайлик. Ҳусайн Бойқаро «сабухий» қиласан экан. Яъни рус-часига «похмел» – эрталабдан ичмас экан. Бадиуззамон мирзо ва Музаффар миззолар фақат тахт ворисигина эмас, отадаги иллатнинг меросхўри ҳам эдилар.

Ароқ инсонни жиноятга бошлайди. Ривоят бор, бир одамнинг йўлини тўсиб дедиларки, ё ароқни ичасан ё бу бузук аёл билан зино қиласан ёки мана бу гўдакнинг бошини узасан. У одам ўйлай-ўйлай бир қарорга келди: «Ароқ ичганим гуноҳ, лекин каттароқ икки гуноҳдан қутулгайман». Ароқни ичди... сўнг унинг кайфида зино ҳам қилди, гўдакни ҳам ўлдирди.

Баъзилар айтадилар-ки: «Ароқ бирорларники бўлгани учун ҳаром қилинган». Йўқ, азизлар, ароқ, чўчқа гўшти бошқалар истеъмол қилгани учун эмас, одамга заар бергани учун ҳаром қилинганини яна таъкидлайман. Агар у биродарларимиз айтгандай бўлганида эди, бирорлар ейдиган мол ёки қўй гўшти ҳам, бошқа неъматлар ҳам ҳаром қилинар эди. Яна ўйлайлик, нима учун айнан ароқ ва чўчқа гўшти ҳаром қилинди? Нега мураббо ёки қовун-тарвуз ҳаром қилинмади?

Ароққа қарши бутун насоро олами ҳам курашган. Урушдан аввал ҳатто АҚШда ҳам майқатағон эълон қилинган. Большевиклар замонида ҳам бир-икки уриниш бўлди. Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари иккинчи ярмида, «Қайта қуриш», деб аталган

даврда ҳам ичкиликка қарши курашилди. Биз бу курашни жону дилимиз билан қувватлаш ўрнига норози бўлдик, ўзимизча найранглар ўйлаб топдик. «Тўйларда ичкилик қўйилмасин», дейилди. Хўп дедиг-у, баъзиларимиз битта самоворга сув қуйиб қайнатдик, иккинчисини ароқ билан тўлдириб, чойнакда тарқатдик ва бу «ихтиро» билан фахрландик. Бундан ортиқ нодонлик бўлармикин?

Ёшлигидан ароққа берилган одамнинг кейин-кейин бу йўлдан қайтиши қийин бўлади. Чунки бу ҳам ҳаёт имтиҳонларидан бири. Кимки нафсини жиловлай олса, имтиҳондан ўтади. Кимга марҳамат қилинса, нафсни енга олади. Аммо одам деган Худонинг марҳаматига эришмоқ учун жон куйдириши ҳам керак. Нафсга қарши уруш очиш учун ўзида куч топа олмаган, иродасига қувват бера олмаган одам бу марҳаматга ета олармикин? валлоҳу аъلام.

Бир тақводор дебдики: «Қудук ичига ичкиликдан (масалан, ароқ) бир томчи тушса, қудук сувини поклаш учун ташқарига чиқариб тўксалар, сув тўклигган ерда ўт-ўлан ўсиб чиқса, шу ўт-ўланларни еган қўй-сигирнинг гўштини емайман». Бу ерда муболага, бўрттириш бор. Муболагадан мақсад – одамларни «арзимас ҳаром» деган тушунчадан эҳтиёт қилиш. Қабристонда ўстган ўт-ўланни молга бермаслик тавсия этилади. Чунки юқумли касаллик билан вафот этган одамнинг мурдасидан тарқалган микроблар ўт орқали сут ва гўштга ўтиши мумкин.

Бир кишига дедингиз-ки: «Чўчқа гўштидан е!» Шубҳасиз, у дер-ки: «Емайман, бу гўшт ҳаром!» Барракалла, бу киши ҳаром-ҳалолнинг фарқига борар

экан, деб қувонасиз. Аммо қарайсиз-ки, у ароқнинг ҳаромлигини билса ҳам ичади, бузукликдан ҳам қайтмайди, тарозидан ҳам уради... «Булар ҳам ҳаром-ку, билмайсизми?» деб ажабланасиз, ҳатто ғазабланасиз. У эса ишонч билан: «Билишгабиламан, гуноҳимни Худонинг Ўзи кечиради», дейди. Ажабки, гўё Аллоҳ таоло унга гуноҳини кечиришга ваъда берган. Чўчқа гўштини жуда зарур ҳолатда, дейлик, ўлиб қолмаслик учун маълум микдорда истеъмол қилишга ижозат бор. Аммо ўлиб қолмаслик учун ароқ ичишга, зино қилишга, пора олишга... мутлақо ижозат йўқ! Яна бир гап: бирор чўчқани етаклаб келиб, бир-икки кун ҳовлингизда тура турсин, деса унамайсиз, лекин тўйга атаб олинган беш-ўн қути ароқ уйингизда тура турсин деса рад этолмайсиз. Бунга нима дейсиз?

Ресторан қоровули ичкарига кириб қолган итни ушлаб олиб, ураётган экан. Бечора итнинг вангиллашини эшишиб, кўчадан ўтаётган бир одам эшикни очибди. Ит қоровулнинг қўлидан чиқиб қочибди. Шунда кўчадаги у киши дебди:

– Э биродар, сен итдан ранжима. Жониворнинг ақли йўқ, ҳалол-ҳаромнинг фарқига бормай кириб қолган. Бизнинг эс-хушимиз жойида, шунинг учун бундай жойга кирмаймиз...

Худога шукур, атрофимизда эс-хуши жойида бўлган инсонлар кўп. Азиз ёшларимиз ва уларнинг дўстлари ана шундай ақлли одамлардан ибрат олишларини истардим. Лекин бузук ошёнларнинг оҳанрабоси кучига нафси дош беролмаётганлар-чи? Кўшнилар орасида борми? Бор! Қариндошлар ора-

сида борми? Бор! Ҳамкаслар орасида борми? Бор! Ҳонадонимизда борми?.. Ёшларимиз ана шундай нодонлардан қочсинлар, уларга зинхор эргашмасынлар. Мавлоно Саноийнинг «Мастлик қилмайди доно, май ичмас оқил одам, Ақл эгаси мастерликта қўймайди оёқ бир дам», мавлоно Ҳоқонийнинг «Бодани ақлингдан ғолиб этмагил», деган ўтиларини ва шу каби юзларча донишмандларнинг насиҳатларини унутмасалар янада яхши!

Бир одам «ўғлим мени менсимайди, гапимга кирмайди, дўстларим олдида мени шарманда қилди», деб зорланди. Маълум бўлишича, дўстлари билан майхўрлик қилиб ўтириб, ўғлига «дўкондан ароқ олиб кел», деб буюрганда, у ота буйруғини бажармабди. Бу ўринда биз отага бўйсунмаган ўғилни қоралайликми ё ақлли ўғилнинг қадрига етмаётган нодон отаними? Яна бир оиласда ота-ўғил орасида зиддият туғилибди. Уйланаётган ўғил, «тўйда дастурхонга ароқ қўймаймиз» деса, ота «мен тўйларда ичганман, қўймасам уят», дебди. Ажаб, ота тўйларда насияга ичган эканми? Одам кимдан уялиши керак? Аллоҳдан уялса бўлмайдими?

Шунга ўхшаган воқеаларни эшитганимда қофқазлик мужоҳид имом Шомилнинг ёшлигини эслайман. Биласиз, қофқазликлар мусаллас тайёрлашлари ва ичишлари билан ном қозонгандар. Доғистон аҳли орасида ҳам бу иллат исломни қабул қилганларидан сўнг ҳам давом этган экан. Шомилнинг отаси мусаллас тайёрлаб сотаркан, шубҳасизки, ўзи ҳам тотиб турган. Бундан Шомил кўп сиқилган, охири отага қарши сўз айтишга журъат қилган. Отага

сининг «Ёшлиқда ўйнаб-кулиб олиш керак. Қуръон ўқиши, рўза тутиш учун, ана, қарилик даври бор», деган сўзидан кейин Шомил Қуръонни ўпид, пешонасига қўяди-да, титроқ овозда хитоб қиласди:

— Мен ўғилман, сизга қарши боришга ҳаққим йўқ. Аммо онт ичиб айтаманки, сизни яна бир марта бадмаст кўрсам, ўзимни ўлдираман!

— Бу гапинг бекор, — дейди ота унга жавобан,
— Қуръонни ўқибсан-у, маъносини англамабсан. Ўз жонига қасд қилишни Қуръон тақиқлаган. Бундай гуноҳкорнинг жасади мусулмонларнинг қабристонига қўйилмайди. Лекин майхўр одам ўлса, унга бундай жазо йўқ.

— Қаерга кўмишлари менга фарқсиз. Қиёматда икковимиз Аллоҳ ҳузурида юзма-юз бўлганимизда қайси биримиз кўпроқ гуноҳкор эканлигимиз айтилади.

— Мусалласдан яхши даромад оляпмиз. Мен уни фақат кофирларга сотаман.

— Мусаллас кофирларга ҳам сотилмаслиги керак. Ичкилик душманнинг зулмини оширади. Ақлини тамоман чиритиб, ҳеч қачон инсофга келтирмайди.

Шундан кейин ҳам ота тийилмайди. Бир куни шаҳарга мусаллас сотгани кетиб шармандали ҳолда қайтади:

... Тор кўчада олти эшакдан иборат карвон кўринади. Йўл бошлаб келаётган эшакнинг бошига папоқ қўндирилган, эр киши учун шараф тожи ҳисобланган папоқ эшаклар учун шармандалик рамзи эдими, ҳар ҳолда эшак бечора уялгансиймон бош эгиб келарди. Эҳтимол, у бошидаги папоқдан

эмас, балки хўжайинининг қилиқларидан иснод ўтида ёнаётгани сабабли кўча четида ва томлардаги томошабинларга қарай олмаёттандир. Орқадаги эшаклар бепарво қадам ташлайдилар. Уларга ортилган саватлардаги ҳумлар бўшаган, елкаларида оғир юк ҳам, бўлак ташвиш ҳам йўқ. Фирт маст хўжайнлари тойиб йиқилганда эшаклар карвони тўхтамади. Гумбаздек бўлиб ётган одамни танимаймиз, дегандай четлаб ўтиб кетаверди. Олдинда бораётган папоқли эшак ҳам ортига қайрилиб қарамади, томошабин болаларнинг қувноқ қийқириклари, катталарнинг асабий бақириклари остида шерикларини ҳовлига бошлаб кирди...

Шомил отасини бу ахволда кўргач, уятдан ёниб, аҳдини бажармоқ учун ўзини жарликка ташлайди. Лекин Аллоҳнинг мўъжизаси билан тирик қолади. Ана шундан кейингина ота ичкиликдан юз ўгиради.

Ўйлайлик: отанинг нодонликдан қайтариш учун наҳот фарзанд жонини қурбон қилиши керак бўлса? Тўғри, бизда бунақа манзара – эшаклар карвони йўқ. Лекин маст одамнинг ирkit дўпписини эшакнинг бошига қўндириб қўйиш қийин эмас. Тасаввур қилайликки, шундай бўлди. Кулибгина қўя қоламиз. Бу манзара маст одамнинг оиласини иснод ўтида қовжиратганини эса ўйламаймиз. Қанчадан қанча оталарнинг кўчада гандираклаб юриши учун фарзандлар уялишяпти?

Яқинда бир улфатда намозхонлар шайтон йўриғидаги биродарларини инсофга чақирдилар. Болаликдан бирга улғайган дўистларнинг кўплари иймон йўлида, айримлари ҳануз шайтон йўлидан

қайтмаган эканлар. Иймонлилари бу дўстларига насиҳат қилишиб: «ёшларинг олтмишдан ошди, шунча йилларни ароқхўрлик билан ўтказганларинг етар энди. Аллоҳ ҳузурида гуноҳкор эканликларинг бир масала, яна бир масала – фарзанду набираларинг сенлар туфайли иснодга қоляптилар. «Ароқхўрнинг фарзанди» деган маломат тошини кўтариб юришга орланяптилар», – десалар, у адашганлар: «Биздан орлансаларинг улфатдан чиқдик!» – деб ўринларидан туриб кетишди. Ўзларича гё марадлик қилишди. Ҳолбуки, бу марадлик эмас, но-донликнинг навбатдаги кўриниши эди. Агар улар десаларки: «Биродарлар, сизларга раҳмат, бизларга тўғри йўлни кўрсатдиларинг, сизларнинг ҳурматинглар учун шу ондан бошлаб ароқ ичишни ташладик, шу ондан эътиборан пешонамиз жойнамозга теккувси. Саждани зинхор тарк этмасмиз...» – мана шуни чин марадлик десак бўларди. Улфатчиликдаги нохуш ҳолатга гувоҳ бўлгач, устозлар баёнидаги бир ибратли воқеа хаёлимга келди:

Ривоят қилишларича, Утбатулғулом исмли бир киши фисқу фужур аҳлидан эди. Бузғунчиликда ва шаробхўрликда унга етадигани йўқ эди. Ана шу фасодчи ва майхўр одам бир куни Ҳасан Басрий ҳазратларининг даврасига кириб қолибди. Ҳасан Басрий издиҳом аҳлига Ҳадид сурасини ўқиб берётган эдилар. «Иймон келтирган зотлар учун диллари Аллоҳнинг зикрига ва нозил бўлган ҳаққа (яъни Қуръонга) мойил бўлиши вақти келмадими?! Яна улар учун илгари китоб ато этилган, сўнг пайғамбарларидан кейинги муддат узайгач, диллари

қотиб кетган кимсалар (яъни яхудий ва насронийлар) каби бўлиб қолмаслик вақти келмадими? Улардан кўплари фосиқдирлар (яъни итоатсиздирлар)», – мазмунидаги оятни ўқиётган онларида у киши кириб келди. Оятни ўқиганларидан сўнг чиройли сухбат қилдилар, шундай сухбатки, бутун жамоатни йиглатдилар. Шу орада ёшгина бир йигит ўрнидан турди ва Ҳасан Басрийга хитобан шундай деди:

– Эй мўъминларнинг энг гўзал ахлоқлиси! Аллоҳ мендай фисқ-фужур соҳиби – гуноҳкорнинг тавбасини ҳам қабул қиласми?

– Ҳа, азamatим, агар бошқа бундай қилмаслик шарти билан ёмон феъл-атворларингни тарк этсанг ва Аллоҳдан афв тиласанг, сени ҳам кечиради.

Йигит бу сўзларни эшитганда ранги ўчиб, бир «оҳ» тортди-ю ҳушидан кетди. Ўзига келганда Ҳасан Басрий унга яқинлашдилар-да, бу байтни ўқидилар:

Эй Аллоҳга қарши йигит, осий санғи,
Гуноҳкорнинг жазоси не, биласанми?
Осийларнинг жойи – сақар. Ёнар ўзи,
Шиддатли ўт ичра пишар гўзал юзи.
Майли, ўтда ёнар десанг – Ҳақни унум...
Ё ўзингни гуноҳлардан узоқда тут...

Бу байтни эшитиб, Утбатулғулом ҳам бир «оҳ» кўтариб, ҳушидан кетди. Ҳушига келганида Ҳасан Басрийга юзланиб:

– Эй, устод, – деди. – Марҳамати кенг бўлган Аллоҳ мендай гуноҳкорнинг тавбасини ҳам қабул қиласми? – деб сўради.

– Ўз ўзига жафо қила олган банданинг тавбасини карамли Аллоҳдан бошқа ким ҳам қабул эта оларди? – деб жавоб бердилар Ҳасан Басрий.

Шундан кейин Утбатулғулом бошини күтариб, Аллоҳга уч хил дуо ўқиб, ёлборди:

– Аллоҳим, тавбамни қабул қил, гуноҳларимни афв эт, менга тушунишни ва ўрганишни ҳамда ўрганганларимни муҳофаза эта олиш қобилиятини берки, ўзлаштирганларимни ва унинг илмий асосларини ақлимда тутай.

– Аллоҳим, менга шундай бир гўзал овоз берки, менинг Қуръон ўқишимни эшитган ҳар кимсанинг қалби қайғуга чўмган бўлса ҳам қалбидаги меҳр уйғотсин!

– Аллоҳим, менга ҳалол ризқ насиб эт ва ўзим кутмаган жойдан ризқлантири...

Аллоҳга дилдан қилинган бу дуоларнинг натижаси ўлароқ йигитнинг тушуниш қобилияти ва закоси ортди, ўрганган илмий асосларини ҳеч унутмайдиган бўлди. Унинг Қуръон ўқишини эшитган ҳар киши тавба қилас, ёмон феълларидан воз кечар эди. Ҳар куни уйига бир коса шўрва билан икки лочира келарди. Булар қаердан ва ким томонидан юборилганини ҳеч кимса билмас эди. Бу ҳол то унинг ўлимiga қадар давом этди...

Ҳа, ёлғиз Аллоҳ учун ёмон феълларидан воз кечиб, илоҳий ахлоқ асосларига риоя қилганларнинг ҳаёти шундайдир. Аллоҳ ёмон феълларни тарқ этиб, яхши феъл-атвор билан нақшланган ва гўзал амаллар аддо этганларнинг мукофотларини албатта беради.

Гувоҳ бўлганим улфатчиликдаги адашганларга бундай мукофот насиб этмади, афсус... Билишимча, улар аразлаб кейинги йигинга келмабдилар. Улар

дебдиларки: «Бизнинг ичишимиз билан уларнинг нима ишлари бор, ароқни ўз пулимизга олсак, ичиб, уларни урмасак, сўкмасак... » Диллари бу қадар қотиб кетган экан, фосиқлик либосига бу қадар чирмавишиб ўраниб олган эканлар... Аллоҳ инсоф берсин уларга.

Ҳеч бири мизга сир эмаским, адашган бандалар орасида ўзимиз учун энг ардоқли бўлмиш инсонлар – бировимизнинг ота-онамиз, бировимизнинг оға-иниларимиз, яна бировимизнинг яқин ёки узоқроқ қариндошимиз, кўшнимиз, ҳамкасбимиз... ҳам бор. Эҳтимол улар ҳидоятдан адашганларини биларлар, эҳтимолки, билмаслар. Билмаганларга билдириб қўйиш вазифамиз эмасми? Эҳтимол улар иймонсизлик жаридан қутулмоқчилару аммо тўғри йўлга чиқишга кучлари етмаётгандир. Уларга ёрдам қўлинни узатиб, иймонсизликдан қутулишга кўмаклашиш бурчимиз эмасми?

Айрим майхўрлар нодонликларини оқлаш учун ўзларича фатволар ҳам топиб олишади. Бири дейдики: «Умар Хайём «май ич, оқилу доно билан ич» деб айтган». Ҳа, улуғ донишманднинг шундай сатри бор. Лекин «май» кўчма маънода келяпти, яъни илм олишга даъат этиляпти. Сатрнинг асл маъноси: «Олим ва донолар сухбатидан баҳраманд бўлиб илм эгалла!» Яна бири дейдики: «Ибн Сино «Май мастга душману ҳушёрга ёрдир, ози тарёқ, кўпи бир захри мордир» деган, демак, оз-оз ичишнинг фойдаси бор экан». Бу борада ҳам нодонлар янгилишадилар. Тўғри, қадим адабиётида бунга ўхшаш гаплар бор. Масалан, «Қобуснома»да «Гарчи бир ҳол била шароб

ичар бўлсанг, ичмак расмини билғил, нединким, агар билмай ичсанг – заҳардур, уни билиб ичсанг – позаҳардур», деган сатрларни учратамиз. Ҳазрат Навоийнинг Ҳусайн Бойқарога йўллаган мактубла-рида: «Аллоҳ таоло ичкиликдан тийинишни ўзи на-сиб этсин, деб умид қиласиз. Агар, ичкилик истеъ-мол қилгандан сўнг ухламоқчи бўлинса, албатта пешиндан олдин бўлмаса. Икки намоз орасида шуни йўлга қўйилсаки, белгиланган вақтда ухлан-са, тонг намозини ўқиши вақти ўтиб кетмаса... Маж-лис қуриб чоғир ичишга кўп берилмасангиз, агар аҳёнда зарурат туфайли ичишга тўғри келиб қолса, хизматчиларга тайинлаб қўйилса-ки, даврага айт-илмаган киши мутлақо иштирок этмаса... » деган насиҳатларни ўқиймиз.

Аввали шуки, бу насиҳатлар хос бир кишига қаратилган ва бошқаларга фатво бўла олмайди.

Ҳаром дунёсидаги энг қабиҳ иллат – ичкиликбоз-лик зарари тўғрисида, гиёҳвандлик балоси ҳақида уламолар ҳам, дунёвий олимлар ҳам тинмай гапи-ришади. Ҳукумат томонидан чоралар белгиланади. Лекин ижобий натижадан ҳали узоқдамиз. Чунки бу иллатни ҳукумат қарорлари билангина тузатиб бўлмайди. Уламоларнинг насиҳатлари ҳам кифоя эмас. Қачонки, ҳар бир инсон биродарини ҳаромлик ботқофидан суғуриб олишга киришмас экан, «ички-лик туфайли жиноятчилик кўпайиб кетди, ёшлари-миз бузилиб кетишаپти», деб додвой қилиб юраве-рамиз. Ҳозир ресторонлар, дискотекалар... кўпай-гандан кўпайди. Мени икки нарса ажаблантиради: биринчиси, ресторанда кечқурун ароқхўрлик, ма-

ишат қилинади, тонгда эса шу ерда амри маъруф, наҳий мункар?! Иккинчидан, ресторонларнинг номлари ҳам ғоят жозибали: «Улугбек», «Хувайдо», «Беруний», «Меърож», «Кавсар»... Ҳаром ичимликка «Умар Ҳайём» номининг берилиши-чи? Менингча, ҳар нарсага ўзига муносаб ном берилгани яхши.

Кейинги йилларда айрим одамларнинг Европага интилишлари кучайди. Тўғри, Европадан ўрганадиган нарсаларимиз бор, масалан, илмга муносабат... Лекин маънавият ва маданият бобида бу ҳаракатдан сақланганимиз дуруст. Бу ҳақиқатни ўтган асрларда ёқ донишманлар англаб етганлар. Ҳинд адиби Рабиндранат Тҳакур 1941 йилда ёзган эди: «Бир кун келарки, тақдир карвонининг бурилиш пайти инглизларни ўзларига қарашли Ҳиндистон империясини ташлаб кетишга мажбур қилас. Лекин уларнинг қолдириб кетадиган Ҳиндистони қандай Ҳиндистон бўларкин? Улар қандай мудхиш қашшоқликни мерос қолдираркинлар? Уларнинг бир асрдан кўпроқ давом қилган хукмронлик тўлқинлари пасайганда қанча балчиғу қанча вайроналар қоларкин? Ёшлиқ чоғимда мен маданият бешиги бўлиш Европа пешонасига ёзилган, деб астойдил ишониб юрадим. Лекин бугун ҳаёт билан видолашаётган кунларимда бу ишончим йўқолди... Ҳозир мен сўнгги саёҳатимга тайёргарлик кўряпман. Мен ўзимдан кейин нималарни қолдираман? Кулбаи вайроналар, бир замонлар ғурур манбаи бўлган маданият қолдиқлариними? Лекин инсонга ишонмаслик жуда катта гуноҳ, бинобарин, бундай гуноҳ ишга қўлим бормайди! Катаклизмдан кейин,

муҳит тозалангандан кейин доғ тегмаган янги тарих саҳифаси бошланишига ва тонг Шарқдан, қуёш чиқадиган жойдан бошланишига иймоним комил».

Ичкилик ва гиёхвандлик вабоси дунёни еб адоқиляпти. Қаранг-а, бир йилда Европада 105 миллиард АҚШ доллари маст қилувчи ичимликларга сарфланар экан. Бу Ер юзидаги барча аҳолининг тоза ичимлик сув билан таъминланиши учун сарфланаётган маблағдан ўн марта кўп демакдир. 2009 йилдаги иқтисодий бухрон чоғида Европадаги сармоядорлар пиво ичиш камайганидан ғоят ташвишланишди. У томонларнинг инсофга киришига кўзимиз етмайди. Мен бу ўринда энди катталарга ҳам мурожаат этаман: ўзимизга қараб, болаларни, ёшларни тўғри тарбиялашга кўпроқ аҳамият бермасак, Европа аҳволига тушиб қолишимиҳ ҳеч гап эмас. Маълумотларга қараганда, спиртли ичимлик ичиш бўйича Ўзбекистон Европадан анча орқада экан. Сиёсатчилар тили билан айтганда, Ўзбекистон хушёр мамлакат саналаркан (Худога шукр!). Европада спиртли ичимлик бир кишига йилда 14 литр атрофида, Ўзбекистонда эса 2 литр атрофида тўғри келар экан. Бу рақамни янада пастга туширсак, юртимиз янада тараққий этади, янада обод бўлади. Олимларнинг маълумотларига қараганда, қайсики мамлакатда ароқ киши бошига 8 литрдан ошса, бу юрт таназзулга юз тутар экан. Бу рақамга эътиборсиз қарамаслик керак.

Ичкилик ва қиморга мубтало бўлганлар ўзлари-га ўзлари сунқасд қиласидилар. Маст ҳолда фалокаттага учраб ўлган кишиларга жаноза ўқилмаслигига ай-

рим уламоларимиз фатво берганлар. Ҳуқук идоралари содир этилган жиноятларни таҳлил қиласидилар. Таҳлилларида «мастлик оқибатида содир этилган» деган алоҳида банд бор. Шунга кўра, оғир жиноятларнинг кўпи айни маст ҳолда содир этилар экан.

Одамийликни бир муazzам сарой десак, унинг ичига кирмоқ учун юриб бориш керак, балки тиконзорни яланг оёқ кечиб ўтишга тўғри келар. Одамийлик саройига ҳам сизу бизни бирор кўтариб олиб кирмайди. Бобур Мирзо таъкид этганларидек, эшикни астойдил қоққан одамларгина кирадилар. Асалариларнинг қўриқчилари ёмон жойга қўнган асалариларни уяга қўймас эканлар. Шунга кўра, одамийлик саройига оғзидан ароқ ҳиди гупуриб турганлар қўйилмайдилар. Уларнинг жойлари комил инсонлар роҳатда яшайдиган саодат саройи эмас, шайтон кулбаси бўлиб қолади.

Одамийликнинг саодат саройига кирмоқ мушкул, аммо ундан чиқиш осондир. «Ёмонликлар онаси»дан юз ўгириб, ҳидоят онасига фарзанд бўлмоқлик барчаларимизга насиб этсин.

ЗУЛМАТ САЛТАНАТИ

Зулмат салтанати... Бу салтанат бошқа сайёрада жойлашмаган, эртаклардаги хаёл маҳсули ҳам эмас. Бу салтанат сиз билан биз яшаётган она Ер куррасида. Бу салтанатнинг ўз сultonлари, ўз қироллари, ўз баронлари ва фуқаролари бор. Бу зулмат салтанати йигирманчи асрда кучга кириб, Ер куррасини мўр-малаҳдай босди. Фашизм, коммунизм сингари

тузумлар йўқ бўлди. Бу салтанат эса сиёсий зилзилалардан фойдаланиб, куч олаверди. Фуқаролари сони тобора ошаверди ва афсусларким, ҳануз ошиб бормоқда. Султонлари ва қироллари эса ер юзидағи энг бой одамларга айланишмоқда. Мазкур салтанат киши кўзига дастлаб зулмат бўлиб кўринмайди, аксинча, сехрли туюлган домига тобора кўплаб ёшларни тортаверади. Ҳа, бу лаънати салтанатнинг сирти кўзни олар даражада жилва қиласди. Салтанат чегараси босиб ўтилгани ҳамон эса одам ўзини зулмат қучоғида кўради, ўлим тўрлари оёқларига чирмаша бошласа-да, ўзини жилва ҳукмига топшириб, кулфат сари бораётганини англамайди. Бу зулмат тўрлари ёш вужудни шу даражада чирмаб ташлайди-ки, ундан қутулиш оғир, жуда-жуда машаққатли бўлади.

Биз мажозий маънода «зулмат салтанати» деб атадик. Халқ эса оддийгина қилиб буни «гиёхвандлик» дейди (*илмий-расмий адабиётда «наркотизм», «наркомания» дейишга одатланишган*).

Фарзанд туғилганида нақадар қувонамиз. Тетапоя қилаётган гўдак йиқилса юрагимиз қинидан чиқиб кетай дейди. Фарзандимизнинг оёғига зирачча кириб, йиғласа, бу зирачча гўё қалбимизга санчилгандай бўлиб, зириллатади. Умид билан ўстирамиз фарзандларимизни. Кўзга кўрингувчи барча фалокатлардан асрашга уринамиз. Аммо боши узра зулмат салтанатнинг ўлим ёмғири ёғдирувчи аянчли булутлари сузиб юрганини кўрмаймиз. Бу булутлоқайд ота-оналарнинг фарзандларини таъқиб этади. Авваллари совчилар куёв боланинг маълумоти,

ароқ ичиши ёки ичмаслиги билан қизиқардилар. Ҳозир «қуруғидан тортмайдими?», «нашаванд (ёки гиёхванд) эмасми?» деган хавотир билан суриштирадилар. Ўғлининг бу иллатга чалиниб қолганини билган ота-оналар «уйланганидан кейин яхши бўлиб кетади», деган умидда ҳақиқатни яширадилар. Оқибатда эса... ёш оила кўп ўтмай бузилиб кетади.

Хўш, гиёхвандлик нима ўзи? Тиббий касалликми ё ижтимоий хасталикми? Унинг чеку чегараси мавжудми, унга қарши восита борми? Ароқхўрлик билан гиёхвандликнинг қандай фарқи бор?

Ёмонлик, гуноҳ нуқтаи назаридан иккови ҳам бир гўр. Икковининг оқибати ҳалокат билан якунланади. Бошланиши ҳам ўхшайди, бири пиво хўплаш билан, иккинчиси бир марта наша тортиш ёки кукун ҳидлаш билан бошланади. Икковининг панжаси оқибатда ажал панжасига айланади. Фарқи шундаки, ароқхўр атрофидагилардан иллатини яшира олмайди. Ичимликни дўкондан сотиб олади, ҳамманинг кўз олдида ичади, мастилиги ҳам кўриниб туради. Ҳаммаси очик-равшан бўлгани учун бу хасталикнинг олдини олиш мумкин. Гиёхвандлик эса аксинча – барча ишлар ҳуфёна, яширинча. Афюн беркитиқча сотиб олинади. Одамлар кўринмайдиган жойда томирга игна санчилади. Микдори ошиб кетиб ўлиб қолса ҳам бирор билмай, жасад қаровсиз ётаверади. Бу иллатлар одамнинг ўзига зарар етказишидан ташқари жиноят эшикларини очади, жамиятни беҳаловат қиласади.

Гиёхвандликнинг бошланиши тиббий касаллик бўлмаса-да, уни тиббий жиҳатдан даволашга ури-

нишлар бор. Гиёхвандлик маълум бир ижтимоий тузум келтириб чиқарган хасталик ҳам дея олмаймиз. Чунки бу хасталик эндиликда барча жамиятларда илдиз отган. Шу боис бу касалликни ижтимоий муаммолар қаторида даволашга интилиш бор. Бизнингча, хасталикни келтириб чиқарувчи омилларни маънавий тарбия соҳасидаги ожизликтан излаш керак. Бу жараёнда ёш йигит ёки қизнинг иродаси заифлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик зарур.

Гиёхвандлик – ўлим ва ҳаёт орасидаги кўз илғамас чегарадир. Яхши тарбия кўрмаган одамнинг бу чегарани бузиб ўтиши эса қийин эмас. Аммо... ортга қайтмоқ мушкул. Иродаси заиф одам учун ғоятда қийин.

Бу салтанат сари қўйилган биринчи қадам... Ёшлар давра қурганларида улар орасида бир-икки нашаванд бўлса кифоя. «Битта тортиб кўрсам ҳеч нима қилмайди», деган фикр ўлим жари сари дастлабки қадамни ташлашга унрайди. Баъзан «битта тортиб кўришдан» бўйин товлаган болани кўрқоқликда айблашади ва у мардлигини исбот қилиш учун ҳам нашани чекади. Боланинг умри ни хазон қилиш учун ана шу «битта тортиб кўриш» кифоя. Эртага хумори тутади. Сўнг ўзи излай бошлайди. Давраларда ҳозир наша чекиш ўрнига афюн кукунини ҳидлаш одат бўлган. Ҳар ҳолда нашанинг тутуни ва ҳиди ошкор қилиб қўйиши эҳтимоли бор, кукундан эса пинҳона равишда, истаган жойда ва истаган вақтда роҳатланавериши мумкин.

Аёллар қамоқхонасидаги учрашувимизда бир синглиминдеги ўтмишини афсус билан тилга олган эди: «Наша чекишни болаларча ҳавас деб ўйлардим. Бир-икки чекиш заарсиз, деб ўйлардим. Бир-икки чеккандан сўнг эса ўзимни тўхтата олмай қолдим. Йигирма ёшимда нашанинг кайфи етарли бўлмай, афюнга ўтдим. Оқибатда болам туғилди-ю кўп яшамади. Эрим ҳам ўзимга ўхшаган гиёхванд эди. Аввалига у дори топиш илинжида ўғирлик қилиб, қамалиб кетди. Мен ҳамма нарсадан жудо бўлдим. Дунё кўзимга қоронғу бўлиб кўринди. Дори топиш учун мен ҳам ўғирлик қилдим. Илгари мени сархуш қилган кайфдан энди нафратланаман».

Бу афсус, бу нафрат кучи қанча экан? Қамоқдан чиқиб келиб, остона ҳатлаши билан эридан «дори борми?» деб сўради. Дори бор эди. Нафрат ҳам, афсус ҳам чекинди. Кўп ўтмай у яна озодликдан маҳрум этилди. Яна афсус...

Унинг ёнидаги ёш жувон ҳам афсусини яширмайди. Нима учун қамалгани сўралса «дори ўғирлаётган эдим», дейди. Қандай дори? Бирон оғир хастанинг дардига даво излаган эдими? Ҳа, оғир хастанинг... Оғир хаста – унинг ўзи! «Дори» эса – афюн. Унинг номлари ҳам, турлари ҳам кўп...

Бу жувонни бундай пасткашликка нима даъват этди? Ўн саккиз ёшида Термиз шаҳридан пойтахтга келиб ўқишига кирганида орзулари бўлакча эди. Икки йил аъло ўқиди. Баҳорда дўсту дугоналари билан тоғ сайрига чиқди. Наша чекиш қандай бўлишини ўшанда билди. Ана шу бир неча дақиқалик қизиқиши, шу қизиқиши олдида ўзини жиловлай ол-

маслик, иродасизлик уни тубсиз жарга қулатди. Ўқиши ташлаб, турмушга чикди. Ҳомиладор бўлди. Аммо тўққиз ойлик орзуси кафанга бурканди - боласи ўлик туғилди.

Кимдир ўлик бола туғади. Кимдир эса оналик хукуқидан маҳрум этилади. «Оналик хукуқи» деб аталмиш улуғ унвондан, бебаҳо шарафдан маҳрум этилмоқлиқ... нақадар даҳшат! Бу даҳшат балки ёшлик йиллари унча сезилмас, аммо элликни қоралаган аёлнинг фарзандларидан тирик ҳолда ажралиши оқибати тортаётган азобларига ўзим гувоҳ бўлдим. Тўрт марта қамалган бу аёл ҳам афуссланади. Наша чека бошлаган ўн олти ёшли дамларини лаънат билан эслайди. Ўзини оғир ва бедаво хаста деб ҳисоблайди. Суяклари зир-зир қақшайди. Устига устак вос-вос касалига ҳам йўлиққан. Турли шарпалар уни ҳамиша таъқиб этади. Ҳукм адоғига етиб, қамоқдан чиққач уни ким бағрига олади? Ким унга меҳр кўргазади? «Онадан меҳр кўрмай ўсган, болалик чоқларидәёқ онадан тириклайнин жудо бўлган фарзандлар унга меҳр беради», деб ким ишонч билан айти олади?

Тиббий кузатишлар шуни кўрсатади-ки, гиёҳвандлик чегарасини бузиб ўтиш фақат «ёшлик-бебошлиқ» оқибати эмас. Баъзан ён-атрофдаги одамларнинг нотўғри маслаҳатлари ҳам бу йўлга ундан қўяди. Бир аёл фарзанд кўргач, икки оёғи шол бўлиб қолади. Кўшнисининг маслаҳати билан шифо умидида кўкнори эзиз ичаверади. Ҳалқ орасида кўкнори шифо сифатида тилга олинади. Аммо бу ҳақда «Ози - тарёб, кўпи - заҳри мор» деган макол

ҳам мавжуд. Яъни ҳар қандай дорининг ози шифо беради, аммо кўпи илон захри каби ўлимга рўбарў қилади. Шифонинг бундай тури ўзбошимчалик билан амалга оширилмайди, ўтмишда ҳам табиблар кузатувида меъёрда берилган.

Қорақалпоғистонлик бир жувон қизлик маҳали хасталанганида онаси кўкнорини эзисб ичираверган. Бечора онаизор... омилик билан қилган иши оқибатида қизининг гиёҳванд бўлиб кетиши, баҳтсизлик ботқоғига ботишини ўшанда ўйлабдими экан? Яна бир аёлнинг эри ва қизлари автомобиль ҳалокатида нобуд бўлишгач, у афюндан нажот топмоқчи бўлди. Орадан икки йил ўтиб, ҳожатхонада билагига дори юбораётганда ўлим топди... Шифо марказидаги бир йигитни «ҳали ўттизга кирмаган», дейишса ишонмабман. Беш йил аввал тушган суратини кўрсатиши. Тоғни урса талқон қиладиган бақувват йигит... энди эса қуруқ суяқ қолган, десам муболаға бўлмас. Бармоқлар қалтирайди. Кўзларни ҳаёт қувончини ифодаловчи нур тарқ этган. Беш йил аввал оила можароларидан билак томирига афюн юборган. Можароларни унуган-у, аммо оилани бутунлай барбод этишни бошлаганини, ўзини эса хорликка ўзи ҳукм қилганини фаҳм этмаган. Буни орадан йиллар ўтиб англаған. Англаған-у... Нима, энди кечми? Энди ортга йўл йўқми? Йўл бор. Умид ҳам бор. Бу йигитни шу умид ҳаётда ушлаб турибди.

Биз алкоголь, яъни майхўрликка кўникиб қолганмиз. Кўчада маст-аласт думалаб ётган ёки

чайқалиб юрган одамлар бизни айтарли ажаблантиrmай қўйган. Уларни даволаш масканлари борлиги ҳам маълум. Лекин гиёҳвандлар-чи? Юқорида айтганимдек, улар кўчаларда ағанаб ётишмайди, чайқалиб, гандираклаб юришмайди. Уларнинг фолияти барчанинг назаридан четда. Барча ишлари яширин. Ҳаёт ўз маромида давом этади. Ҳаётнинг лаззатини ҳар ким ҳар нарсада кўради. Бирор китоб ўқиб, бирор кўп пул топиб лаззатланади. Бирор спортда, бирор меҳнатда баҳтини топиб, хузурланади. Яна бирор эса ҳаётнинг маъносини эм игнасида билак томирига юбориладиган қорадорида, чекадиган нашада ёки ҳидлайдиган афюн кукунида деб билади.

Гиёҳвандлик кишини жиноятга бошлишидан ташқари турли касалликларга ҳам сабаб бўлади. XX аср вабоси ҳисобланган СПИДнинг пайдо бўлиши, олам аро тез тарқашида гиёҳвандликнинг ҳиссаси катта экани сир эмас. Руҳий хасталиклар ва наслнинг бузилиши каби иллатлар назарга олинса, гиёҳвандликдан фақат битта шахс ёки оила жабр тортмайди, балки унинг касридан жамият озор чекишини яна таъкидлаймиз.

Баъзилар «гиёҳвандликнинг давоси йўқ», деб ўйлашади. Бу бадбин фикрга қўшилиш мумкин эмас. Шифога астойдил қасд қилинса муддаога етилади. Бунда тиббий дорилардан ташқари беморнинг **ирода** **кучини** чиниктиришга алоҳида эътибор бериш керак. Энг муҳими – bemornining оила аъзолари, қариндошлари, қўшнилари, дўстлари унга алоҳида меҳр билан муносабатда бўлишлари шарт.

Шифоланиш жараёнида бемор меҳрга ғоят ташна бўлади. Биз қўпинча тилимизда «гиёҳвандликка қарши кураш» деган иборасини қўллаймиз. Умумий томондан тўғридир, аммо шифо умидидаги гиёҳвандга бу «кураш» атамаси мутлақо ноўриндир. Энди у билан курашилмайди, балки гиёҳвандлик ботқоғидан қутулиб чиқишига ёрдам берилади. Боласининг гиёҳванд бўлиб қолганини билган отанинг ғазабланиши табиий, эҳтимол дўップослаб урад ёки уйга қамаб ҳам қўяр. Хўш, бундан бирон наф борми? Йўқ. Болага яхши муомала қилиш керак. Тўғри, бола бундай яхши муомалани суиистеъмол қилас, қилиғини давом эттиришга уринар, ёлғон гапирап... Ота-она, қариндошлар бу ҳолда тушкунликка тушмай, тиббий шифо баробаринда маънавий томондан даволашни событлик ила давом эттиришлари зарур.

Гиёҳвандлик йўлига тўсиқ қўйиш расмий идораларнинггина вазифаси эмас. Агар бирон ерни сел босиши эҳтимоли бўлса, «бу иш қурилиш ташкилотининг иши», деб қараб турилмайди. Бутун қишлоқ ёки шаҳар аҳли кўтарилади. Гиёҳвандлик сели табиий селдан ҳам хатарлироқ бўлатуриб, нима учун жамиятда бу ҳолга лоқайд қарайдиганларни учратамиз? Жиноятчиликка доир рисолага маълумотлар тўплаш чоғида бир мактабда ва яна бир маҳаллада кичик тадқиқот ўтказган эдим. Маълум бўлди-ки, ёшлар гиёҳвандлик, унинг келиб чиқиши, зарари ҳақида етарли маълумотга эга эмаслар. Маҳалла гузарида ўтириб олиб карта ўйинидан бўшамайдиган ёши улуғлар эса бундан-да баттарлар.

Гиёхвандликнинг пайдо бўлиш тарихидан деярли бехабарлар. Турларини умумий тарзда биладилар. Нархларини бутунлай билмайдилар. Неча грамм афюон боланинг қамоқقا тушиб қолишига асос бўлишини ҳам билмайдилар. «Афюон моддаларининг жиноят иши қўзғатиш учун белгиланган миқдори» ҳақида қабул қилинган қарорга кўра, жиноят иши очиш учун боладан (ёки каттадан) 0,0001 грамм герон ёки 0,01 грамм морфин топилишининг ўзи кифоя қилинишини айтсак, «йўғ-е!» деб ажабланишади. Гиёхванд хумори тутиб талvasага тушганида қандай ваҳшийликларга қодир эканини тасаввур қила олмайдилар. Содир этилаётган ҳар уч қотилликнинг бири гиёхвандлик оқибатида экани, дунё бўйича гиёхвандларнинг сони эллик миллиондан ошиб кетгани уларни ташвишга солмайди. «Маҳаллада гиёхвандлар борми? Бўлса, уларни қандай тарбия қилиш мумкин?» деган саволга маҳалла гузарида доимий равишда ўтирувчи қариялар елка қисиб кўя қолишли. Савол такрорлангач, «тарбия қиласиган ота-онаси бор», деб қўйишиди.

Кечки пайт мактабнинг ҳожатхонасида наша чекиб ўтирган болаларни ушлаб, маҳалла идорасига олиб келишган. Икки боланинг ота-онаси келиб, узр айтиб, фарзандларини олиб кетишган. Учинчи-си эса келмаган. Телефондаги қайта-қайта чорловга жавобан: «Ўғлимнинг наша чекишини биламан. Бу йўлдан қайтара олмайман. Қамасаларинг қамаб юбораверинглар, менга бунақа боланинг кераги йўқ, оқ қилдим!» деган жавоб олинди. Болани оқ қилиш осон. Аммо бу билан ота ва онанинг жами-

ят олдидағи масъулияти соқит қилинмайды. Диний томондан олиб қараптанды ҳам, ота-она боласининг жинояти учун жавобгардир.

Касални яширсанг, иситмаси ошкор қиласы, деңгән нақл бор. Гиёхвандлик фақат битта ёки бешүнта мамлакатлардаги хасталик эмас. Давлат чегараларини ҳам, ижтимоий тузумларни ҳам, маълум тузумларга доир ғояларни ҳам тан олмайды. Собиқ иттифоқ даврида гиёхвандлик «капитализм меваси» деб қараптар эди. Коммунистлар тузумида бундай хасталик урчиб, күпайиши мумкин эмас, деб дунёни ишонтирмоқчи бўлишди. Ўша дамларда (яъни ўтган асрнинг саксонинчи йилларида) АҚШ аҳолисининг 30 фоизи гиёхванд моддалардан фойдаланаарди, Германия, Франция, Англияда бу хасталик авж олган кезларда «коммунизм қураётган ёш авлод» орасида гиёхвандлик тез суръатлар билан тарқалаётгани яширилди. Оқибат шу бўлди-ки, гиёхвандлик советларнинг европа қисмидаги мактабларига қадар кириб келди. Мактабларнинг ертўлалари, томлари гиёхвандларнинг маҳфий қароргоҳларига айланди. Бу хасталик хавфи ҳақида гапира бошланганида кўп нарсалар бой берилган эди. Детектив жанрида ижод қилувчи адиларнинг 1990 йилдаги йиғилишидан сўнг бизни Москва шаҳридаги шундай мактаблардан бирига олиб боришган эди. 13 – 14 ёшдаги болалар гиёхвандга айланиб бўлишган. Улар «Уруш ва тинчлик» романини Толстой ёзганми ёки Пушкини – билишмайди. Аммо афюн моддаларнинг турларини, таъсир кучини, кайфдаги фаркини, нархини аниқ билишади. Бу болалар ҳеч нима билан

қизиқишмайди. Уларга китобнинг ҳам, кинонинг ҳам, спортнинг ҳам қизиги йўқ. Уларнинг асосий ташвиши – вақтида афюнни топиш. Хумор талвасаси бошланганида ўзларини қўйгани жой тополмай қолишиади. Ҳатто ўзларининг томирларини кесиб ташлашади ёки тишлаб-тишлаб узишади...

Москва телевидениеси кўрсатувларидан маълумки, бундан 25 йил аввалги аянчли аҳвол яхши томонга ўзгармабди. Яқин ўтмишни, ўзга мамлакат пойтахтидаги аҳволни нима учун эслаяпмиз? Шукурки, бизнинг юртимизда гиёҳвандлик даражаси у томонлардагига нисбатан анча паст. Бизда гиёҳвандликка қарши кураш давлат миқёсида жиддий ва кескин олиб борилади. Ҳуқуқ идоралининг бу борадаги ишларини алоҳида таъкидлаш керак. Лекин гап шундаки, ён-атрофдаги мамлакатларда гиёҳвандлик авжга чиқар экан, уларнинг хавфи ҳам ошади. Гиёҳвандлик юқумли касал кабидир. Кураш сал сусайдими, катта ҳудудларни тезлик билан қамраб олади. Ҳамдўстлик мамлакатлар қаторидаги Украина бугунги кунда СПИДнинг тарқалиш тезлиги бўйича дунёда «илгорлар»дан саналади. СПИД билан гиёҳвандликнинг ўсиш суръати эса ҳамиша teng юради. Дунё бўйича қаралганда, СПИДга чалинган ҳар икки одамнинг бири гиёҳванд экани ғоят ташвишли ҳолдир. Шундай экан, Киевнинг қайси бир мактаби ертўласида болалар билак томирларига қорадори юборар эканлар, биз бунда хотиржам ва беташвиш яшай олмаймиз.

Ҳар бир гиёҳванд сиртдан ювош кўринса-да, ён-атрофдагиларни бу хасталикка даъват этув-

чи, бу оғуни тарқатиш билан шуғулланувчи жи-
ноятчига айланиши ҳеч гап эмас. Шу сабабли ҳам
гиёхванднинг доимий назорат остида бўлиши жуда
муҳимдир.

Ўсмирларни дунёга машҳур спортчилар ёки
санъаткорлар ўзига мафтун қиласиди. Бундай ўсмир
ўша машҳур кимсага кўр-кўрона тақлид қила бош-
лайди. Не ғамки, ҳозир профессионал спортда
«допинг»дан бошлаб, сўнг аргентиналик машҳур
футболчи, эндиликда тренер Марадонага ўхшаб
ашаддий гиёхванд бўлиб кетганлар кўп. Спорт
оламида-ку, бу ҳолга қарши кураш мавжуд. Аммо
санъатда гиёхвандларга тўсик йўқ. Бугун саҳнада
бемаъни ҳаракатлари билан ёшларни ўзига жалб
қилаётган гиёхванд санъаткордан муҳлислари бу
иллатни ҳам юқтириб олишлари мумкин эмасми?
Гиёхвандликдан ўлим топган Майкл Жексон каби
санъаткорларнинг ҳалокати ёшларга таъсир этади-
ми?

Зулмат салтанатининг сultonлари, қироллари,
баронлари бор дедим. Ҳа, шундай. Лекин улар зул-
матда яшириниб яшамайдилар. Башанг кийиниб
юрадилар. Базмларда хонимларга лутф кўргазиб,
юксак маданият намуналарини намойиш этадилар.
Улар минглаб ёш жонларнинг ўлимига сабаб бўлса-
лар-да, қўлларида қон кўрмайсиз. Улар ўзларини
қотил санамайдилар. Афсусли ери шундаки, дунё
жиноят кодексларида ҳам уларга қотиллик айби
қўйилмайди. «Афюнфуруш» айби билан қамоқقا
олинадилар. Афғонистон, Покистон, Колумбия каби
мамлакатлар ҳамиша уларнинг диққат марказида.

Бу мамлакатлар деҳқонларининг асосий даромадлари айни шу афюн етиширишда. Илм-фан ри-вожининг ижобий самаралари билан бирга салбий томонлари ҳам кўриняпти. Ҳозир афюнфурушлар кўкноризорлар билан кифояланмайдилар. Кимё-гарлар уларга наркотик моддаларнинг турли-турли хилларини кашф этиб беришяпти. Яширин кимё-вий лабораториялар дунёning кўп мамлакатларида иш олиб боряпти. Энди германиялик афюнфурушлар Афғонистонга қараб қолишгани йўқ. Берлиндами ё Мюнхендами яширин ишлаётган лабораториялар уларга қанот бўляпти. Билиш жоизки, кимёвий афюн табиийсига нисбатан анча хавфли, унга ўрганиш, яъни домига тушиш ҳам осонроқ.

Эрон ва Покистон гиёҳвандликка, хусусан афюн етиширишга қарши қаттиқ кураш бошлагач, Европа афюнфурушларининг асосий эътиборлари энди нотинч Афғонистон ва Марказий Осиёга қаратилди. Уларнинг режасича, Марказий Осиё Афғонистондан оқиб келувчи афюн моддаларни Европага олиб ўтишда бир даҳлиз вазифасини ўташи керак эди. Ундан ташқари бу ерларда, хусусан Қирғизистонда ёввойи тарзда ўсувчи нашазорлар катта бойлик манбаи эди. Ўзбекистонда бу ҳолга қарши жиддий кураш олиб борилмаганида, эҳтимол, улар муддаоларига осонгина эришар эдилар.

Афюнни Марказий Осиё орқали олиб ўтишга ҳали ҳам барҳам берилгани йўқ. Кўнгилни хира қиласигани жойи шуки, барча афюн тўлалиги-ча олиб кетилмайди, маълум миқдори Марказий Осиё жумҳуриятларидаги гиёҳвандлар учун

қолдирилади. Жаҳон кузатувчиларининг маълумотига қараганда, Марказий Осиёдаги гиёҳвандлар бир йилда ўн бир тонна (!) афюн истеъмол қиласар эканлар. Бу даҳшатли рақам ҳар бир одамнинг юрагини ларзага келтириши табиий!

Гиёҳвандликнинг тиббий касалликка айланишини кўпчилик билмаслигини инобатга олиб, бу хусусда ҳам тўхталишни лозим топдим.

Гиёҳвандликнинг касаллик сифатида вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиши уч асосий аломат: руҳий боғлиқлик, жисмоний боғлиқлик (бунинг асосий кўриниши илмий тилда «абстинентив синдром» деб ҳисобланади; «синдром» – келиб чиқиши умумий бўлган ва вужуднинг оғрикли ҳолатини ифодаловчи белгиларнинг мос келиши) ва ўзгарган толерантлик (реактивлик)нинг пайдо бўлиши («толерантлик» – атамаси «чиdamлилик» маъносини англатади), кучайиши ва мустаҳкамланиши билан тавсифланади.

Афюн истеъмол қилиш кўпгина ҳолларда ўзига хос бўлган руҳий ҳолат – эйфорияни келтириб чиқариш хусусиятига эгадир. Бунда гиёҳванд кайфиятининг яхшилангани, тетиклашгани, кучига куч қўшилганини ҳис қиласи ва ўзини чексиз имкониятларга эга бўлган ҳисоблайди. Баъзан эйфория ҳолатида шахс енгиллик, ўзига хос руҳий мувозанатни ҳам ҳис этади. Қатор ҳолларда эйфория субъектив, ёқимли соматик-вегетатив (жонланиш, ўсиш) ҳислар билан уйғунликда содир бўлади (яъни танага ёқимли иссиқлик ёйилади). Эйфория ҳолатининг жадаллилиги гиёҳвандликнинг шаклла-

ниш тезлигини белгилайди. Эйфориянинг хусусияти ва кучи бир хил эмас, балки афюн воситасининг тури ва сифатига, миқдори (дозаси) ва истеъмол қилиш усулига (чекиш, ҳидлаш, ҳандори (таблетка) ютиш, ёки эм игнасида томирга юборилиши), гиёхванднинг «малакаси» ва ўзига хос хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Афюн мунтазам равишда истеъмол қилинаверилгач, кўп ўтмай, эйфория ҳолати киши учун доимий эҳтиёжга айланади, унда руҳий боғлиқлик (маълум ёқимли туйғуни яна ва яна ҳис қилиш, шунингдек, руҳий азоблардан кутилиш ва ўзи учун қулай бўлган руҳий ҳолатга кириш мақсадида афюн воситасини истеъмол қилишга бўлган онгли ва онгсиз эҳтиёж) ривожланади. Руҳий боғлиқлик бутун руҳий фаолият соҳасини қамраб олади ва ҳар хил кўринишларда намоён бўлади.

Биринчидан, уафюн мунтазам истеъмол қилинган барча ҳолларда (гиёхвандликнинг барча шаклларида) вужудга келади. Иккинчидан, гиёхвандда афюнга ноёб нарсага бўлгани сингари ижобий муносабат мустаҳмланиб боради. Яъни дунёнинг лаззати фақат шунда, деган ишончи кучаяди. Учинчидан, боғлиқлик дастлаб эпизодик равишда (доимий эмас, дамбадам), кейинчалик эса мастилик (кайф) ҳолатини ҳис қилишга бўлган турғун истакрохишида ифодаланади. Тўртинчидан, гиёхванднинг руҳий (психик) турмуши ва бошқа шахслар билан муносабатларини, шунингдек, ижтимоий йўналишини ўзгартиради. Бешинчидан, руҳий боғлиқлик узоқ вақт мобайнида сақланиб қолиб, у афюндан ўзини ти-

йишга бўлган уринишлардан (ремиссия даврлари) сўнг гиёҳванднинг уларни яна истеъмол қилишга қайтишида ҳал қилувчи ўрин тутади.

Гиёҳванд афюнни мунтазам истеъмол қила бошлиганидан сўнг маълум вақт ўтгач, унинг миқдорини оширишга эҳтиёж сезади. Чунки аввалги миқдор олдингидек хузур бахш этмай қўяди. Унинг вужуди заҳарли воситанинг таъсирига мослашади ва кўникади, миядаги алоҳида қисмлар – «комфорт зоналари»нинг афюнни сезувчанлик даражаси пасайиб боради. Афюннинг тобора ошиб борувчи миқдорига вужуднинг (организм) бундай мослашиши «ўзгарган реактивлик синдроми» деб номланади. Жиддий эътибор бериш керак-ки, афюн воситаларидан бирини истеъмол қила бошлаган гиёҳванд «бу ишимга истаган вақтимда барҳам беришим, ўзим хоҳлаган пайтда истеъмол қилишим мумкин», деб ўзини тинчлантиради. Бу ўзини ўзи алдашидан бошқа нарса эмас! Чунки вужудга – қон-қонига афюннинг сингиб кетиши ва таъсирининг тобора пасайиши (толерантликнинг ўсиши) оқибатида гиёҳванд аста-секинлик билан миқдорни ошириб бораётганини ўзи ҳам сезмай қолади. Оқибатда афюнга боғлиқликнинг янада оғирроқ шакли – жисмоний боғлиқлик вужудга келади. «Жисмоний боғлиқлик» деганда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг таърифига кўра, вужуднинг афюнга мослашуви (бошқача айтганда, вужуднинг афюнга қул бўлиши) тушунилади. Бундай ҳол у ёки бу турдаги афюннинг қабул қилиниши тўхтатилганида содир бўладиган интенсив (ортиқ даражада жадал) жисмо-

ний касалликларда намоён бўлади. «Тўхтатиш синдроми» ёки «абстинентив синдром» деб аталадиган бу хасталиклар (кучли бош оғриши, безгак тутиши, қўл-оёқлар суягини қақшатувчи оғриқ) афюннинг моддалар алмашинуvida иштирок этиши ва ушбу восита вужудга киритилмаса, тана аъзоларининг бир меъёрда ишлай олмаслиги туфайли вужудга келади. Абстинентив синдром афюн охирги марта қабул қилинганидан сўнг маълум вақт ўтгач пайдо бўлади. Абстинентив синдром ривожланганида афюнга эҳтиёж эйфория ҳолатига тушиш (яъни ҳузурланиш) мақсадида эмас, балки оғриқ ва азоблардан қутулиш мақсадида вужудга келади. Шунинг учун ҳам гиёҳванд ўзини бу азоб-уқубатлардан ҳалос этадиган афюнни топиш учун ҳар қандай ишга, жумладан, жиноятга қўл уради. Азобдан титраётган пайтда афюнни кўрсатиб, «онангни сўйсанг, шуни оласан», дейилса, бу шартни бажаришга ҳам тайёр руҳий ҳолатга келади.

Гиёҳвандликнинг сўнгги босқичи, одатда, шахснинг ахлоқий ва маънавий таназзули (ижтимоий декомпенсация, оиласаги муносабатларнинг бузилиши, жамият ва қонунда белгиланган қоидаларга риоя қилмаслик) ҳисобланади. Гиёҳвандда бундай таназзул алкоголли ичимликларни суистеъмол қилишдан 15-20 баравар тезроқ вужудга келади.

Баён қилинган фикрлар гиёҳвандлик – касалликдир, деган ягона холосага олиб келади. Зотан, гиёҳвандликнинг кўринишлари ҳамда унга дучор бўлган кишиларанинг хулқ-атворидаги биологик ўзгаришларни фақат мутахассислар, яъни нарколог-

врачларгина аниқлашлари мумкин. Шусабаби жонли тилимизда ва матбуотда ёки ҳуқуқшуносликка доир адабиётларда «гиёҳвандликка қарши кураш» деган иборанинг қўлланилиши, юқорида зикр этганимиздек, тўғри эмас. Модомики, гиёҳвандликни касаллик дедикми, унга қарши курашиш эмас, балки уни даволаш керак.

«Гиёҳванд» деган атамани кўп тилга оламиз, ёзамиз. Шу ўринда ҳам бир нуктага эътибор қаратиш керак: афюнни бир марта истеъмол қилган, орасира оладиган, ҳали бу захри қотилга бутунлай боғланиб қолмаганлар «гиёҳванд», дейилса унча тўғри бўлмайди. «Гиёҳвандлик» воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида айтилганидек, тиббий текширишлар натижаларига кўра ташхис қўйилган шахсига «гиёҳванд» деб аталади. Гиёҳвандлик – эйфорик, тинчлантирувчи, оғриқ қолдирувчи, ухлатадиган, банди қилувчи ёки қўзғатувчи табиий ва синтетик моддаларга патологик (оғир хасталикка) мойил бўлишликни англатади.

Ўсмирлар (вояга, яъни ўн саккиз ёшга етмаганлар) гиёҳвандлиги муаммоси алоҳида масаладир. Афюн моддаларини истеъмол қилишга бўлган ишқибозликнинг бошланиши, шаклланиши, унинг ижтимоий-руҳий механизмлари, руҳий ва жисмоний боғлиқлик динамикасида, «ўсмирлар» ва «катаалар» гиёҳвандлигининг босқичларида ўхшашлик бор, аммо фарқлар ҳам мавжуд.

Вояга етмаганлар гиёҳвандлигининг ўзига хос хусусиятларига: биринчидан, афюнни эрта истеъ-

мол қилиш ёш, ҳали чиниқмаган вужуд учун бир неча баробар хавфлироқ эканлигини, чунки ўсмирнинг ақлий ва жисмоний ривожланишида ҳар хил патологияларнинг вужудга келишига сабаб бўлиши мумкинлигини, бинобарин, киши гиёҳвандликка қанчалик ёш ружу қўйса, бунинг оқибатлари янада даҳшатли бўлишини; иккинчидан, ўсмир вужудининг қаршилик кўрсатиш даражаси пастроқ эканлигини, шунинг учун ҳам уларнинг афюнга тез кўнишишини; учинчидан, афюнга берилиш сабабларининг турлича эканлигини; тўртинчидан, тозароқ бўлгани учун қимматроқ сотиладиган афюн воситаларини сотиб олишга пули етмаганлиги сабабли ҳаёти ва соғлиғи учун хатарли бўлган арzon ва сифатиз моддаларни сотиб олишга мажбуригини киритиш мумкин. Бу эса ўз навбатида касалликнинг оғир кечиши ва рўй берган оқибатларнинг хусусиятларида намоён бўлади.

Ҳозирги вақтда турли соҳа мутахассислари (биринчи галда тиббиёт ва ҳукуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари) давр эпидемияси бўлмиш гиёҳвандликнинг тарқалишидаги асосий хусусиятлардан бири сифатида афюн истеъмол қиласидиган ўсмирлар сонининг кескин ортгани, шунингдек, афюн истеъмол қилишнинг қўйи ёш чегараси (дунё бўйича) 10-12 ёшгача пасайганини қайд этмоқдалар. Наркотик мастилик ҳолати ўсмирлар учун жиноий хулқ-атвор детерминациясининг (умумий алоқадорлик ва сабабий боғланиш) мухим омили эканлиги ҳисобга олинса, бу нафақат тиббий, балки криминологик (жиноятга доир) аҳамиятга

ҳам эга бўлган муҳим муаммо экани ойдинлашади.

Афюн сингари одам вужудига ва руҳиятига салбий зарба берувчи, тафаккурни сусайтирувчи таъсирга эга бўлган кимёвий, биологик моддалар ва дори-дармонлар жуда кўп. Бироқ, улар турли сабабларга кўра (масалан, ижтимоий хавфлилик дарражасининг пастилиги, вужуднинг унга қаттиқ ўрганиб қолмаслиги) афюн воситалари жумласига ҳозирча киритилмаган. Ўша кимёвий дориларни сунистеъмол қилиш «захарвандлик» – «токсикомания» деб аталади. Афюн истеъмол қилиш натижасида юзага келадиган ҳолат – «наркотик мастлик», заҳарвандлик моддаларининг таъсири эса «захарли мастлик» деб номланади. Токсикомания ҳам зарарли ва хатарлидир. Унда ҳам гиёҳвандликдаги сингари боғланиб қолишлиқ ва ўзгарган реактивлик кўринишлари пастроқ даражада бўлса-да ўзини кўрсатади. Даража пастроқ бўлишига қарамай, бу моддаларнинг истеъмол қилиниши оқибатида гиёҳвандликдагидан кам бўлмаган руҳий ва жисмоний бузилишларга олиб келади. Шу сабабдан ҳам мутахассислар заҳарвандлик моддаларининг (токсикант) бир қисми афюн воситаларининг расмий рўйхатига киритилиши шарт, деб ҳисобламоқдалар.

ХХ аср тил бойлигига «наркобизнес» деган атама ҳам пайдо бўлди. Энг ваҳший жиноятлар айнан шу наркобизнес томонидан амалга оширил япти. Жаҳоннинг кўп мамлакатлари, ҳукуқ ва тартибот идоралари уларга қарши ҳамкорликда курашмоқдалар. Ўзбекистон бу ҳамкорлик занжирининг муҳим ҳалқаларидан бирига айланган. Бун-

дан бир неча йил муқаддам Тошкентда ўтказилган Халқаро семинар-кенгаш бу фикрнинг ёрқин далили бўлган эди. БМТ эксперtlари, интерпол зобитлари, божхона ва хавфсизлик хизмати ходимлари, дипломатлардан иборат икки юзга яқин мутахассис афюн моддаларни назорат қилиш бўйича фикр юргизиб, бу соҳадаги Ўзбекистоннинг тажрибасини юқори баҳолаган эдилар.

Наркобизнесга қарши кураш ҳозир авж палласига кирган. Афсусли ери шундаки, бу соҳада мамлакатлар орасида яқдиллик йўқ. Турли мамлакатлар турлича йўл тутишни маъқул кўришяпти. Масалан, Европанинг бир неча давлатлари гиёҳвандларга қарши курашмай, уларга эркинлик яратиб бериш таклифини илгари суряптилар. Бу таклифга кўра, гиёҳвандлик жиноят эмас, гиёҳвандлар тиббий рўйхатда турадилар ва оғир хасталарга доир имтиёзлардан фойдаланадилар, яъни эм игнаси ва қорадори уларга давлат томонидан арzon нарҳда ёки текинга берилади. Билишимча, Швейцарияда бу соҳада амалий ишлар ҳам бошлаб юборилган. У ерлардаги истироҳат боғлари дам олиш куни гиёҳвандлар ихтиёрига берилиб, қорадори ва эм игнаси билан таъминланадилар. Бу усул ўлимни бўйнига олган чорасиз одамнинг аҳволини эслатади ва ёмон оқибатларга олиб келади.

Айrim мамлакатлар афюн моддаларни ишлаб чиқарувчига, тарқатувчига ва истеъмол қилувчига қарши жазо чораларини кучайтирдилар. Айтиш мумкин-ки, аёвсиз чора кўрадиган бўлдилар. Хитой, Эрон ва Покистонда бу жиноятлар учун ўлим

жазоси белгиланди. Шундай бўлишига қарамай, наркобизнеснинг чекингиси йўқ. Покистонда ўлим жазоси жорий қилинганидан кейин ҳам юзга яқин гиёхвандлик лабораториялари аниқланиб, маҳв этилган. Мамлакатдан олинган маълумотларга қараганда, у ерда бир ярим миллион одам қорадори истеъмол қиласди. Бу рақамлар кураш учун жазо чораларининг кучайиши ҳам кифоя этмаслигини кўрсатади.

Бизнингча, бу хасталикнинг давоси – маънавий тарбияда. Оиладаги тарбия қандай ва жамиятда бу борада қандай тарбиявий ишлар олиб бориляпти? Оила бошлиqlари – ота ва она маънавий жиҳатдан қандай даражада? Жамиятдаги маънавий ишлар хўжакўрсинга, юқори идораларга маълумот бериш учунгина қилинмаяптими? Очигини айтсан, шундай ҳоллар ҳам учраб турибди.

Бошқа масалаларда лоқайдлик қилиш узрлидир. Аммо гиёхвандликка қарши курашни қофозлардаги маълумотномаларда олиб бориш зинҳор мумкин эмас. Бу курашда бутун халқнинг биргаликдаги ҳаракати зарур. Ўзбекистонда гиёхвандликка қарши кураш олиб боришнинг яхши намунаси мавжуд. Яъни маҳалла аҳлини тўлалигича жалб этиш. «Битта болага кўни-қўшнилар ҳам ота-онадир», деган ёзилмаган қоидани ҳамма жойда бир хилда жорий бўлиши бу соҳада айниқса қўл келади. Бир куни эрта саҳарда қариялар билан бирга тўйга бораётган эдик. Кўчадага ариқ бўйида ўтирган тўрт йигитча дарров саросимага тушиб, ўринларидан турдилар. Билсак, тонгда наша чекиб ўтирган эканлар.

Қарияларни кўриб, ўзгаришларининг ўзиёқ уларни тарбиялаш мумкин, деган умидни туғдиради. Қайси маҳаллада гиёхвандлар кўпроқ экан, демак, ўша маҳаллада қарияларнинг эътибори суст экан, муҳтарам оқсоқолларимиз буни ҳам ўйлаб кўрсалар чакки бўлмайди.

Гиёхвандлик бир оиланинг ташвиши эмас. Бир маҳалла, бир шаҳар, бир мамлакатнинг ҳам ташвиши эмас. Бу бутунжакон ташвишидир. Полшанинг барча аҳолиси гиёхвандликка қарши курашда якдил эканликларини изҳор этиб, кўчаларга чиқиб қўлни қўлга берибдилар. Бутун Полша бўйлаб жонли ҳалқа ҳосил бўлибди. Бундай жонли ҳалқа бутун жаҳон бўйича қалбан ташкил этилиши керак. Шундагина гиёхвандлик маҳв этилади. Шундагина зулмат салтанати чекинади.

МАЪСУМА

Эри ҳар куни бадмас тэди,
Бироқ, калтакламас тэди ҳар куни.
Икки кунда – бир, балки тўрт кунда...
Бешинчи кунга ўтса, ажабланарди маъсума хотин.
У яшарди эрининг калтаги билан,
Ароқнинг бадбўйига кўмилиб яшайверарди.
Ёқмас тэди бу ҳаёт, лекин чидарди,
Нолимаган ҳатто онасига ҳам.
Ўғли ўртага тушарди,
қўлтириқ қўлларида куч бўлмаса ҳам.
Калтаклардан бенасиб эмасди ўғилгинаси.
Шишиб кетарди баъзан қулоғи,

пешона ғурраси гүёө ҳусндаи...
Үғилгинаси ранжимай,
ўзи қарғамай,
яшайверишарди күпнинг қатори.

Үғил ранжимаса ҳам,
ўзи қарғамаса ҳам,
нивохонадан келди эрнинг ўлиги.

Сассиқ хонада
сассиқ ошнасининг бир мушти билан
кераксиз жонни бера қолибди.

Хотинга юзлаб мушт туширган одам
Битта муштга кўна қолибди.

Кўтариб келдилар
кулфат замбилида
кераксиз бир уом ахлат мисоли.

Қалбда қайғу йўқ, кўзларда нам йўқ.
Мехрибонлар таскин берарлар бир-бир...

Хотинда ғам йўқ.

«Султоним!» деб нидо қилмади,
«Вой тўрам!»га тили келмади,
«Шўргинам қурсин», деди пичирлаб.

... Эрсиз яшайди ўшандан бери,
Ўшандан бери яшар калтаксиз.

Кечалари чўчиб уйғонар,
Эри эшикни тетиб очгандаи гүё.

Суяклари зирқирай бошлиар,
мушт зарбаларини соғиниб.

Үйда тамаки чекилмас,
ароқ ҳиди йўқ.

Тоза ҳавода бўғилаверар,
сиқилаверар юраги.

Ўғил улғайды,
Пешонадан кетди ғурраси,
Андуҳ кетмади юракдан.
«Отангнинг қабрига тош қўй тузукроқ».
«Тош эмас, бир арава
шишани қалашибгайман қабри устига».
«Бунчалар қаҳринг қаттиқ!».
«Менинг эмас, қаҳри қаттиқдир
отамдан қолган ҳаётнинг».
Тош қўйилмади қабрга,
Босиб тураверди
юракни
кулфат тошлари...
Чўкиб кетган эди ароқ тубига
Боланинг болача ширин орзулари.
Яна нима десин?
«Ўлди» деб ачинманг отамга.
Ўлим унга баҳтини берди.
Энди уни хўрламас ҳеч ким,
ароқ топши азоби ҳам тарқ этди уни.
Шиша излаб ахлатларни титиб юрмайди.
У ўлиб кетди, ахир,
биз эса яшаяпмиз
у қолдириб кетган ароқ балчиғининг
сассиқ ҳидларига кўмилиб.
Хотираларимиздан ҳам уфуриб турибди
шу ҳид.
Эҳтимол... дўзах ҳам тўлиб кетгандир
бу ҳидга?»
Онага айтмади бу гапни,
дилини куйдириб турса ҳам.

... Күшни хонада пичирлашар ўғли, келини.
Гап пойлашни муносиб билмас ўзига.
Ўғлининг овози баландласа сал
Юраги қалқиб кетади:
«Отасига ўхшамасин!» -
Худога муножоти шу.
Бирон нима тарақласа
сапчиб туради
келининг ҳимоясига,
Кулоқлари шишиб кетган шапалоқлардан.
Пешонаси ғурра ўғли...
хайриятки,
хотинни урмайди.
Ўғилчасин чертиб ҳам қўймас.
«Шу ҳам ҳаётми?
Шундай яшали мумкинми аёлнинг?» -
Бундай ўй келмас хаёлига.
Фақат... эрини соғинади.
Тамаки ҳиди сингиб кетган эски кўйлаги
ёстиғи остида...
Ичкари хонада пичир-пичир...
Дилгир юраги уйғоқ...

«ПАДАРКУШ»

(ҳикоя)

- Прокурорнинг айбловини тушундингизми?
Жиноятингизга иқрормисиз?

Соҳиб саволни тушунмагандай суд ҳакамига қараб қолди. Ҳакам, ёшларнинг ўжарлик одатларини билгани учун ҳам, уни қистамади. Узун бўйли, қораҷадан келган, майса каби мўйлаби ўзига ярашган бу йигитчани кўриши билан юраги бир ўйнаб кетган эди. Дунёда бир-бирига ўхшаган одамлар кўп. Тақдирнинг қалтис ҳазилимикин, падаркушликда айбланаётган бу йигитча унинг ўғлига жудажуда ўхшарди. Агар иккови ёнма-ён турса, кўрган одам улар эгизакмикин, деб ўйлаши аниқ эди.

Соҳибни маҳкамага олиб чиқишлиаридан олдин қамоқхонадаги ёши катта маҳбуслар унга насиҳат қилиб, «ҳакам билан қораловчининг жиғига тегма», деб тайинлашган эди. Қўллари кишанланган ҳолда бу хонага қадам босиб киргунича прокурорни ҳам, суд ҳакамини ҳам қўрқинчли аждаҳо кўринишида тасаввур этган эди. Ичкари кириб, атрофга аланглаб, дастлаб прокурорни кўрди: ранги оқ сариққа мойил, гавдаси ёшига ярашмаган семиз, ўттиз ёшлардаги бу одамнинг қарашлари совукроқ бўлгани билан аждаҳога ўхшамас эди.

Ҳаммадан кейин кириб келган маҳкама ҳакамига кўзи тушгани ҳамон аждаҳо ҳақидаги тасаввuri тарқаб кетди. Қомати келишган, қалин қора қошли бу аёлнинг кўзларида меҳр нури бор эди. Истарали бирон-бир аёлни кўчада учратиб қолган онларида

Соҳиб «Менинг онам ҳам шундай бўлсалар эди», деган армон билан хўрсиниб қўярди. Унинг онаси хунук эмас, аксинча, келишган, чиройли. Фақат... юзларида қон йўқ, захил. Кўзлари кулиб турмайди, боқишлири нурсиз... Қарашларида маъно йўқ. Кийимлари ҳам бир аҳволда. Баъзи аёллар топган пулини кийим олишга, пардоз-андозга сарфлайди. Унинг онаси эса...

Ана, ўтирибди...

Ўғлининг темир панжара ортида эканидан афсусланяптими, оқланиб чиқишидан умидворми, билиб бўлмайди.

«Ўғли неча йилга қамалиб кетишини ўйлаб, юраги тилим-тилим бўлиб кетяпти», дейилса, бу аёлни таниганлар гапингизга ишонишмайди. Агар «маҳкамадаги гаплар адo бўлиб, кўчага чиққач, нафсини қандай қондириш ташвишида ўтирибди», дейилса, танимаганлар «наҳотки?» деб ажабланиб, сизни шафқатсиз муболағада айблашади.

Ҳақиқат шуки, ўғлининг қамалиб кетиши ҳам, оқланиб чиқиши ҳам ҳозир уни қизиқтирмайди, чунки ҳар икки ҳолда ҳам бу ўғилдан энди фойда йўқ. Ўн йил муқаддам оналик ҳуқуқидан маҳрум этиб, ўғлини бағридан юлиб олиб, болалар уйига жўнатишганда қайғургани рост. Бироқ, бу қайғу айрилиқ азобини туғдирмагани сабабли тез кунларда унутилгани ҳам рост.

Оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлгунига қадар боласидан фойда бор эди. Пулга муҳтож бўлган кезлари уни қабристон дарвозаси олдига олиб бориб қўярди...

«Етимга раҳм қилинг, адамни мошина босиб ўлдириди, онам оғир касаллар, дорига пулимиз йўқ, қорнимиз оч...»

Бу гапларни боласига ўзи ўргатган, тушум яхши бўлган кунлари «Ёлғонларга ишонадиган лақмалар кўп», деб қувонарди. Ўшанда Соҳиб тирик отасининг ичадиган ароғига етадиган пул топиб бориш учун «отам ўлди», деб тиланчилик қиласарди. Орадан ўн йил ўтиб, чинакамига етим бўлди – отаси ўлди, бироқ, машина босмади, иккинчи қаватдан йиқилиб жон берди. Ўғил гўдак ёшида мозор дарвозаси олдида, ҳайит кунлари қабрлар оралаб юриб тиланчилик қиласарди. Ўлмай туриб, ўлдига чиқарилган отани орадан ўн йил ўтиб, худди ўша мозорга қўйишиди. Кафандикни маҳалла берди, ғассол «хизматим Худо йўлига», дейиш билан чекланди. Уйдан йиғи овози чиқмади. Қўшнилардан етти одам тобутни уйдан масжидгача кўтариб борди. Имом жаноза ўқиб бўлгач, «биродарлар, тобутни кўтаришиб борсан гизлар савоб бўлади», деб даъват қилгач, яна икки кишигина қўшилди. Бошқалар имомнинг гапига парво ҳам қилишмади. Бир кишининг «бунга жаноза ҳам хайф», деганини эшитган ёлғиз ўғил аламдан дод деб юборди. Атрофдагилар унинг дардини тушунишмади: отаси ўлгани учун куйиб йиғлаляпти, деб ўйлашди... Қўшнилардан бири гўрковга пул узатган эди, у олмади.

Темир панжара ортида ўтирган ўғлига дамодам қараб қўяётган аёл буларни ўйламайди, боласининг юрагини ғижимлаб ташлаган у воқеалар ҳам аллақачон эсидан чиқиб кетган. Ҳозир дарди

бошқа... Соқчилик қилаётган милиса йигит темир панжарани очиб, ўғлини чиқариб юборгани билан у энди «адам ўлди», деб тиланчилик қила олмайди, унга пул берадиган лақма ҳам топилмайди... Ўғли пул топган тақдирда ҳам, кўлига тутқизмайди, ак-синча «ароқ ичмайсиз», деб яна юрагини сиқади... Ўн йил аввал ўғлини болалар уйига олиб кетишгач, баъзан ўзи, баъзан эри тиланчилик қилиб кўришди, лекин нафс балосини қондира оладиган микдорда пул топа олишмай эзилишди. Ана шунаقا пайтда ўғлидан айирганларни лаънатлашарди...

Жабрланувчи даъвогар курсисида ўтирган ҳам, хона тўридан жой олган ҳакам ҳам «аёл» ва «она» деган ном билан шарафланади. Лекин уларнинг бири шу шарафга муносибми?

Йигитчага шу савол берилса-ю, у кўп ўйламай, мулоҳаза ҳам қилмай қатъий тарзда «йўқ!» деб жавоб қайтарса хайратланиш керакми?

Она унутиб юборган хўрликлар ўғил ёдидан кўтарилимаган. Мозор яқинидан ўтаётган ҳар одамга мўлтиллаб қараб саховат кутиш, қишининг совук кунларида дилдираб туришларни унутиш мумкин-дир. Лекин мактабга чиройли кийимларда келувчи тенгқурларига ҳавас ва ҳasad билан термилиш, ошхонадан таракалаётган ёқимли ҳиддан бош айла-ниши, ширин кулчалар олиб, иштаҳа билан еяёт-ганларга суқ билан тикилиш... буларни ҳам унутиши керакми? Тиланчилик билан топган пулларини сўнгги тангасигача қоқиб олишарди. Бир марта ширин кулча олиб ейиш мақсадида пул яширганида... беаёв калтаклашган эди. Отаси ҳам, онаси ҳам кўп

уарди, аммо буниси хотирасига михланиб қолган: Алифбе байрами арафасида калтаклангани эҳтимол, ўлгунича ҳам ёдидан кўтарилилмас...

Байрамга тайёргарлик кўрган тенгдошлари ҳам, уларнинг ота-оналари ҳам хурсанд, Соҳиб эса нимадан қувонишни билмас эди. Маъюс болачанинг бетларидаги шапалоқ излари ҳали кетмаган бўлса-да, сўраб-суриштиришга устозининг вақти йўқ эди... Синфдошлари яп-янги кийимларда... Ҳар бора бир ҳарф қиёфасида чиқиб, шу ҳарфда бошлинувчи бир байт ўқиган эди. Унга «О» ҳарфи тушгани сабабли устози ёдлатган байтни жарангли овози билан ўқиганди:

*Онангдан бош товлама, ошмасин дарди,
Ҳаёт тожи эрур оёғин гарди...*

Афсуски, байрамга онаси келмаганди...

Шундан сўнг...

Ширин кулчанинг ёқимли ҳиди иштаҳасини қитиқлаганида ўша калтакларни эслаб, болалик нафсини енга оладиган бўлди. Ҳамма-ҳаммасини унутишни истарди... Илло, бу ёқимсиз хотиралар юрагига маҳкам ўрнашиб олган бўлса нима қилсин?

Унуготмайди, бироқ... бу хўрликлар учун марҳум отасини ҳам, рўпарасида фарқсиз ўтирган онаси ни ҳам айблаш нияти йўқ. Ёмон бўлса ҳам ота-онаси борлигидан рози эди. Ота-онасини бирон марта ҳам кўрмаган тенгдошларининг аламли кўз ёшларига болалар уйида кўп гувоҳ бўлган. У вояга етгач, ота-онаси бағрига қайтишини биларди. «Май-

хўр, бемеҳр бўлсалар ҳам борликлари яхши», деб ҳисобларди. У болалар эса... ёлғизлик саҳросида улғайиб, яна ёлғизлик бағрига отилажакларидан қайғуда эдилар.

Маҳкама жараёни бошланиб, прокурор айблов сўзларини баён қилаётганида ҳакам унга ажабланиб қараб ўтириди. «Айбланувчи ота ва онасини мажбурлаб уйга қамаб қўйган, сўнг отасини балкондан итариб юборган. Бу жиноятни амалга оширганидан сўнг онасини ҳам ўлдиришни режалаштирган. Уйга эгалик қилиш мақсадида жиноят кўчасига кирган... » Ҳакам милиция терговчиси тўплаган маълумотлар ва хулосалардан хабардор, прокурорнинг ўқиётганлари у учун янгилик эмас эди. Милиция ходимининг ишни енгил-елпи юритишига тушуниши мумкин, лекин прокурорнинг ҳеч бир таҳдилсиз равишда терговчи хулосаларини ўқиб беришига тоқат қилиши қийин эди. «Ўқиётганларига ўзи ишонармикин? – деб ўйлади ҳакам фашланиб. Кейин фикрига ўзгартиш киритди: – «Иш»ни бошидан-охиригача ўқиб, ўрганиб чиққанмикин? Ҳижжалаб ўқишига қараганда, хулосага саёзгина назар ташланган. Бунинг рўпарасида фақат «Жиноят кодекси» туради, тирик одамни кўрмайди».

Ҳакам «Иш» билан танишаётганида айбланувчи йигитчага ўн йил бошпана бўлган болалар уйининг рақамини кўриб, енгил сесканган эди. Худо унга чирой ҳам, илм, ҳатто мартаба ҳам берган, бироқ, аёл учун олий ҳисобланган неъматнираво кўрмаган эди. Эр-хотин орасида гўзал муҳаббат мавжуд, афсуски, бу муҳаббатнинг меваси йўқ эди. У кечалари

ухламай, бешик тебратиб чиқиши орзу қиласади. Шу баҳтга эришмоқ учун ҳар қандай синовга, ҳатто ҳар қандай азобга ҳам рози эди. Эри билан ажрасиб, бошқа турмуш курса фарзанд күриши мумкинлигини айтишганда, бу айрилиқ азобига чидай олмаслигини англади. Умид билан ойларни ойларга, йилларни йилларга улаб яшайвериши. Кейин Худо уларга асранди ўғилни берди.

Үшанды борган эди бу болалар уйига. Уст-боши бут, қорни түқ етимларнинг кўзларида мунг кўрганида юрак томирлари узилиб кетгандай бўлган эди. Эҳтимол, бу йигитча ҳам бола чоғида умид билан мўлтиллаб қараётганлар қаторида тургандир... Болаларнинг мунгли нигоҳлари унинг хотирасига ўрнашиб қолган, тез-тез қўзголиб, юрагидаги ғашликни ҳам уйғотиб турарди. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишга оид «Иш»ларни кўришга ҳам тўғри келган. Ваҳший қотилликка доир «Иш»ларни кўришда, сўнг ҳукм чиқаришда руҳи бунчалик эзилмасди. Оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишда у аросат даштида ёлғиз қолгандай ҳис этарди ўзини. «Она!» деган шарафли номга арзимайдиган аёлни оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазонинг бир тури ҳисобланади. Кеча молдай бўкиб ичиб, гўдакни минг бир азобларга гирифтор этиб, бугун ҳукм ўқилгач, «Боламни бермайман!» деб ғавғо қилувчиларга аслида бу жазо ҳам кам. Лекин ҳакамнинг назарида у чиқарган ҳукмдан «она» номига иснод келтирган виждонсиз хотин эмас, эндиги тақдирни нима бўлишини билолмай эзилиб ўтирган гўдак кўпроқ жабр чекарди.

Ҳозир қотилликда айбланаётган йигитча ҳам ўн йил аввал шу ҳолатда бўлган. Фақат ҳозирги дарди,

кулфати бошқа: умидли кўзлари жавдираб, шафқат тилаб боқяпти. Прокурор эса умид нурларини зулматга қориштириб ташлаяпти...

Қораловчи ўқиётган сатрлар янгилик бўлмагани боис айбланувчи йигитча ажабланмади. Зоҳиран хотиржам кўринса-да, юрагини тўхтовсиз кемираётган хавотир қуртларига чора тополмай, боши гангиб ўтираверди. Милицияга олиб келинганидан бери терговчи оғзидан айбловларни эшитавериб безиб кетган. «Жиноят кодексининг 97-моддаси билан айбланяпсан», деган гапни қамоқ камерасидаги катталар «ука, тилингга эҳтиёт бўл, агар биринчи қисмини қўлласа ўн йилдан ўн беш йилгача, кейинги қисмига ўтса, ўн беш йилдан йигирма беш йилгача кетасан», деб тушунтиришгач, ҳушидан кетиб қолай деди. Терговчи бўйнига илаётган айбларга икрор бўлмаслик ўжарлик оқибати эмас, балки адолат учун курашишнинг бир кўриниши эди. «Адамни иккичи қаватдаги айвондан мен ташлаб юбормаганман, ўзлари йиқилганлар», деган ҳақ гапда қаттиқ туравергач, «Сен адангни ғайриқонуний равишда қамаб қўйиб, иккинчи қаватдан ўзини ташлашга мажбур қилгансан», деган айбловга ўтишди. Навбатдаги терговдан сўнг қамоқ хонасига қайтганида бу айблов нимадан иборат эканини ҳам тушунтиришди: «Зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш», деб 138-модданинг биринчи қисмини қўлласа-ю, агар дилидагини топсанг, энг кам маошнинг эллик баробари миқдорида жарима тўлайсан, агар чўнтағига йўл топа олмасанг, уч йилгача аҳлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинасан.

Бу ҳали ҳаммаси эмас, бунинг кетида 102-модда турибди. Буни «эҳтиётсизлик оқибатида одам ўлдириш», дейишади. Бунинг ҳам икки йўли бор, йўлинин қилолсанг, икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, сен йўлинин қила олмайсан, шунинг учун уч йил қамоқни нақд қилиб беришади. Шунга қараб, ақлингни ишлат... »

Ақлини қандай қилиб ишлатсин? «Адам ароқхўр эди... » дейишга Соҳибининг тили бормади. Терговчи эса «Марҳум нафс балосининг қули эди, ўлимига ўзи айбдор», дея олмади. Йигитчанинг ё зари ё зўри бўлса, эҳтимол, шундай хулосага келиши ҳам мумкин эди. Афсуски, Соҳибда на униси, на буниси бор. Терговчининг сабр косаси тўлиб, муштлари ишга тушгач, вақтинча қамоқ камерасидаги катталар «нимани талаб қилса, «хўп» деявер. Унинг чангалидан қутулсанг бўлгани, судда бўйнингга олмай тураверасан», деб маслаҳат беришди. Қайсарлиги оқибатида Соҳиб яна икки марта калтакланиб, оғриқ азобидан ихраниб ўтирганда унга «Қоракуя» лақабли одам яқинлашди. Баданидаги татуировкани кўз-кўз қилиш учун доим яланғоч ўтирувчи, бошқаларни писанд қилмай, улар билан бек мақомида муомала қилувчи бу одам Соҳибининг ёнига чўкди-да:

– Ҳа, жўжахўроз, акахонинг патларингни юлиб ташладими? – деб ишшайди.

Соҳиб гаплашгиси келмай, юзини бурган эди, «Қоракуя» темирдек бармоқлари билан унинг иягини ушлаб, ўзига қаратди:

– Мен сени қийнаб-қийнаб, эрталабгача одам қилиб беришим керак. Битта мишиқининг айби-

ни бўйнига қўйиб бериш менга чўт эканми?! Қани, танла: оёғингдан осиб қўяйми ё тирноқларинг орасига игна санчайми ё бурнингни куйдирайми? Уялмасдан айтавер, мен қийноқнинг минг хилини биламан.

Соҳиб ундан нафратланиб, яна бошини бурмоқчи эди, темир бармоқлар йўл қўймади.

– Ўжар болаларни яхши кўраман. Сендақаларни қийнаганимда роҳатланиб кетаман. Болалигимда сенга ўхшаган эдим. Биринчи қамалишимда жонимни суғуриб олай дейишган. Ўғирликка тушиб, минг сўмлик нарса олсам, бўйнимга ўн минглик матоҳларни илиб ташлашган. Емаган сомсамга пул тўлаб, қамалиб кетганим алам қилмайди. Ўшанда қийнаганларига ҳозиргача ҳам чидолмайман. Мана энди, сендақа мишиқиларни қийнаб-қийнаб хумордан чиқаман. Хўш, нима қиласиз? Бўйнингга оласанми, терговчининг айтганига «хўп» дейсанми ё бошлайми?

– Мен адамни ўлдирмаганман, – деди Соҳиб унга тик қараб.

– «Адангни ўлдирдингми?» деб сўраганим йўқ. Аданг ўлгиси келгани учун ўлган. Сен итариб юбормасанг, кўчада тошчага қоқилиб кетиб ҳам ўлаверарди.

Неча кунлардан бери шу айб дўли остида эзилаётган Соҳиб ўзини тутолмай, бақирди:

– Адамни итариб юборганим йўқ!
– Жириллама, тирраки! Хўп, мен ишондим бугапингга, терговчи ҳам ишонади, лекин унинг қоғозлари ишонмайди. Унга қоғоздаги гап керак.

Қоғозига қўл қўйиб берсанг, балки елкасидағи юлдузчаси кўпаяр. Сен қамалишдан кўрқма.

— Кўрқмайман... Лекин адамни ўлдирмаганман.

— Кўрқяпсан... Ҳамма кўрқади. Лекин билиб қўй, қамоқ уйингдан минг марта яхши. Қамоққа тушганимда мен ойимнинг уйига келиб кетгандай маза қиласман. Сенам биринчисида қийналасан, кейин ўрганиб кетасан.

«... кейингисида ўрганиб кетасан?»

Соҳиб унга энди ҳайрат билан қаради: «Нима дегани бу? Яна қамаламанми? Нима учун?..»

«Коракуя» унинг ҳайратланганидан завқланиб, ишшайди.

— Қамалсанг, сени ўзим ётган колонияга чақиритириб оламан. Агар «эҳтиётсизлик оқибатидаги қотиллик» билан кетсанг, уч-тўрт йилда сени бинойи қилиб тарбиялайман. Агар «қасддан қилинган қотиллик»ни бўйнингга кўйишиша, кўпроққа кетасан. Профессорликка етишинг учун саккиз-тўққиз йил етади. Кўчада юрганингда одамлар соянгга салом берадиган бўлишади. Қамалмасанг, ўн йилдан кейин ҳам шўлтайиб юраверасан. Ҳаётни қамоқда ўрганиш керак. Кўраётган дирсан, бу ерда ўтирганларнинг ҳаммаси мендан кўрқади. Очиқликда учратса, мендан нафратланиб, афтини буриштиради. Ҳозир ҳам нафратланади ю, лекин афтини буриштиришга юраги бетламайди. Ўғрилигимни эшитганинг учун башарамга қарагинг келмаяпти, тўғрими? Майли, сен ҳали думбулсан, кечираман. Ҳов анави мўйловни кўряпсанми? Кечада «мени шайтон йўлдан урди», деб йигладими? Гапла-

рига сен тушунмадинг. Аслида унинг ўзи шайтонни тақалаб, эгарсиз миниб олган. Шайтон «шу одам бор экан, мени яратиб нима қиласардинг?» деб ҳар куни Худога нола қиласаркан. Шайтоннинг пачагини чиқариб юборган шу одамнинг кимлигини билсанми? Ҳужжатида «тадбиркор» деб ёзилган. Аслини суриштиранг, у ҳам ўғри. Лекин «ўғриман», дея олмайди. Мен эсам, ўғрилигимни дадил айтаман. Чунки мен ҳалол ўғриман. Бир марта ўшанинг уйини ўмарганман. Бечора, милисага арз қила олмаган. Арз қилса, «шунча бойликни қаердан олган эдинг?» – деган саволга жавоб топиши керак-да. Буларнинг жавоби қуруқ бўлмайди, мен бирни ўмарсам, сувдан қуруқ чиқиши учун ўнни сарфлаши керак. Шунинг учун қўлдан кетганига чидашдан бошқа иложи йўқ эди. Охири нима бўлди? Куруқ қоғозда учта фирма тузиб, давлатничув туширибди. Энди уни ўғирликда айблашади. Мен ҳам ўғриман, лекин ўша билан бирдай бўлиб ўтиришдан номус қиласман. Шу ҳам адолатми? Кимлигимни энди билгандирсан? Билган бўлсанг, айтганимни қил. Агар бўйин товласанг, кекирдагингни бир бурайки, онанг кўзингга кўриниб кетсин. Мен қийнашни бошлаганимда буларнинг биронтаси ҳимоя қиласмайди сени. Ҳаммаси ин-инига кириб кетиб, думини қисиб ўтираверади. Бир соат ўйла, кейин қарорингни айтасан.

«Қоракуя» қўрқитмаса ҳам, Соҳиб кейинги терговда бўйин эгишга тайёр эди... Эртасига савол-жавоб бошланмаёқ, терговчи узатган қоғозларга имзо чекиб берди.

Хозир яна шуни сўрашяпти:

– Айбланувчи Маҳкамов, саволни тушундингизми?

– Тушундим, – Соҳиб паст овозда шундай деб ютинди. Гўё ёш бошига ҳаёт ёғдирган бутун аламу дардларни ичига ютгандай бўлди.

– Айбингизга иқрормисиз?

– Йўқ. Мен адамни итариб юбормаганман... Қамаб ҳам қўймаганман.

– Сиз айбингизга иқрор бўлиб, имзо чекиб бергансиз. Энди тан олмай туришингизнинг сабаби нимада? Тергов жараёнида сизни қийнашдими ё қўрқитишдими?

Дастлабки кўрсатмаларидан тонган ёки ўзгартирган барча айбланувчиларга айнан шу савол берилишини Соҳиб билмасди. Прокурорнинг қофоздан бош кўтармай эътиборсизлик билан сўраши унга ғалати туюлди. Терговчининг мушти кўз олдига келган, «Қоракуя»нинг пўписасини эслаган бўлсада, буни айтишга ор қилди. «Мени қийнашди», деса «битетта калтакка холи йўқ сўтакмисан?» деган гап чиқадигандай туюлди. Бахтига адвокати гапга аралашиб, мушкулини осон қилди:

– Ҳимоямдаги Маҳкамовнинг айбисиз эканини суд жараёнида исбот этишга тайёрмиз, – деди у. Адвокатнинг дадиллиги йигитчага далда берган бўлса-да, унинг қанақасига исбот қила олишига ҳайрон эди.

– Айбланувчи саволларга жавоб беришга тайёрми?

Савол ҳимоячига қаратилган бўлса-да, ҳакамнинг кўзи Соҳибда эди.



– Тайёр, – деди ҳимоячи, – лекин биз жараённи жабрланувчини сўроқ қилишдан бошлишингизни сўраймиз.

– Бунга ҳаққингиз бор, – ҳакам шундай деб энди аёлга қаради: – жабрланувчи, туриңг, ўзингизни танишириб, саволларга жавоб беринг.

Маҳкама жараёнининг оддий расмиятчиликлари Соҳибга ғалати туюлди. Салгина илгари ҳакам прокурорни танишириаётиб, «кичик адлия маслаҳатчи» деганида, «прокурор кичик бўлса, демак, менинг ишим ҳам кичкина экан-да», деб ўйлаб, сал енгил тортган эди. Ҳозир онасининг ўзини танишириши ҳам унга ғалати туюлди. «Ҳалигача танишиб олишмабдими?» деб ажабланди.

– Айбланувчи ким, ўғлингизми? – деб сўроқни бошлади прокурор.

– Ҳа... билиб туриб яна нега сўраяпсиз? – деди аёл ажабланиб.

– Саволларимга аниқ жавоб беринг, бу баённома ёзиш учун керак, – деди прокурор дағал оҳангда. Сўнг давом этди: – Қотиллик содир бўлган пайтда сиз қаерда эдингиз?

– Уйда эдим... Устимиздан қулфлаб кетган эди.

Бу жавобни эшитиб, ҳакамнинг кўнгли ғашланди: «Эси жойидами у хотиннинг? «Қотиллик содир бўлган пайтда» деганда прокурор нимани назарда тутганини тушунмадими? Ўғлини қотилликда айблаётганини билмаяпти, шекилли?»

– Прокурорнинг бундай тарзда савол беришига эътиroz билдираман, – деди ҳимоячи ўрнидан туриб. – Қотиллик содир этилгани ҳали исбот қилинмади.

— Мен ҳимоячига айбланувчининг иқорини эслатиб, қотиллик содир этилган жойда, яъни айвон тўсиқларида унинг бармоқ излари борлигини таъкидлаб ўтаман, — деди прокурор, унга норози қиёфада боқиб. Гарчи ҳимоячига қараб гапирган бўлса ҳам, Соҳиб унинг кўзларида «менга ким қарши гапирса нақ мажақлаб ташлайман», деган маънони уқиб, чўчиди. Ҳимоячи эса уни қойил қолдириб, чўчимади, яна дангал қарши гапирди:

— Ҳимоямдаги Маҳкамовнинг айблов хулосасига муносабатини ҳаммамиз эшитдик. Бармоқ излари борлиги эса ҳеч нимани исбот этмайди. Маҳкамов шу уйда яшаганидан кейин бармоқ излари бўлиши табиий. Ахир уйда қўлқоп кийиб юрмайди-ку?

— Ҳимоянгиздаги Маҳкамовнинг, — прокурор энди киноя оҳангига ўтди, — уйга эга чиқиш мақсади борлиги ҳам табиийми?

— Мен жабрланувчи тўққизинчи ёки тўртинчи қаватдан эмас, иккинчи қаватдан йиқилганига маҳкама жараёни иштирокчиларининг диққатини тортмоқчиман. Айвоннинг пастки қирраси билан ергача бўлган масофа салкам икки ярим метрни ташкил қиласди. Агар ҳимоямдаги Назаров отасини итариб юборган тақдирда ҳам у ўлмаслиги мумкин эди. Ўлдириш қасдидаги одам намойишкорона ҳаракат қилмайди.

— Намойишкорона ҳаракатида аниқ мақсад мавжуд эди: «эҳтиётсизлик оқибатида йиқилиб тушган», деб ишонишимизни истаган.

— Баҳсни эртароқ бошлаб юбормадиларингизми? — деб ҳакам уларни тўхтатди. — Жараёнга алоқадор саволлар беришингизни сўрайман.

— Жабрланувчи, айтинг-чи, эрингизнинг ўзи ииқилиб тушдими ё ўғлингиз итариб юбордими?

Аёл бир ўғлига, бир прокурорга жавдираб қаради-ю, паст овозда: «Эсимда йўқ», деди.

— Дастрекки терговда «итариб юборди» дегансиз?

— Эсимда йўқ... балки итариб юборгандир...

— Ойи, ёлғон гапирманг, мен уйда йўқ эдим! – деб бақириб юборди Соҳиб.

— Айбланувчини огоҳлантиришингизни сўрайман, – деди прокурор қатъийлик билан.

— Айбланувчи, агар ўзингизча бақириб, иш юритишимизга халал берсангиз, сизни чиқариб юбориб, жараённи иштирокингсиз давом эттирамиз. Ҳимоячи, буни тушунтириб қўйинг, – деди ҳакам қошларини чимириб.

Жабрланувчи бир тоғдан, бир боғдан келиб, прокурорни ҳам чалғитиб юборди. Шунда ҳимоячи яна ўрнидан туриб, сўроққа аралашибга мажбур бўлди:

— Воеа содир бўлган куни жабрланувчи тиббий кўриқдан ўтказилганда қон таркибида алкоголь мавжудлиги ҳақидаги маълумотнома «Иш»нинг ўн тўққизинчи сахифасида қайд этилган. Демак, у аслида нима бўлганини фаҳмлаши қийин. Ундан ташқари, кўп йиллар тўхтовсиз майхўрлик қилиш оқибатида унинг руҳиятида салбий ўзгаришлар юз бериши мумкинлиги тергов давомида яхши ўрганилмаган. Шунинг учун унинг кўрсатмаларига танқидий муносабатда бўлиш керак, деб ҳисоблаймиз.

— Биз ҳозир жабрланувчининг майхўрлигини муҳокама қилаётганимиз йўқ. Эси паст ёки соғ эка-

нини ўғли айта қолсин: Маҳкамов, онангизда жиннилик аломатларини сезганмисиз?

Буниси қизиқ бўлди-ку?! Олдин «отамни ўлдирганман», деб тан олишга мажбур қилишувди, энди «онам жинни, ароқ миясини суюлтириб ташлаган», десинми? Соҳиб нажот кўзи билан ҳимоячисига қаради.

— Мен қатъий норозилик билдираман, — деди ҳимоячи.

— Норозилик қабул қилинди, — деди ҳакам, сўнг прокурорга танбех берди: — Бунаقا саволлардан ўзингизни сақланг.

Прокурор бошқа саволи йўқлигини айтгач, сўроқ навбати ҳимоячига тегди:

— Айтинг-чи, нима учун сизларни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишган?

— Қўшнилардан чақув бўлган...

— Сиз оналик, эрингиз оталик ҳуқуқидан маҳкама ҳукми билан маҳрум қилингансиз. Маҳкама битта чақувга асосланиб ҳукм чиқармайди. Ўша маҳкама маълумотларига кўра, болани тиланчиликка мажбур қилгансизлар, бола кўпинча оч-наҳор қолган, уни ургансизлар. Буни қўшнилар аниқ далиллар билан исботлашган.

— Қўшнилар чақишган... — деди аёл ерга қараганича. У ўзи тўқиган ёлғонга бошқаларни ишонтира олмаслигини билгани учун ҳам бошини эгиб олди.

— Ўғлингизни кўргани болалар уйига неча маротаба боргансиз?

— Эътиroz билдираман, — деди прокурор ўтирган жойида. — Қотиллик ишига бунинг нима алоқаси бор?

– Эътирозингиз қабул этилмайди, бундан кейин ўтирган жойингизда гапирмаслигингизни илтимос қиласман, – деди ҳакам унга, сўнг аёлга қаради: – Жабрланувчи, ҳимоячининг саволларига жавоб беринг.

– Кўп борганман...

– Болалар уйининг раҳбари берган маълумотномага қараганда, жабрланувчи бирон марта ҳам бормаган. Севинч Комилова деган аёл мунтазам хабар олиб турган. Бу маълумотнома «Иш»нинг йигирма учинчи сахифасидан ўрин олган.

– Ҳа, шундай маълумотномабор, – деб тасдиқлади ҳакам.

«Иш» билан танишиш жараёнида бу маълумотномани ўқиб, этлари жимирилашиб кетган эди. «Боласини соғинмайдиган она ҳам бор эканми дунёда?» деб ўзига-ўзи савол берган, бироқ, жавоб топмаган эди. Ҳимоячининг шу ҳолатга ургу беришидан у мамнун бўлди.

– Сизларни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласи икки марта кўрилган, – деб давом этди ҳимоячи. – Биринчисида катта ваъдалар билан қутулиб олгансиз. Жабрланувчи, айтинг-чи, Севинч Комилова кимингиз бўлади?

Аёл «нега уни эслаб қолдингиз?» дегандай ҳимоячига савол назари билан қараб, паст овозда жавоб қайтарди:

– Қайин эгачим...

– Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳақидаги масала биринчи марта кун тартибига қўйилганда Комилова болани боқиб олиш истагида сизларга мурожаат қилгани ростми?

– Эсимда йўқ...

– Эсингизга солишимиз мумкин: сиз Комилованинг таклифни қабул қилгансиз, бироқ эвазига катта пул сўрагансиз?

– Ёлғон! – деб юборди аёл, кейин лаблари титраб, қўшиб қўйди: – Сўрамаганман...

– Ана кўрдингизми, ҳаммаси бирданига эсингизга тушди. Бу далилдан тона олмайсиз, мен жабланувчининг ўн бир йил муқаддам ўз боласини сотишга уринганлигига маҳкама жараёни иштирокчилари дикқатини қаратмоқчиман.

– Норозилик билдираман, – деди прокурор ўрнидан туриб. – Биз ҳозир бола сотиш ишини кўраётганимиз йўқ. Ўтган иш ўтиб кетган.

Ҳакам она сифатида бу ярамасликни четлаб ўта олмас, лекин маҳкама жараёнига доир қонунга бўйсуниб, прокурорнинг эътиrozига қўшилишга мажбур эди. Шу боис ишончсиз оҳангда:

– Норозилик қабул қилинди, – деди. – «Иш»га алоқаси бўлмаган воқеалар бизни қизиқтирмайди.

– Биримиз «эсимда йўқ», иккинчимиз «ўтган иш ўтиб кетди», десак, ҳақиқатнинг асосини қаердан қидирамиз? – деди ҳимоячи қатъийлик билан. – Иккинчи қаватдан йиқилиб ўлган марҳум ва асосиз далиллар қурбони бўлиб ўтирган айланувчи... «Иш»га алоқаси бор воқеа шундангина иборатми?

– Маҳсадингизни очикроқ айтинг, – деди ҳакам унинг сўзини бўлиб.

– Ҳимоямдаги Маҳкамов прокурор томонидан Жиноят кодексининг 138-моддаси билан ҳам айланган. Маҳкамовни шу ишни қилишга мажбур этган сабабларни аниқлашимиз керак эмасми?

— Яхши, у ҳолда мен Комилова чақирилиб, сўрок қилиниши керак, деб ҳисоблайман, — деди прокурор.

Севинч Комилова маҳкамага чақирилмагани сабабли ҳакам прокурорнинг талабини инобатга олиб, уч кунлик танаффус эълон қилди-да, «уч кун бу йигитчага уч йиллик рух азобини беришини ҳис қилмайманми? Бунга мени сиз мажбур этдингиз», дегандай ҳимоячига норози қиёфада қаради. Ҳимоячи эса айбини билгандай бош эгди. Маҳкама жараёни бошланмай туриб у Комиловага учрашган, унинг дардли баёнини эшитган эди. «Шу гапларни бориб айтишингиз керак», деганда унамади. «Жияннингизнинг ҳимояси учун зарур», деса ҳам «ошкор қилсам, укамнинг арвоҳи чирқирайди», деб ўжарлик қилди. Уч кун ичида фикридан қайтиб, маҳкамага келса келди, бўлмаса... Ҳимоячи эски гапни қўзғаб, ўз бошига орттирган бўлиб чиқадими?

Прокурор ҳакамнинг қароридан мамнун бўлиб, қофозларини тезгина тахлаб, жилдига солдида, «хайр», дегандай бош ирғаганича чиқиб кетди. Аслида Комиловани сўроқ қилишнинг у учун зарурати йўқ эди. Маҳкама ишида танаффус эълон қилинишига баҳона излаб ўтирганида ҳимоячи унинг муаммосини осонгина ҳал қилиб берди. Маҳкама биноси яқинидаги машинада бетоқат кутаётган ошналарига қўшилди-ю, қишлоғидаги тўйга жўнаб қолди.

Одамлар тарқагач, ҳакам уни хонасига чақириб, сұхбатлашмоқчи эди. Албатта, «Йигитчага ортиқча зуғум қилаверманг, айловгага доир даъволарингиз

мантиқ доирасида бўлсин», деб очикчасига айтольмасди. Шундай деса, «еган оғиз уяляптими?» деган маломат тошлари остида қолиб кетиши аниқ эди. Ҳакам бу прокурорнинг қилиқларини яхши биларди. У узоқ давом этаётган бир «Иш» бўйича ҳакамни гўё инсофга чақириб, бу «инсофнинг ўзига яраша баҳоси» борлигига шама қилган эди. Ҳакам кўнмагач, маҳкаманинг кейинги мажлисида беҳурматлик қилишдан тоймаган эди. Ҳакам унинг одобсизлигидан ранжиди, «бирон-бир каттанинг жияни бўлгани туфайли димоғига қурт тушгандир», деган ўй хаёлига келган бўлса ҳам чўчимади. Прокуратура раҳбариятига расмий равишда маълум қилингач, унинг ҳайфсан билан жазоланганидан билдики, сунядиган тоғи бақувват эмас экан.

Қисқа муддатда якунланган бугунги жараён чарчатиш даражасига етмагани билан, ҳакам толикди. Ҳали хукм чиқаришига анча вақт борлигига қарамай, йигитчанинг тақдирни уни ташвишга сола бошлаган эди. У совиб қолган чойдан бир хўплам ичди-да, дे-разага яқинлашди. Маҳкама биносидан сал нарида ёлғиз турган аёлга кўзи тушиб, уни кузатди.

Аёл ниманидир эслагандай, орқасига ўтирилди, югурик назари кимнидир излади. Эҳтимол, яқинларидан кимнингдир пайдо бўлишини, кўнглини қўтарадиган сўзларни айтиб, таскин беришини кутгандир? Бир неча дақиқа муқаддам бу аёлдан нафратланган ҳакам энди унинг ҳолига ачинди. «Яқинда эрини қаро ерга топширган, энди ўғлидан ҳам ажраётган аёлга наҳот ҳеч кимнинг раҳми келмаса? Наҳот ҳамдард топилмаса?!» – деб ўйлади.

Аммо ачиниш ҳисси узок сақланмади, қизиб турган темирга томган томчи мисол «жиз» этди-ю, йўқолди.

«Ўғлидан ажраётган аёл», дедимми? Ўғлидан аллақачон ажраган эди-ку? Ҳозир унга ўғил керакми? Нима учун? Аёл ҳомиласида бола пайдо бўлганини билган онидан бошлаб, ҳали фарзанди туғилмасиданоқ, унинг камолини кўришни орзу қила бошласа керак. Бу хотин нимани орзу қилган? Орзу учун юрагида жой бўлганми?»

Кўчада турган аёл чорасизлик ҳукмига бўйсунib, аста юра бошлади. Уч-тўрт қадам босгач, тўхтаб яна ўтирилди. Ҳакам унинг кимнидир умид билан кутаётганини сезди. Унга бошқа қарагиси келмай, деразани ёпди-да, жойига қайтди. Бироқ, ўрнига ўтиргиси келмади. Қўлига «Иш»ни олиб яна вараклади. Ҳар бир сахифаси яхши таниш бўлса-да, бирон янгилик чиқиб қолишига умид қилгандай кўз юргутириди. Шу пайт телефон жиринглади:

- Терговга қайтарилиган «185- Иш» бўйича қўшимча маълумотларни олиб, ҳозир шаҳар маҳкамасига етиб боринг.

Бошлиқ бугун бошланган маҳкама жараёни билан қизиқмади, аксинча, совуқ оҳангдаги буйруқ билан чекланди. «185-Иш»ни кўриш жараёни салкам икки ой давом этиб, кеча натижасиз тугалланган, далиллар ва кўрсатмалар етарли бўлмагани учун «Иш» терговга қайтарилиган эди. Бошлиқ кечанинг ўзида бу борадаги эътирозини билдирганди, демак, юқори раҳбарлар ҳам бундан норози. Ҳакам аввал ҳам шунга ўхшаш ҳолатлар учун танбеҳлар

эшитгани сабабли, ортиқча ҳаяжонланмади ҳам, хавотирга ҳам тушмади. Керакли ҳужжатларни олиб, ташқарига чиқди. Даҳлизда рўпарадан келаётган ҳимоячини кўриб, қадамини секинлатди. Ҳимоячи унга яқин келгач, тўхтади:

– Балоғат ёшига етгани билан ҳали болаликнинг фўрлиги бор. Танаффусдан мақсадни тушунтириш им қийин бўлди. Иш бугуннинг ўзида яқунланиб, кутулиб кетишига умид қилиб ўтирган экан.

– Умидни ким уйғотган? Ўзингиз эмасми? – деди ҳакам норози оҳангда. – Комилова масаласида ҳам ўзингиз фўрлик қилдингиз.

Ҳакам бошқа сўз айтмай, йўлида давом этди. Ҳимоячи унга эргашиб, мақсадини тушунтироқчи эди, «бирга келаётганимизни прокурор кўрса, хаёлига бир эгри фикр келади», деган мулоҳазага бориб, тўхтади.

Кўчадаги аёл ҳакамни кутаётган эди, унинг зинадан тушаётганини кўрибоқ, пешвоз чиқди. Ҳакамнинг у билан гаплашгиси йўқ бўлса-да, умидли нигоҳга эътиборсиз равишда ўтиб кета олмади. Аёл ийманмади, гап тополмай, тараддуудланмади ҳам:

– Ўғлимга неча йил берасиз? – деб дангал сўради.

Ғашини келтирган бу кутилмаган саволга жавоб бермасдан ўтиб кетаверса бўлаверарди. Тушунтиришга тоқати ҳам, вақти ҳам йўқ эди.

– Агар жинояти исботланса, ҳукм шунга яраша бўлади, – деб йўлида давом этмоқчи эди, аёл яна сўради:

– Исбот қилинмаса-чи?

– Исбот қилинмаса... уйингизга олиб кетасиз.
Шоду хуррамлик билан яшайверасиз.

– Менинг ароқ ичишимни баҳона қилишиб, болалигида тортиб олишган эди. Энди сиз қамамоқчимисиз? Уни қамаманг, биттагина ўғлим бор, у мени боқиши керак.

Бу гапдан ҳакамнинг боши зирқираб кетди. «Биттагина ўғлинг борлигини энди билдингми? Кераксиз матоҳдай қарамай қўйганингда нимани ўйлаган эдинг? Нега энди у сени боқиши керак?» – деб ғазаб ўқларини сочгиси келди-ю, ўзини босди. Аёлга нафрат билан қараб қўйиб, тез-тез юриб кетди. Манзилига бора-боргунича аёлнинг гаплари бошига гурзи мисол урилаверди:

... биттагина ўғлим бор...

... у мени боқиши керак...

Чақалокларини кўтаришга эриниб, аравачагами ё халтачагами ё саватчагами солиб юрган жувонларни кўрганида болани улардан тортиб олгиси келарди. Ҳатто «Худо сенга буюк неъмат берибди, шукр қилиб, бағрингга босиб юрмайсанми?!» деб ҳайқиргиси келарди.

Аввалги ҳафта ҳамкасб дугонаси бир кампирнинг аризаси бўйича очилган «Иш»ни кўриб чиққанини айтиб берганда ҳам шундай ҳолга тушган эди. Қариялар уйида яшаётган кампир «ўғлим менга қарамай қўйган», деб маҳкамага арз қилибди. Фарзандлик бурчи Конституциянинг қайси бандида қайд этилгани-ю, бурчни бажармаганлик учун қайси модда билан қандай жавобгарликка тортилишигача аниқ кўрсатиб ёзибди. Ўғил: «Кичкиналигимда мени

болалар уйига ўз қўллари билан топширганларида мен қариялар уйига олиб келиб қўйсам нима бўлибди. Қайтар дунё-да», дебди. Кампир: «Мен давлат ишлари билан эдим», деб баҳона қилса, ўғил «Мен ҳам иш билан бандман», дебди. «Ҳақ ўғил томонда бўлса ҳам, кампирнинг фойдасига ҳукм чиқардим, нима қилай», деб афсусланган эди ҳамкасби. Ҳакам ҳозир шуни эслади.

«Ўғлим адолатсизлик қурбони бўлмасин», демади...

«Ўғлим мени боқиши керак» деди...

Орадан уч кун ўтиб маҳкама жараёни давом этди. Бу кунлар ичи қандай оғриқ дардлар исканжасида яшаганини Соҳибининг киртайган кўзлари ошкор қилиб турарди. Ҳакам унинг сўлғин чехрасига қараб, ачинди. Чорасизлигидан эса афсусланди.

– Гувоҳ Комилова келдими? – деб сўради котибдан.

Котиба барча гувоҳлар келганини маълум қилга, Севинч Комиловани чақирди. Бошига рўмол ўраган, қошлари ўсма юқидан қорайган ўрта ёшлардаги аёл кирган заҳоти Соҳибга қаради: титроқ лаблари йиғини, қуюқ киприклари кўз ёшлари йўлини тўди. Уни кўргач, йигитчанинг ҳам кўзлари пирпиди, югуриб бориб қучиб олишни истагандай аста ўрнидан турди. Сўнг айни онда чорасизлик омбуридан қутилиш мумкинмаслигини эслаб, яна ўтирдиди, бошини эгиб олди. Ҳакам унинг аҳволини сезди. Расмиятга кўра, гувоҳ ўзини танитаётганида қулоғи унда, нигоҳи эса жабрланувчида бўлди. Хаёлида уйғонган «Айбланувчи билан гувоҳни эзаётган дард

бу аёлда бормикин?» деган саволига жабрланувчи-
нинг маъносиз қарашидан жавоб ололмади. Гувоҳ
ҳимоя томонидан тавсия этилган бўлса ҳам, унинг
чақирилишини аввалги мажлисда талаб қилгани са-
бабли сўроқни прокурор бошлади:

– Жабрланувчини танийсизми?
– Танийман... – Комилова шундай деб хўрсинди.
– Боламнинг ўрнига шу алвости ўтириши керак эди.
Укамнинг ажалидан олдин ўлиб кетишига шу сабаб-
чи.

– Укангни вақтида тўғри йўлга солганларингда
бошимизга бунақа кулфат ёғилмас эди. Сенлар ту-
файли мен бахтиқаро бўлдим! – деб бақириб юбор-
ди аёл.

– Укамни тинч қўй, арвоҳини чирқиратма. Уни
сен абгор қилдинг, – деди гувоҳ ҳам овозини балан-
длатиб.

– Бир-бирингизга бақирманлар, – деб тартибга
чақирди ҳакам. – Гувоҳ, сиз фақат саволга жавоб бе-
ришингиз керак, бошқа гапга чалғиманг.

Севинч Комилова бу танбеҳни қабул қилиб, бош
ирғади. Бир гап билан ҳасрат чўғлари титилган
жабрланувчи эса ўрнидан туриб кетди:

– Ким кимни абгор қилди?! Айт, булар ҳам эши-
тишсин! Уканг мени зўрлаганида қаматиб юбори-
шим керак эди, қамоқда чириб кетса, бу кўргулик-
лар йўқ эди.

– Энди укам зўрлаган бўлиб қолдими? Укам-
нинг қўйнига кириб олиб, оиласини бузган суюқоёқ
сенмидинг ё бошқасимиди?

– Оиласини ўзинг бузгансан, «туғмас хотинингни
қўйиб юбор» деяверганингдан кейин уканг менга

илакишган. Туғмас хотини борлигини мен кейин билганман.

Бу гап юрагига найзадек санчилиб, ҳакам столни муштлаганини ўзи ҳам билмай қолди:

– Жим бўлинглар! – деб бақирди.

– Жабрланувчи жараёнга халақит беряпти, уни чиқариб юборишингизни сўрайман, – деди ҳимоячи.

– Жабрланувчи гувоҳ томонидан ҳақорат қилиньяпти, – деди прокурор.

– Сизлар ҳам жим бўлинглар! – деди ҳакам ғазаб билан.

Хонага бир неча нафаслик сукут чўкди.

– Гувоҳ, ўзингизниң болангиз борми? – деди прокурор жимликни бузиб.

Унинг саволи жабрланувчининг гапини давом эттиргандай туюлиб, ҳакам ғашланди, қошларини чимириб, прокурорга қаради:

– «Иш»га алоқадор саволлар беришингизни сўрайман, – деди совуқ оҳангда.

– Бу саволга бериладиган жавоб муҳим, – деди прокурор ўжарлик билан.

– Ўзимники тўртта, Соҳибжонни қўшиб, ҳамиша бешта дейман, – гувоҳ гапира туриб йигитчага «Ҳали ҳам ўз боламдай кўраман, сенда айб йўқ», деган маънода қаради.

– Агар ўзингиз туғмаганингизда, бола боқиб олишингизга тушунардим. Тўртта болани туғиб қўйиб, яна бола боқиб олишга сизни нима мажбур қилди?

Ҳакам прокурорга бақириб юбормаслик учун, кўзларини ундан олди.

– Ўз жиянига қарашга ҳам бир нима мажбур қилиши керакми? Сизнинг жиянингиз мозор олдида гадойлик қилиб турса, индамай ўтиб кетаверармидингиз?

– Менинг жияним билан ишингиз бўлмасин, бу – биринчидан, иккинчидан гувоҳ прокурорга савол бермайди, аксинча, прокурорнинг саволига жавоб беради. Адвокатингиз ўргатмадими? Демак, сиз исноддан қутилиш учун жиянингизни боқиб олмоқчи бўлгансиз, шундайми?

– Исподи ўз йўлига. Бунаقا аҳволдан уялмай юрганлар ҳам сон мингтадир. Мен жиянимнинг очнаҳор юриб, ўлиб қолишидан қўрқкан эдим.

– Менга бир нарсани аниқ тушунтириб беринг: болани боқиб олмоқчимидингиз ё сотиб олмоқчимидингиз?

– Сотиб олмоқчи? – гувоҳ бир жабрланувчига, бир айбланувчига қараб, гангиди: – Қайси гўрдан топдингиз бунаقا гапни?

– Гўрдан топмадим, адвокатингиздан эшилдим.

– Норозилик билдираман, – деди ҳимоячи шарт ўрнидан туриб. – Олдинги мажлисда жабрланувчи пул сўрагани ҳақида гап борган. Сотиб олиш билан пул сўраш – бошқа-бошқа тушунча.

– Норозилик қабул этилди, – деди ҳакам унга мамнун боқиб, кейин прокурорга жиддийлик билан қаради: – Айтилаётган гапларга диққат қилишни тавсия этаман.

– Яхши, демак, сотиб олишга уринмагансиз, аксинча, жабрланувчи сиздан пул талаб қилган. Нега бера қолмадингиз ўша пулни?

– Нега беришим керак? Уч-тўрт кун бўкиб ичиб, совуришлари учунми?

– Жабрланувчи, гувоҳнинг даъвосини тасдиқлайсизми? Сиз пул сўраганмисиз?

Аёл қайин эгачисига ўғринча қараб олгач, «сени сотмоқчи эмасдим, ишонма бу гапларга» дегандай ўғлига тикилди. Прокурор саволни такрорлагандан сўнг иложсиз аҳволда, паст овозда тан олди:

– Сўраганман... – Тан олди-ю, ўғлининг кўзла-ридан отила бошлаган нафрат учқунларидан омон қолиш мақсадида тез изоҳ берди: – Лекин бола учун сўрамаганман, эримни даволатмоқчи эдим.

– Эрингиз ўлганда бу опаси жанозага келдими?

– Келмадим, биз бехабар қолдик – деб келини ўрнига ўзи жавоб берди Комилова. – Соҳибжон довди-раб қолган, бу алвасти эрини тупроққа топширдими ё кетмондаста кўмдими, ҳали ҳам фахмига бормагандир?

Прокурор яна икки-уч чалғитувчи савол бергач, тинчланди. Ҳимоячи ортиқча савол бермади. Шундан сўнг ҳакамнинг ижозати билан ҳимоячи Соҳибни сўроқ қилишни бошлади.

– Фожиа содир бўлган вақтда қаерда эдингиз?

Саволнинг бу тарзда берилиши прокурорга ёқмай, «фожиа» эмас, «қотиллик содир бўлган пайтда», деб ўзича тўнғиллаб қўйди. Соҳиб ҳимоячисига умид кўзлари билан қараб тургани учун унинг норо-зилигини сезмади.

– Ишда эдим.

– Қаерда ишлайсиз?

– Мошина тузатадиган устага шогирд тушганман. Мошинанинг пачоғини тузатамиз.

– Айбланувчининг эрталаб ишга келгани, кун бўйи хизматда бўлганини исбот қилувчи устанинг ва яна икки ишчининг кўрсатмалари «Иш»нинг ўтиз еттинчи саҳифасида берилган, – деди ҳимоячи ҳакамга қараб. – Бундан ташқари уста гувоҳ сифатида келган. Чақиришингизни кутиб ўтирибди.

– Устани чақиришга ҳожат йўқ, деб ҳисоблайман. Чунки айбланувчи ва ҳимоячи айтиётган устахона аслида йўқ, – деди прокурор.

– Нега йўқ бўларкан? – деб эътиroz билдириди ҳимоячи унга.

– Устахона рўйхатдан ўтмаган, ғайриқонуний равишда иш юритган. Прокуратура ҳали бу масала-нинг тагига етади.

– Томонлар, чалғиманглар, – деб икковига танбех берди ҳакам.

– Сиз бир бошдан бор гапни айтиб беринг, – деди ҳимоячи Соҳибга. Унинг овозидаги меҳрибонлик оҳанги йигитчага далда бериб, аввалига тутила-тутила сўзлади, кейин равон гапира кетди.

Болалигида кўрган хорликларини тилга олишни истамади. Гапни балоғат ёшига етиб, уйига келган кунидан бошлади:

– Уйга келсам... – деб тутилди.

– Дадил айтаверинг, ҳеч нарсани яширманг, – деб далда берди ҳимоячи.

– Иккалалари маст экан. Балконга битта эски кўрпача ташлаб ётдим. Эртасига пешинга яқин уйғонишиди. Аввал адам уйғониб, «нега келдинг?» деб сўрадилар. «Бутунлай келдим», дедим.

Соҳиб «бутунлай келдим», деганидан сўнг адасининг қувонишини, ҳеч бўлмагандан пешонасидан

ўпіб қўйишини кутган эди. Афсус, ундаи бўлмади, адаси шишган қовоқларини кўрсатгич бармоғи билан обдон уқалаб, кўзларини баттар қизартирида, гаранг аҳволидан қутула олмай, «пулинг борми?» деб сўради. Бир ҳафта олдин Севинч аммаси болалар уйига борганида пул бериб, «уйга қайтганингда ишлатарсан, ота-онангга билдира кўрма», деб тайинлаган эди. Шу сабабли «менда пул нима қилади?» деб жавоб берди. Адаси «ҳа, шохи йўқ ҳўкиз», деб ғўдраниб, юмалаб ётган шишани олди-да, юқини пиёлага томизди. Кейин ўғлига ғазаб билан тикилди:

– Бўйингни қара, ҳўкиз, шу сўхтанг билан шўппайиб кириб келдингми? Қачонгача сени боқишим керак?!

Болалигида бунаقا аҳмақона гапларни кўп эшигани учун, адасидан хафа бўлмади. Ошхонага кирди, чойнакка сув қўйган эди, тагидан тома бошлади. Эскиргани учун тешилганмиди ё оловда қолиб кетганиданми, билолмади. Сири кўчган чўмични сувга тўлдириб, оловга кўйди...

Соҳиб буларни эслади-ю, айтмади.

– Кейин ойим уйғониб чой дамлаб бердилар. Бирга нонушта қилдик, – деб ёлғон гапирди.

Аёл ўғлининг ёлғон сўзлашга мажбур бўлаётганини фаҳмламади. Чиндан ҳам шундай бўлгандек, бепарво ҳолатда эшитиб ўтираверди.

– Кейин... биллалашиб уйни йиғиштирдик. Битта хонани менга беришди. Кўчага чиқувдим, Уста амакимни кўриб қолдим. Уста амаким адам билан бир синфда ўқиган эканлар. Мени шогирдликка

олиб, иш ҳақи бериб турдилар. Пул топаётганимни билдирамадим. Пул тўплаб, ота-онамни касалхонага ётқизмоқчийдим, Уста амаким «фойдаси йўқ», дедилар. Маҳалла икки марта мажбурлаб ётқизганида қочиб келишган экан. Кейин «бир ҳафта қўчага чиқармасанг, иччиликдан қайтиб қолишади», дедилар. Кейин... ўша куни ухлаб ётишганда устларидан қулфлаб кетдим.

– Эшикни бир марта қулфладингизми ё бу ҳол аввал ҳам бўлганмиди? – деб сўради ҳимоячи.

– Бир марта беркитдим.

– Демак, эшикни қулфлаб қўйишини уста амакингиз ўргатган, ўзингизда ота ва онангизга нисбатан нафрат бўлмаган, қасос олишни ҳам ўйламагансиз?
– деб ҳимоячи Соҳибнинг жавобига ойдинлик киритди. Бу прокурорга ёқмай, гапга аралашибди:

– Наҳотки, – деди у ўрнидан туриб. – Кўшнилар гувоҳлик беришига қараганда, болалигингида ота-онангиз сизни кўп хўрлашган. Кейин етимхонага бериб юборишган, шунда ҳам нафрат уйғонмаганмисиз? Хўрликлар учун қасос олишни ҳечам ўйламаганмисиз?

– Болалигимда... ҳеч... эсимда қолмаган. Етимхонага ойим бермаганлар, мени олиб кетишган.

– Демак, олиб кетишганини эслайсиз-у, қийнашганларини эсламайсиз, шунақами? – деди прокурор пичинг оҳангига. – Хўп, бу ёлғонга ишона қолайлик. Унда айтинг-чи, етим ўртоқларингиз билан ўтирганингида ота-оналарингиз ҳақида ҳеч гаплашмаганмисиз? Бизнинг синфимизда етимхона болалари ҳам ўқишарди. Ота-онасини сўрасак, ҳаммаси ёлғон гапиради. Биттасининг отаси учув-

чи бўлиб қоларди, бошқасиники сув оти кемасида сузарди. Сиз нима деб ишонтирадингиз?

– Чет элда ишлашади, дердим.

– Бир куни болалар орасида жанжал чиққанида биттаси чидолмай ғирт етимлигини тан олган эди. «Ота-онам туғилишим билан ташлаб кетган, етимхонадан чиқаман-у, уларни қидириб топиб, жазоларини бераман», деб барчамизнинг олдимизда қасам ичган эди. Ўртоқларингиз орасида шунаقا аламзадалар бор бўлгандир-а?

– Ота-оналарини қидирмоқчи бўлганлар бор эди, лекин жазолашларини гапиришмаган.

– Ўша боладан «қандай қилиб жазолайсан?» деб сўраганимда, тишларини ғижирлатиб туриб: «Иккаласини оёғидан дарахтга осаман, кейин милиса-га бораман, кейин мени суд қилишади, охирги сўз беришганда дунёдаги барча ғирт етимларга қараб: «боласидан кечган ота-оналар жазосиз қолмаслиги керак», деб нидо қиласман», деган эди. Бу гапни сира унугомонийдик мураси, назаримда унинг ўша хитоби барча етимларнинг қарори бўлса керак. Болаликдаги қарор қатъий бўлади, эртами-кечми амалга ошади, шундайми?

Соҳиб нима деб жавоб қайтаришни билмай, ҳимоячисига нажот кўзи билан қаради.

Ҳимоячи уни бу мушкул ҳолатдан қутқариш учун шарт ўрнидан турди:

– Норозилик билдираман, прокурор айбланувчи-ни чалғитиши йўли билан иқрор қилдирмоқчи.

– Норозилик қабул қилинди, – деди ҳакам. – Ҳар хил чекинишлардан сакланиб, «Иш»га алоқадор зарур саволларни беринг.

Прокурор «менга ҳаммаси ойдин бўлди», деб жойига ўтирди. Ҳимоячи эса давом этди:

– Сиз ишлаб топган пулингизни ота ва онангиздан яшириб, йиғаётган экансиз?

– Ярмини уйга ишлатардим, ярмини йифардим, – деб аниқлик киритди Соҳиб.

– Ота ва онангиз ичкилик учун пулни қаердан топишарди?

Соҳиб жавоб ўрнига бошини эгди. Қайси фарзанд «Ота-онам кўчада ахлат титиб, қофозми латтами тўплаб сотишарди, камига тиланчилик қилишарди», дейди? Соҳиб бу шармандалик юкини кўтаролмагани учун ҳам бошини эгиб, паст овозда «бilmайман», деб қутулмоқчи эди, ҳимоячи бунга йўл қўймади:

– Воқеа содир бўлган куни отангиз ҳам, онангиз ҳам маст бўлишган. Сиз эшикни қулфлаб чиқиб кетган бўлсангиз, ароқقا пулни қаердан топишган, умуман, ароқни ким келтирган?

– Бilmайман...

– Йиғаётган пулингизни ота-онангиз топиб олишмаганми?

Соҳиб бошини кўтариб, «шу ростми?» дегандай онасига қаради. Кўзлар тўқнашди. Она бу қарашга дош беролмади:

– Тухмат қилманг, уйга битта нон кўтариб келмайдиган болада пул нима қилади?

– Ойи, унақа деманг, бозор қилиб чиқардим-ку? – деди Соҳиб зорли оҳангда.

– Сўроқни узмай туриб, жабрланувчига савол бермоқчиман, – деб ҳимоячи ҳакамдан изн сўради.

– Марҳамат, жабрланувчи, ўрнингиздан туриб, жавоб беринг.

- Садир Минуллин деган одамни танийсизми?
- Танимайман.
- Ҳа... Түғри, Минуллинни танимаслигингиз мүмкін, лекин «Қозон» деганни билишиңгизни рад этолмасаңгиз керак. «Қозон» – Минуллиннинг лақаби.
- Қозонни ҳам танимайман, чўмични ҳам танимайман, – деди аёл қўрслик билан.
- Минуллин туман маҳкамаси ҳукми билан мажбурий даволанишга ётқизилган. Мен у билан учрашиб, қўрсатмаларини ёзиб олдим, – деб ҳимоячи қоғозлар орасидан бир варагни ажратди. – Ўша куни Минуллин буларни кута-кута толиқиб, уйларига келган, эшик қулфлиги учун орқасига қайтмоқчи бўлганда марҳум балконга чиқиб, уни чақирган. Кўчага чиқолмаслигини билдириб, учта ароққа етадиган пулни пастга ташлаган. «Иккитаси бизга, биттаси сенга хизмат ҳақи», деган. Арzon мусаллас ичиб юрадиган одамда учта ароққа етадиган пул пайдо бўлганидан Минуллин ажабланганида «узумини егину, боғини суриштирма», деб сўкиб берган. Минуллин вазифани бажарган, марҳум арқонга боғлаб туширган халтага икки шиша ароқни солиб, узатган. Мазкур қўрсатмани «Иш»га қўшиб қўйишингизни сўрайман.
- Эътиroz билдираман, – деди прокурор. – Ароқхўрга юз грамм қуйиб берилса, Америка президентига ким суиқасд уюштирганини ҳам кўрган бўлиб чиқади.
- Прокурор томонидан ҳимояга тухмат қилинняпти, норозилик билдираман.

– Норозилик қабул қилинди. Томонлар, ўзаро хурмат ва одоб доирасидан чиқмасликларингни талаб қиласман, – деди ҳакам. – Кўрсатма ўрганиб чиқиш учун қабул қилинади.

Соҳиб жавоб бериши лозим бўлган саволлар ниҳоясига етгач, гувоҳлар бир-бир чақирилдилар. Иккинчи гувоҳдан кейин прокурор кўрсатмаларда чалкашликлар борлигини баҳона қилиб, ўн кунга танаффус эълон қилинишини сўраган эди, ҳакам унинг илтимосини рад этиб, танаффусни бир соат деб белгилади.

Шомга яқин барча гувоҳлар сўроқ қилиб бўлинди. Ҳакам томонлар баҳсини ҳам кейинга қолдиришни истамади. Унга ҳар иккала томоннинг айтар гаплари олдиндан маълум эди. Прокурор, шубҳасиз, яна айлов хulosасидан чекинмай гапириб, айланувчini озодликдан маҳрум қилишни талаб этади. Ҳимоячи эса тергов томонидан қўйилган айб асосиз бўлгани учун исботланмаганини айтиб, йигитчани шу ернинг ўзида озод қилинишини сўрайди.

Ҳакам адашмаган эди. Прокурор одатига хилоф этмагани ҳолда, тергов хulosаларидағи айловдан чекинмади. Маҳкама жараёнида ҳеч гап бўлмагандай, гувоҳлар гапирмагандай фикрига ўзгартиш киритмади. Ҳимоячи кўрсатмаларга асосланиб, фожиа аслида қандай содир бўлганини аниқ баён қилиб берганда ҳакамнинг кўнгли равшанлашди. Соҳибининг бўздек оқариб турган юзига қон юргургандек бўлди. Ҳимоячи «шу ернинг ўзида озод қилишини сўраганида» Соҳиб Темир панжара эшигини очармикин, деган илинжда милиция соқчисига умид кўзларини қадади.

«Хаммаси тўғри баён қилинди, – деб ўйлади ҳакам, ҳимоячига мамнун боқиб. – Эр хотин молдай ичса ҳам тўймаган. Кейин эр балкондан осилиб тушиб ароқ топиб келмоқчи бўлган. Ўғли яшириб қўйган пулни топиб олгани ҳам рост бўлиши керак...»

Жабрланувчи аёл кутилмаганда ўрнидан туриб, аввал ўғлига, кейин ҳакамга жавдираб қаради:

– Энди сал-пал эсимга тушди. Мен сизларни алдаганим йўқ... Маст бўлиб ётиб қолувдим. Фира-шира эсимда... Яна тортиб қолувди, қарасак, тамом бўлибди. Адаси балконга чиқиб, Қозонни чақирганларини эшитдим. Қозон келмади. У ҳам учиб қолган бўлса керак. Қозон икки юз граммдан нарига ўтолмасди. Адаси сўкиниб-сўкиниб пулни олдилар. Қўшнининг балконига ўтиб, ўшанақаси кўчага чиқиб ароқ топиб келмоқчи бўлувдилар. Соҳиб ишдан келмаган эди... Алдаётганим йўқ... Эсимдан чиқиб қолибди...

«Хайрият, Худо инсоф бергани рост бўлсин», деб енгил нафас олди ҳакам. Прокурор эса жаҳл билан ўрнидан турди-да, «ароқ ичавериб мияси суюлиб қолган» хотиннинг кўрсатмасига танқидий муносабатда бўлишни талаб қилди. Ҳимоячи эса баҳс сўнгида луқма бериш ҳукуқидан фойдаланиб, аввалги мажлисда ҳимоянинг айни шу эътирозини рад этганини прокурорга эслатиб қўйди.

Ҳакам ҳукмни тайёрлаб, эълон қилиш учун эртага соат ўнга қадар танаффус эълон қилди...

АХЛИ ДОНИШ МЕРОСИДАН

Май косаси ичида жилваланиб турган қүёш алдамчи қүёшdir. У сенинг оғзингта ботишидан эҳтиёт бўл.

Ақлдан оздирадиган ҳар қандай модда, гарчи у май бўлмаса ҳам, майнинг яқин қариндошидир.

Май косаси майхўр қўлида тилга кирганида уни ўз ичида кўтариб туришдан ор қилаётганини айтиб берган бўлур эди.

Май ўз ичувчиларининг яширин сирларини ошкор қилиб беради.

Май ичишга одатланган киши унинг йўлида ҳамма нарсадан, ҳатто энг керакли буюмлари ва соғлиғидан ажаралади.

Май ёмон ишларни яхши қилиб кўрсатади, ўша ёмонликлардан қайтариб юрган кишиларнинг ўзлари ҳам уларга мубтало бўлиб қолишади.

Май ичувчилар сувга бораётган пода каби оғзидан нима чикқанини билмай бақираверади.

Эй май, улуғ мартабалар биноси ва ақл кошоналари сен туфайли харобага айланди.

Ичкилик ичиб ақлни бир нафас йўқотган киши оғир мусибатга учраб ўлганлар қаторида бўлади.

Ақл-идроқда дengизга қиёс қилишга арзийдиган кишининг бир коса майга ўзини ғарқ қилиши айб ва беҳаёлиқдир.

Ичкилик мансаб ва обрўда улкан тоғ ҳисобланган улуғ кишиларни ҳам тўрт оёқли ҳайвонга айлантиради.

Ичувчилар оз фурсатли «лаззат»ни кўзлаб, кетидан келадиган фалокатларга эътиборсиз қарашади.

Сен ичкиликини сира ичма: у ақлдан, түғри фикрлашдан адаштиради, озгина хурсандчилик, кайфу сафо эвазига узоқ муддатли қайға ва баҳтсизлик-ларга гирифтөр қиласы.

Шариат ичкиликини ҳаром деб эътироф қилди, агар ҳалол, деганида ҳам мен уни ўз нафсимга асло раво күрмас әдим.

Биз ўз фойда-заарини билмайдиган маҳлуклармиз, ахир дунёда майдан бошқа ҳам лаззат берувчи неъматлар жуда кўп-ку!

Майхўр ҳаёт қадрини билганида эди, майни дўстларига эмас, душманларига ичирган бўлур эди.

Ичкилик барча балоларнинг эшиги, сен ўша эшикка бош суқищдан эҳтиёт бўл!

Май дўстларни койиш, улар билан жанжаллашиш, ҳамсуҳбатларга озор бериш ва яқин кишилардан жудолашибга сабаб бўлади.

Мен ўз ҳаётим билан онт ичиб айтаманки, май шишеларини ушлаган қўллардан темир-терсак билан шуғулланувчи темирчининг қўли покизароқдир.

Эй май! Агар сенда кишиларга озор беришдан бошқа бирор хусусият бўлганида эди, албатта, унда сени ичиш раво кўриларди.

(Абу Аъло ал-Маарий, қадимги араб шоири)

* * *

Майхўр кишига ҳеч бўлма ошно,

Ундайлардан узоқ юрганинг авло.

(Фарииддин Аттор (1148 – 1220 йиллар) – буюк тасаввуф олими ва шоири)



«Шароб, уни ичадиган кишида, тўрт сифатни юзага чиқаради. Аввало киши товусга ўхшаб қолади – у гердаяди, унинг ҳаракатлари мулойим ва улуғвор. Шундан кейин маймун феълини ўзида намоён этади ва ҳамма билан ҳазил-мазаҳ қиласди ва ўйнашади. Сўнгра у арслонга ўхшаб қолади ва ўз-ўзига ишонган, мағрур, ўз кучига ишонч ҳосил қилган бўлади. Лекин охир оқибатда чўчқага айланади ва унга ўхшаб лойга булғаниб ётади».

«Майхўрлик – барча иллатларнинг асоси» (Абул Фарож – араб шоури, 897 – 967 йилларда яшаган).

«Коровул маст бўлса, бош кесар ҳам дадил бўлади» (Низомий Ганжавий – озарбайжон шоури, 1142–1203 йилларда яшаган).

Хору-хасни кўрсатур бир шуъла тупроқ устида,
Оқибат аҳли ҳавасни айлагай расво шароб.

Май аввал юзга ранг берур, сўнг эса безрайтуур (Саъдий Шерозий – форс шоури, 1184 – 1292 йилларда яшаган).

«Эй фарзанд, билгилки, сенга шароб ич, деб айтмасман. Аммо ичма, деб ҳам айтмасман. Негаки, ёш йигитлар қари кишининг сўзи била йи-

гитлик вақтининг ишларин тарк этмаслар. Менга ҳам йигитлигимда кўп панд бердилар, мен ҳам қабул қилмадим. Аммо эллик ёшимдан сўнг тавбатавфиқни қабул этдим.

Эй фарзанд, агар шароб ичмасанг, икки жаҳон фойдасини топғунгдир: Ҳақтаолонинг хушнудлигин ҳосил қилғунгдур, ва халқнинг маломатидан қутулғунгдур, мен ҳам сени ўзумга ниҳоятсиз дўст тутғумдур. Шароб ичмас бўлсанг кишиларнинг таъна надоматидан ва беақл кишиларнинг хулқ-атвори ва одатларидан қутуласан ва ёмон ишлардан халос бўласан» («Қобуснома»дан, XI аср).

* * *

«Кўп ичиш – ақлдан озиш машқидир».

* * *

«Нодонлар ичкилик ичганда маст бўладилар, баҳтсизликда эса – ақл-хушдан ажраладилар».

«Маст одамдан қандай қилиб ичкиликни ташлаш йўлини сўрамоқчимисан? Унинг учун мен жавоб бераман: мастиликда қилган ишларини кўпроқ ўйлаб қўйисин» (Пифагор – юнон файласуфи ва математик олими, эрамиздан аввалги 580 – 500 йилларда яшаган).

* * *

«Майхўрлиги туфайли одам кўпинча ўзига ўзи ашаддий душманлик қиласди» (Цицерон – Рим файласуфи, эрамиздан аввалги 106 – 43 йилларда яшаган).

* * *

«Кўзгу киши юзини акс эттирганидек, мастилик унинг руҳий башарасини очиб кўрсатади» (Эсхил – юнон драматурги, эрамизгача 525 – 456 йилларда яшаган).

* * *

«Чанқоғини сув билан эмас, ичкилик билан қондирган одам ҳайвондан ҳам бешбаттар» (Диоген – юнон файласуфи, эрамизгача 404 – 323 йилларда яшаган).

* * *

«Менинг назаримда, ичкиликбозлик қолган барча гуноҳлар ичида энг қўполи ва пасткашидек туюлади» (M. Монтень – француз файласуфи, XVI аср).

* * *

«Қанчадан қанча зўр ишлар ва ҳатто қанчадан қанча ажойиб одамлар майхўрлик қурбони бўлиб кетганлар».

* * *

«Маст одамга ёруғ кўча ҳам зулмат» (K. Ушинский – рус маърифатпарвари, XIX аср).

* * *

«Бошқалар томонидан йўқ қилинган кишилардан кўра ўзини ўзи йўқ қилган майхўрларнинг сони анча-мунча кўп» (Ж. Леббок – инглиз табиатшуноси, XIX аср).

«Афсуски, ўз хатоларимиздан олган сабоқларимиздан фойдалана оладиган даражада кўп яшамаймиз» (Ж. Лабрюйер – француз адаби, XVII аср).

* * *

«Майхўрликка берилиш яхши фазилатларга эшикни беркитиб, жуда кўп иллатларга уни очиб беради» – (В. Максим – Рим тарихчиси, I аср).

* * *

«Кўпгина ёвузликларнинг сабаби май шишаси тагида ётади» (И. Вазов – болгар адаби, XX аср).

* * *

«Ичкиликбозлик – ваҳшийлик оқибати бўлиб, қадим ва ёввойи ўтмишдан бошлаб инсониятни ғиппа бўғиб келмоқда, одамзоднинг энг яхши на-мояндаларининг ёшлигини ғажиб, кучини совуриб, қувватини сўриб, ҳалокатга учратиб, инсониятдан мудхиш хирож довлаб келмоқда».

* * *

«Муваффақиятсизликка учраган пайтимизда, бўшашган пайтимизда, чарчаган пайтимизда доимо бизга ичкилик қўл чўзади. Лекин унинг ваъдалари пучдир: у куч бағишлайман дейди-ю, аммо алдайди, кўнгилни кўтараман дейди-ю, аммо бу ҳам соҳта».

* * *

«Бир қадаҳ – ичкиликнинг бошланиши, ўртаси эса – ичадиган улфатларга қўшилиб, муқим ширакайф юриш, таом олдидан икки қадаҳдан отиб олиш. Охири – маст ҳолда одам ўлдириб ёки ўғирлаб қамоқхонага ёинки жиннихонага ёки арзимаган дардга чалиниб турға тушиш билан тугайди».

* * *

«Ақлий меҳнатдан толиққан қанча-қанча кишилар ва қанчадан қанча қора ишчилар ичкилик домига илиниб, ўзларини ўлимга олиб борувчи мудҳиш йўлга кирадилар».

* * *

«Маст одам соғлик пайтида етти ухлаб тушига кирмаган ёмон ишларни қилишга ҳам қодир».

* * *

«Ёшларнинг кўпчилик қисми ичкиликбозликка шу қадар бегонаки, спиртли ичимликларнинг борйўклиги ҳам уларга унча сезилмайди. Ўсмирлар қачонлардир ўтмиш вақтларда одамлар майхоналарга қатнаганини китоблардан ўқиб биладилар ва бу нарса қўтослар жанги ва алвастиларни ўтда ёндириш каби уларга жуда эриш одат бўлиб туюлади» (Ж. Лондон – америка адаби, XIX аср).

* * *

«Ичкилик ичиш инсониятга, гарчи у хурсандлик учун ичилса ҳам, шодликдан кўра кўпроқ мусибат келтиради. Қанчадан-қанча истеъдодли ва забар-

даст одамлар ичкилик туфайли нобуд бўлдилар ва нобуд бўлмоқдалар» (И. Павлов – рус физиологи, XIX – XX аср).

* * *

«Ҳар қандай ҳужум ва жиноятлар ҳам халқни ва халқ бойликларини ичкиликбозликдек қийратмайди» (Ф. Бэкон – инглиз файласуфи, XVI аср).

* * *

«Ичкиликбозлик инсон, жамият ва давлатнинг энг ёмон душманидир» (П. Ковалевский – рус психиатри, XIX аср).

* * *

«Ичкиликбозлик шундай бир ижтимоий ёвузлики, уни баҳолаш ҳам қийин» (В. Бехтеров – рус психиатри, XIX аср).

«Ичкиликка муккасидан кетган одам номус, урф одат ва мулозаматларга ёмон муносабатда бўлади, маънавий тўқнашувларга, ўз оиласининг хонавайрон бўлиши, қўни-қўшиларининг нафратига бефарқ қарайди; у раҳмсиз, худбин ва сурбетга айланади» (Р. Крафт-Эбинг – австриялик психиатр, XIX аср).

* * *

«Биз бир-биrimizning саломатлигимиз учун ичиб, шахсий соғлиғимизни йўқотамиз» (Жером К. Жером – инглиз адаби, XIX аср).

* * *

«Майхўрлик нафосатни ўлдиради, май ёшликтини
қисқартиради» (*Гораций – Рим шоури, I acр*).

* * *

«Барча иллатлар ичида ичкиликтозлик, айниқса,
киши рухи улуғворлигига дөг бўлиб тушади» (B.
Скотт – инглиз адаби, XVIII acр).

* * *

«Ичкилик одамларнинг жисмоний соғлиғини
нобуд қиласди, ақлий қобилиятини нобуд қиласди,
оила ҳаловатини нобуд қиласди ва энг даҳшатлиси,
одамларнинг қалбини ва уларнинг авлодини нобуд
қиласди».

* * *

«Майхўр одам на ақлий жиҳатдан, на ахлоқий
жиҳатдан ҳеч қачон олдинга қараб юрмайди».

* * *

«Спирт анатомик парепаратларни қотиргани
каби ичкиликтознинг қалби ва ақлинини ҳам қотириб
қўяди».

* * *

«Кишилар ичкилик ичиб янада баттар
қўполлашиб, тентаклашиб ва бераҳмлашиб боради-
лар».

«Ўғри ва қотил камдан-кам ҳолларда ўз ишини
хушёр пайтида қиласди».

* * *

«Инсониятга доғ бўлиб тушувчи жиноятлар-нинг ўндан тўққиз қисми ичкилик қистови билан қилинади».

* * *

«Аслида киши ҳаёти учун энг зарури ақлга ўхшайди-ю, шунга қарамай кўпгина одамлар ўз ҳузурларини ўйлаб шу ақлни тамаки, вино, ароқ билан заҳарлашдан ҳам тоймайдилар».

* * *

«Агар одамлар ичкиликтан ақлларини йўқотиб, ўзларини заҳарламаганларида эди, ҳаётимизда нақадар тотли ўзгаришлар юз беришини тасаввур этиш ҳам қийин».

* * *

«Ақлимиз ва виждонимиз биздан ичкилик ичмаслик ва ичирмасликни қатъян талаб этади».

* * *

«Чекиш ва ичишни ташлаш жуда қийин, деган тасаввур соҳтадир, бу фикрга бўйин эгмаслик керак».

* * *

«Одам ичишга имконияти бўлмай қолганда эмас, балки шундоқ хонасида, рўпарагинасида ичкилик тургани, унинг ҳидини сезгани ва сал қўлини чўзса олиши мумкин бўлгани ҳолда уни ичмасагина ичкиликни ташлайди».



«Киши ичишни ва чекишни ташласа, барча ҳаёт ҳодисаларини унга янгитдан очиб берувчи ақлий тиниқлик ва босиқ дунёқарашиб эга бўлади».

* * *

«Агар одамлар ароқдан, винодан, тамакидан, афюндан ақлларини йўқотиб, ўзларини заҳарламаганларида эди, бутун одамзод ҳаётида қанчалар ҳаётбахш ўзгаришлар юз беришини тасаввур этиш ҳам қийин» (Л. Толстой – рус адаби, XIX аср).

* * *

«Анави киши мастиқдан қалтираб қолган қўллари билан стакандан нима ичаётганини биласизми? У хотини ва болаларининг кўз ёши, қони ва ҳаётини сипқоряпти» (Ф. Ламенне – француз адаби, XIX аср).

* * *

«Эр қанча кўп ичса, хотини ва болалари шунча кўп кўз ёши тўккан, дейиш мумкин».

* * *

«Мастлик ва маданият – муз ва оловдек, нур ва зулматдек ўзаро бир-бирига мутлақо қарама-қарши тушунчалардир... Мастлик ва жисмоний тарбия бир-бирига ётдир».

* * *

«Ичкилик инсон соғлиғига фақат танани заҳарлаши билангина путур етказиб кўя қолмайди,

у ичкиликтоз одамни бошқа ҳар турли хасталикларга мойиллаштириб қўяди».

* * *

«Қўли қалтирайдиган, хиралашган кўзи билан зўрға кўрадиган, ёмон эшитадиган, нафас сиқишидан ҳарсиллайдиган ичкиликтознинг қилган иши нима бўларди» (*Н. Семашко – рус жамоат арбоби, XX аср*).

* * *

«Ичкиликтозлик одамзод истиқболининг энг ашаддий душманидир» (*А. Форель – швейцариялик невропатолог олим, XIX аср*).

* * *

«Зерикиш шишадан – ўйин-кулгини, қўрқоқлик – журъатни, ландовурлик – қатъиятни, ғам эса қувончни излайди-ю, охири ўз ҳалокатини топади» (*Б. Жонсон – инглиз шоури, XVI аср*).

* * *

«Ароқ ўзи оқ, аммо бурунни қизартириб, обрўни қора қиласди» (*А. Чехов – рус адаби, XIX аср*).

* * *

«Ичкиликтоз гаранг қиласди, ҳамма насани унуттириб, сохта хурсандчиликка бошлайди, жазавага солади; киши қанчалик саёз, қанчалик ўз қобиғига ўралиб қолган бўлса, бу гаранглик ва жаза-

ва унга шунчалик ёқади» (A. Герцен – рус адаби, XIX аср).

* * *

«Ичкиликтің кишини ҳайвонға айлантириб, вахштілештиради, уни бешафқат қилиб, яхши фиглярдан чалғитади, мияни ўтмаслаштиради» (Ф. Достоевский – рус адаби, XIX аср).

* * *

«Маст одам – одам әмас, чунки у инсонны ҳайвондан ажратып турувчи – ақлинни йүқтөтгөн» (Т. Пейн – америкалық публицист, XVIII аср).

* * *

«Мастлик маълум вақтгача бўлса ҳам кишини тубанлаштиради, ақлдан оздиради ва бора-бора уни ҳайвонға айлантиради» (Ж. Руссо – француз ёзувчиси, XVIII аср).

* * *

«Одамнинг ҳайвонлиги тутганда у ҳайвондан ёмон» (Р. Тагор – ҳинд ёзувчиси, XIX – XX аср).

* * *

«Маданиятли кишилар ҳам мастликда ўз қиёфаларини йүқотиб, инсонгарчилікдан чиқадилар» (Жюль Верн – француз адаби, XIX аср).

* * *

«Мастлик ўзи истаб жинни бўлишдир».



* * *

«Ичкилик ичиш – заҳар ичиш каби заарлидир»
(Сенека – Рим ёзувчиси, I acр).

* * *

«Биринчи қадаҳ чанқоқни босиш учун, иккинчиси – хурсандчилик, учинчиси – кайф қилиб хузурланиш, тўртингчиси эса – ақлдан озиш учун ичилади» (Анахарсис – скифлар файласуфи, эрамизгача VII acр).

* * *

«Мастлик ғирт ақлсизлик, у бизни истеъдодларимиздан маҳрум этади» (Солон – юнон файласуфи, эрамизгача 638 – 559 йилларда яшаган).

* * *

«Зигирдек ичкилик ҳам ҳаётбахш фикрларнинг йўлинни тўсади, у туғилган пайтдаёқ йўқ қиласди» (Г. Гельмгольц – немис табиатшуноси, XIX acр).

* * *

«Ақлни камайтиришнинг энг нақд воситаси ичкилиkdir» (В. Данилевский – рус физиологи, XIX acр).

* * *

«Ичган киши сир сақлай олмайди ва ваъдасига вафо ҳам қилмайди» (М. Сервантес – испан адаби, XVI acр).

* * *

«Йчкилик телба одамни ҳам, донони ҳам бирдай енгилтак қилиб қўяди» (Феогнид – юонон шоири, эрамизгача XI асрда яшаган).

* * *

«Мен ҳеч қачон дунёда чарчоқни ёзиш, фикримни ойдинлаштириш учун ичкиликка ошно бўлишни истамас эдим» (Т. Гексли – инглиз табиатшуноси, XIX аср).

* * *

«Маст одам манфур ҳайвондан ҳам баттар бўлса, бу ҳамманинг айби» (К. Паустовский – рус адаби, XX аср).

* * *

«Ҳамма ҳам ейди, ичади, аммо фақат ёввойи-ларгина хурмачасига ортиқча ичиб, бўкиб қолгунча ейди» (В. Белинский – рус адабиётшуноси, XIX аср).

* * *

«Ҳар қандай бақувват гавдани ҳам ичкилик емириб ташлайди» (Плутарх – юонон файласуфи, I аср).

* * *

«Майхўр одам ҳеч қачон ўз саломатлигининг гаштини суролмайди ва узоқ умр ҳам кўролмайди» (А. Нелюбин – рус фармакологи, XIX аср).



* * *

«Ичкилик спирти күчга куч қўшолмайди, қайтага бўшаштиради, дилни, вужудни ва характерни ёшартирумайди, қайтага қаритади ва ақлни сусайтиради» (Р. Коҳ – немис микробиологи, XIX аср).

* * *

«Ичкилик таъсиридан пайдо бўладиган ҳаммага маълум қизиллик – аслида қон томирчаларининг фалаж бўлишидан бошқа нарса эмас» (Г. Бунге – немис биохимиоги, XIX аср).

* * *

«Майхўрлик заарлидир, у жигар ва мия фаолиятини бузади, асабни бўшаштириб, асаб касаллиги ва бевақт ўлимга олиб келади» (Ибн Сино – 980 – 1037 йиллар).

«Ичкилик тана аъзоларини емириб, унинг юқумли касалликларига бардош бериш қувватини олиб қўяди» (А. Бодрияллар – француз публицисти, XIX аср).

* * *

«Болалардаги нимжонлик ва касалмандликнинг сабаби ичкиликбозликдир» (Гиппократ – юнон медиги, эрамизгача 460 – 377 йиллар).

* * *

«Ичмайдиганларга нисбатан ичувчиларда ҳар қандай касаллик ҳам оғир ва хатарли ўтади... Ичкилик ҳар қандай хавфли юқумли касалликлардан ҳам кўра кўпроқ одамларнинг ёстигини қурилади».

* * *

«Ичкиликбозлик ва жиноят – туғишган оғасингиллиги врачлар ва криминалистлар томонидан аллақачонлароқ исботланган. (К. Бэр – *рус табиатшуноси, XIX аср*).

* * *

«Одамлар вабодан қўрқишади-ю, аммо ичкилик ундан ҳам бешбаттар» (О. Бальзак – *француз адаби, XIX аср*).

* * *

«Барча юқумли касалликларни қўшиб ҳисоблагандан ҳам инсониятнинг ичкилиқдан нобуд бўлган қисми кўплик қиласди» (Ж. Рошар – *француз медиги, XIX аср*).

* * *

«Ичкиликбозлик уч тарихий мусибат: очлик, вабо ва урушдан ҳам кўра кўпроқ вайронагарчилик келтиради» (В. Гладстон – *инглиз ёзувчиси, XIX аср*).

* * *

«Ичкиликни суиистельмол қилиш – ёмон шиш касалликлари (рак) келиб чиқишининг бир сабаби бўлиши мумкин» (А. Богомолец – *рус физиологи, XX аср*).

* * *

«Шишада мен даҳшатли манзарани кўраман, у шиша ичидаги нарсадан келиб чиқади: назаримда, илмий табииёт музейидаги шишаҷада беўхшов

чаёнлар, илонлар ва муртакларни кўриб турганга ўхшайман» (Г. Гейне – немис шоири, XIX аср).

* * *

«Ичкиликбозлик киши ўлган билан тугамайди; у фоят беҳисоб ва турли-туман йўллар орқали авлодларга ўтаверади» (А. Фурнье – француз медиги, XIX аср).

* * *

«Ичкиликбозлар ўз уруғ-авлодларига турли хил оғир хасталикларни инъом этиб қолдирадилар, улар ичидаги энг ёмони руҳий касалликдир» (В. Канель – рус медиги, XIX аср).

* * *

«Кўпгина тентак ва ақли заифлар ичкиликка берилган ота-оналардан туғиладилар» (Ф. Бэкон – инглиз олими, XVI аср).

* * *

«Ичкиликка ружу қўйган аёллардан туғилган болалар ўз оналарига ўхшаган бўладилар» (Арасту – Аристотель – юонон файласуфи, эрамизгача 384 – 322 йиллар).

* * *

«Одамни тентак қиласман десанг, унга муттасил ичкилик ичиришдан бошقا тузукроқ йўл йўқ» (Э. Крапелин – немис психиатри, XIX аср).

* * *

«Кимки ичса, у тубанлик йўлига кирган бўлади»
(Ж. Чосер – инглиз шоури, XIV аср).

* * *

«Ичкиликбозлик бузуклик анқиб турувчи қиморхонага, порахўрликка, камомадга, чидаб бўлмайдиган жинсий бебошликка ва зўравонликка йўл кўрсатиб берувчи нурсиз нишондир» (Е. Ярославский – рус публицисти, XX аср).

* * *

«Ичкиликбозлик ва жиноят ижтимоий ҳаётнинг бир-бири билан доимо узвий боғланган икки ҳодисасидир» (И. Мережевский – рус психиатри, XIX аср).

* * *

«Ичкилик одамни қотил ва ўғрига айлантиради»
(К. Колтон – инглиз адаби, XIX аср).

* * *

«Ичкилик – турмани тўлдириб турувчи хизматкор» (А. Бодрияллар- француз публицисти, XIX аср).

* * *

«Бугунги кунда барча тузумларнинг жиноятлари-ни ҳам, безорининг хириллашини ҳам, турмушдаги доғларни ҳам фақат қанча пиво ва ароқ ичилгани билан ўлчайсан» (В. Маяковский – рус шоури, XX аср).

* * *

«Ҳамма ичган ичкиликтоз эмас. Аммо ичкиликтининг хусусияти шундаки, уни ича бошлаган одам осонгина ичкиликтозга айланиб қолиши мумкин» (П. Ковалевский).

* * *

«Оз-оздан пинҳона ичиш доимий сархушликка айланада боради ва сурункали ичкиликтозликнинг барча оқибатларини бошга солади» (С. Корсаков – рус психиатри, XIX аср).

* * *

«Агар ичимликтан сақланиш – арзимас бир қурбон ҳисобланса, бошқалар учун оқ шуни қилинг; агар оғир қурбон ҳисобланса, ўзингиз учун оқ шу қурбондан кечманг» (С. Мэй – американский врач, XIX аср).

* * *

«Инсоният агар бу қадар сархуш бўлмагандага ақл бовар қилмас ютуқларни қўлга киритишга қурбига етарди».

* * *

«Мен туни билан бош оғригини келтириб чиқарувчи майхўрликка берилиб, кундузи ихраб юрадиган кишиларга ўхшашни сира-сира истамас эдим». (И. Гёте – немис шоюри, XVIII аср).

* * *

«Агар ҳаётингни ароқ билан суғормаганингда эди, у мудхиш қушкўнмас дарахтни ҳам бино қилмасди ва у ароқ таъсирида жирканч бир тарзда бу қадар шохлаб ҳам кетмас эди» (А. Луначарский – рус маърифатпарвари, XX аср).

* * *

«Ичмаслик – ўчоққа ўтин, қозонга – гўшт, дастурхонга – нон, давлатга – даромад, ҳамёнга – пул, танга – куч, энгилга – кийим-бош, мияга – ақл, оиласлаға фаровонлик баҳш этади» (Б. Франклун – американлик сиёсий арбоб, XVIII аср).

* * *

«Ароқ ичманг, тамаки сўраб юрагингизни қийнаманг ва сиз Тициан умрини кўрасиз» (И. Павлов – рус физиологи, XIX аср).

* * *

«Мен улгайганимдан бери ҳеч қачон ўзимда чекишга эҳтиёж сезмадим ва бу одатни ҳамиша ваҳшийлик, ифлослик ва кони зарап деб биламан» (М. Ганди – ҳинд мутафаккири, XIX – XX аср).

* * *

«Ғам-ғуссани ичкилиқдан бошқа барча йўл билан бартараф этиш мумкин» (С. Жонсон – инглиз шоири, XVIII аср).

* * *

«Ичкиликтозлик» деб аталган ёвузын жуда катта давлат аҳамиятига эга, чунки ичкиликтозлик кучайиши билан мамлакатда халқнинг жисмоний ва аклий қуввати, меҳнат лаёқати ҳам пасаяди, дея қатъият билан айтиш мумкин, натижада мамлакатнинг иқтисодий кучи ва шу билан бирга унинг ахлоқи ҳам бўшашади, оқибатда жиноятлар сони кўпаяди» (В. Бехтеров – рус психиатри, XIX аср).

* * *

«Аянчли тақдир осмондан тушмайди, у инсоннинг аҳмоқлигидан келиб чиқади» (Л. Альберти – итальян меъмори, XV аср).

* * *

«Ичкиликка одатланишдан ўтиб тушувчи золим йўқ. Токи одам ўзининг ярамас одати фармойишларига қарши туролмас экан, у эркин бўла олмайди».

* * *

«Фаросатсизлигимиз ва иллатларимиз туфайли ҳаётимизни барбод этамиз-да, кейин унинг оқибатида келиб чиқсан кулфатлардан нолишга тушамиз ва охири «баҳтсизлик пешонада бор эканда», деб гапириб юрамиз» (К. Боуви – америкалик адаби, XIX аср).

* * *

«Ичкиликни ташлаб, ўз ҳаётини яхшилаб олишга шошилмаган одам дарё бўйида ўтириб сувнинг ту-

гашини кутган тентакка ўхшайди» (Гораций – Рим шоюри, I аср).

АРОҚНИНГ КАСОФАТИ

Ичкиликтозлик Фарб ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бўлган. Пиво ва вино каби мастилувчи ичимликлар йигирманчи асрдаёқ аксарият оврупаликлар учун асосий «хузурбахш» ичимликка айланиб улгурди. Кўплар ичкиликка берилишнинг ёмон оқибатлари ва заарларини билса-да, бу ҳақда жуда кам одам бош қотиради.

2007 йилда Буюк Британия ҳукумати жуда ташвишли маълумотларни эълон қилди. Унда айтилишича, спиртли ичимликлардан кўриладиган заарар йилига 20 миллиард фунт-стерлингдан ошар экан. Ичкилик сабаб бўладиган караҳтлик ва турли касалликлар натижасида бир йилда 17 миллион ишкуни йўқотилиб, иш берувчилар салкам 6,5 миллиард фунт-стерлинг заарар кўришади. Мамлакат солиқ тўловчиларининг 1,7 миллиард фунт-стерлинг маблағи йилига ана шу бемаъни ишга сарф бўлиб кетади.

Одамлар ароқ ва вино кабиларнинг соғлиқ учун қанчалик хавфли эканидан хабардор қилинган. Соғлиқни сақлаш хизмати маълумотларига кўра, мастилик натижасида йилига 1 миллион 200 минг зўрлаш ҳодисаси содир бўлади. Касалхонага тушган ҳар ўн кишидан бири ичкилик туфайли азият чекади. Дам олиш кунлари, ярим кеча, тонгга яқин бу кўрсаткич еттитадан ўнтагача кўпаяди. 1 миллион

300 минг мактаб ўқувчиси майхўр ота-оналаридан зулм кўради.

Ичкиликбозлик туфайли очилган жиноий ишлар сони йилига 7 миллион 300 мингдан ошади. Мутахассислар фикрича, бу рақамлар ўртача кўрсаткичлардир.

* * *

Хозирги кунда Гарбда ичкиликбозликка қарши бошланган кураш деярли бой берилган. Яқинда спирт ишлаб чиқарувчи биргина «Smirnoff» фирмаси реклама учун 250 миллион доллар пул сарфлади.

Буюк Британияда ичкиликбозлик йилига 22 минг кишининг ўлимига, 150 минг кишининг хасталикдан ёки кўнгилсиз воқеадан касалхонага тушишга сабаб бўлмоқда. Шунингдек, ҳар йили 1 миллион 200 мингтacha зўрлаш, номусга тажовуз қилиш ҳолатлари қайд қилинади. Сиёsatчилар, бу соҳанинг мутахассислари бу ҳолатга қарши киритган таклиф алкоголли ичимликлар билан савдо қилувчи савдо шохобчалари иш вақтини узайтириш, уларнинг кун бўйи очиқ туришини таъминлашдан иборат бўлди.

* * *

Америкалик тадқиқотчи олим доктор Эдвард Хилл спиртли ичимликларнинг асаб тўқималарига, бош мия фаолиятига заарли таъсири шу кунгача эълон қилинган маълумотлардан аслида икки баравар ортиқ эканини аниqlади. Унинг фикрича, ичувчи ёшларда миянинг бошқарув фаолияти сустлашиб, эслаб қолиш ва фикр юритиш қобилияти ич-

майдиган ёшларга нисбатан 10-20 фоиз заиф бўлади. Америкалик майхўрларнинг аксарияти ичишни 12 ёшидан бошлайди. Кузатишлар уларнинг дарс ўзлаштириш қобилияти тенгдошлирига нисбатан жуда паст эканини кўрсатди. Доктор Эдвард Хиллнинг айтишича, ичкилик сабабидан пайдо бўлган руҳий хасталиклар туфайли Фарбда ўз жонига қасд қилишлар тобора кўпаймоқда.

* * *

Ичкиликнинг ҳаромлигини бугунги кунда илмфан ҳам исбот этмоқда. Француз шифокори Дэмме 28 йил мобайнида ўнта оилани қузатган. Бу оила-ларда ота ҳам, она ҳам ичкиликка мубтало бўлганлардан эди. Мазкур хонадонларда дунёга келган 57 та боладан 25 таси ёшига етмасданоқ нобуд бўлган. 17 таси руҳий жиҳатдан хаста бўлган, 5 нафарининг бош миясида сув йигилган, фақат ўнтасигина рисоладагидай ўсган.

* * *

Болаларда ахлоқий бузилишлар, асабий ҳолатлар, жиноятга қўл уриш каби салбий жиҳатлар оиласида майхўрлик туфайли пайдо бўлмоқда. Айниқса, оналарнинг ароққу ружу қўйишлари келажак авлод ҳаётига раҳна солмоқда. Машҳур доктор Ванкамо айш-ишрат қилувчиларнинг фарзандларини тиббий кўрикдан ўтказганида учтасидан иккитасининг бошида чандиқ кўрган. Уларнинг руҳияти текшириб кўрилганида бундан ҳам аянчли ҳолатга дуч келинган.

* * *

Америкада ичкилик ичиш ман қилинган 1920 йили ҳар мингта аҳолидан 13 киши мастилик орқасидан ҳалок бўлган эди, 1925 йилда бу қонун бекор қилиниб, ичкилика рухсат бўлганидан кейин ҳар минг кишидан 86 нафари мастилик туфайли ҳалок бўлган.

* * *

Машҳур доктор Алфина Деброҷ ҳаёт ва ароқ ҳақидаги мулоҳазаларида бундай ёзади: «Спиртли ичимликларни кўп истеъмол қиласидиган миллатларда ўлим кўпайиб, туғилиш камайиб кетади. Ароқнинг мудҳиш оқибати миллат фаолиятини сусайтиради, жиноятларни авж олдиради, ижтимоий иллатлар урчиб кетади. Сархушлик оқибатида кўплаб фалокатлар рўй беради. Касалманд, мажруҳмайиб болалар туғилади, уларнинг ўлими тезлашади. Ҳар бир инсон миллатини саклаб қолишни ўйласа, ичкилик деб аталувчи заҳри қотилга қарши ўт очмоғи лозим».

* * *

1866 йилда Нью-Йоркда икки мингта фоҳиша текширувдан ўтказилганида 569 тасининг отаси, 347 тасининг онаси мунтазам равишида майхўрлик қилгани, қолганларининг оиласида эса ўртача меъёрда ичилгани маълум бўлган. Хуллас, уларнинг ҳаммаси ичкилик туфайли ёмон йўлга кириб кетгани аниқланган.

* * *

Биргина Россияда 2007 йилнинг беш ойида қалбаки ароқдан заҳарланиб, 10 000 киши ҳалок бўлди.

* * *

Дунёда қотилликларнинг 70 фоизга яқини, безориликларнинг 80-90 фоизи мастилик оқибатида рўй беради. Агар алкоголли ичимликлар истеъмол қилиш 35 фоизга камайтирилса, қотиллик 40 фоизга, безорилик эса 25 фоизга камайган бўлур эди.

* * *

Рус шифокори И. В. Стрелчукнинг ёзишича, ароқقا мубтало бўлган алкашларда кўкрак қисиши (стенокардия), юрак мушагининг емирилиши (инфаркт) ёки юракнинг фалажланиши каби баҳтсиз ҳодисалар кўп юз беради.

* * *

Олим В. Кутснинг ҳисоб-китобига қараганда, ичилган юз грамм спиртли ичимлик спортчини икки ҳафтага ишдан чиқаради.

* * *

Тадқиқотчи Ашаффенбург шундай дейди: «Ароқхўр оиласида наслий ногиронликдан ташқари кўплаб фалокатлар рўй беради. Унинг боласи ифлослик ва қашшоқликда ўсади, масти отанинг қилмишларига беихтиёр гувоҳ бўлади, жанжалларни, уриш-сўкишларни кўради. Шундай шароитда ўсган боладан нима кутиш мумкин?»



* * *

Бугунги тиббиёт ароқ ҳақида бундай дейди: «Спиртли ичимликлар одам танасининг барча ҳужайра ва тўқималарига заҳарли таъсир кўрсатади ва энг аввало, сурункали гастрит, ошқозон яраси ка-салликларини юзага келтиради».

* * *

Доктор Т. П. Симпсон маълумотларига кўра, 1000 нафар тентак бола текшириб кўрилганида 500 тасининг отаси, 70 тасининг онаси, яна шунчаси-нинг ҳам отаси ва ҳам онаси алкоголли ичимлик истеъмол қилиши аниқланди. Тутқаноқ касаллиги-га дучор бўлган юзта боланинг 60 тасида ота-онаси ароқхўр бўлган.

* * *

Л. Орловский тадқиқотларидан маълум бўли-
шича, Россияда спиртли ичимлик ичувчиларнинг
16-17 фоизида иш унумдорлиги пасайиб кетган, 20
фоизида оилавий кўйди-чиқди бўлган. Жами жино-
ятларнинг 85 фоизи, безориликларнинг 90 фоизи,
қотилликнинг 70 фоизи, кўча жиноятларининг 47
фоизи, уйдаги фалокатларнинг 22 фоизи, ишхона-
лардаги баҳтсиз ҳодисаларнинг 45 фоизи мастлик-
да содир бўлган.

* * *

Қадимги Рим ҳукмдори Юпитер чўлоқ фарзанд
кўрган. У бунинг сабабини суриштирганида дониш-
мандлар бир овоздан: «Фарзандингни кайф остида

орттиргансан», дейиши. Шу-шу римликлар орасында ўттиз ёшгача ичиш қатъян ман этилди. Чунки донолар шу ёшгача соғлом фарзанд туғилади, деб хисоблашган. Шу важдан кўп жойларда никоҳ куни келин ва куёвга спиртли ичимлик берилмайди.

* * *

Академик Иван Павловнинг шогирди М. К. Петрова тажриба учун итларга 15 – 20 граммдан алкоголни сутга аралаштириб бериб юрган. Асаби кучли итлар 40 дақиқадан сўнг масти бўлиб, эртасига ўзларини соппа-соғ сезишган. Асаби кучсиз итлар эса уч кунгача ўзларини хаста ҳис қилишган. Бу итлар тезда алкоголга ўрганиб қолган, қанча берилса ичаверган. Асаби кучли Жой лақабли ит сут билан 15 грамм алкоголь ичганидан сўнг бир соат чамаси ғалати бўлиб юрган, кейин қайт қила бошлаган, кейин бўйи овқат емаган. Шунда қилиб ичкилика қарши бош мия ғалаёни етти кун давом этган. Саккиз кундан кейин Жойга яна икки марта ўша миқдорда алкоголь ичиришган. Ит яна олти кун касал бўлиб ётган. Шундан сўнг у алкогол аралашган сутни бутунлай ичмай қўйган. Қизифи шундаки, ит оч бўлса-да, кейинчалик алкоголь қўшилмаган сутдан ҳам ҳазар қиласидаган бўлиб қолган.

* * *

Мусулмонлар учун бундай кенг кўламли фожиа билан боғлиқ муаммолар деярли бегона. Биз бу ҳаром ичимликлар соғлиқقا ёки хушёрликка зарар етказгани учунгина ичкилиқдан тийилмаймиз. Биз-



га Аллоҳнинг бу ёмон, гуноҳ ишдан қайтаргани кифоя. Аллоҳ таоло бандаларининг берилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, тўғри ҳаёт кечиришини истайди. Фарбда юзага келган муаммоларни ўрганар эканмиз, Аллоҳ таолонинг қатъий тақиқлари инсоният учун қанчалар фойдали эканига ишончимиз комил бўлаверади.

ИЧКИЛИКХЎРНИНГ ЖАЗОСИ

Ўн тўққизинчи асрнинг бошларида Англияда ичкиликка берилган одамни тавба қилдириш учун эгнига ифлос кийимлар кийдириб, бўйнига «ароқхўр» деб ёзилган ёрлиқ осиб, энг малол келадиган ишларни қилдиришган.

Йигирманчи асрнинг ўттизинчи йилларида Мексика пойтахти Мехикода кўчада ётган мастни полиция машинасига олиб келиш «маросими»ни кинотасвирчи суратга олган. Агар маст киши биринчи марта қўлга тушган бўлса, фильмни фақат унинг ўзига кўрсатишган. Иккинчи марта қўлга тушганида унинг қариндош-уруг, таниш-билишларини тўплаб, уларга кўрсатилган. Агар учинчи марта яна маст ҳолда ушланса, қисқа бу фильм пойтахт экранларида ҳаммага намойиш қилинган.

* * *

Буюк Карл замонида (742 – 814) май ичиб биринчи марта қўлга тушган кишини одамлардан холи қилиб қамаб қўйишишган, иккинчи мартасида халқ олдида шарманда қилиб жазолашган, учинчи марта шу айб билан ушланганлар қатл қилинган.

* * *

Қадимги юнонларнинг қулдорлик давлати Спартада қул қилинган асиrlарга май ичириб маst қилишар, «бу маstларнинг аҳволи ёшларга сабоқ бўлсин», деган мақсадда ёшларга намойиш қилинар эди.

* * *

Ислом дини келгач Арабистонда май ичиш ҳаром ишлардан деб эълон қилинган ва уни ичиш қатъий тақиқланган. Май ичган киши қўлга тушса қаттиқ жазоланган. Ҳур одам ичса 40 дарра, қул ичса 80 дарра урилган. Илгари Тошкентда ҳам май ичгани учун 40 дарра уриб жазолашган. Одамлар ичган кишидан ҳазар қилиб, ундан узоқ юришган.

* * *

Қадимги Ҳиндистонда май ичмаслик ҳамма табақалар учун мажбурий бўлган. Ичкилик ичгани фош қилинган кимсанинг оғзига кумуш, кўрғошин ёки мис эритиб қуишишар эди.

Агар ҳиндистонлик браҳман (юқори табақадаги аслзода киши) маst бўлиб қолса, унга қайнаб турган шароб, қайноқ сув ёки сигир сийдигини то маst ўлгунича зўрлаб ичиришган. Браҳманинг хотини ичкилик ичиб қўйса, хонадондан ҳайдаб юборилган, пешонасига шиша шаклидаги тамға босилган.

* * *

Будда (милоддан аввалги II аср) ва Конфуций (милоддан аввалги V аср) ҳам ичкилик ичишни қатъий ман этишган. Хитой императори Бу Ванг (милоддан олдинги 1200 йиллар) эса бадмастларни ўлимга

хукм қилган. Ҳозирги пайтда Хитойда автомобилни кайф ҳолда бошқарғанлар ҳам ўлим жазосига хукм этилади.

* * *

Рус подшохи Пётр Биринчи ичкилик ичган кишининг бўйнига «ичганлиги учун» деб ўйиб ёзилган оғир чўян «медал»ни осиб қўйишга буюрган.

* * *

Қадимги вақтларда Россиянинг Самара губернасида ичкиликдан ўлган кишини мотам маросими қилиб мозорга кўмиш қурғоқчилик, қаҳатчилик келтиради, деб ҳисоблашган ва бундай кимсанинг жасадини дарёга оқизишган ёки ўрмонда чуқур кавлаб ўшангага кўмишган.

* * *

1874 йилда Америка аёллари ичкиликбозликка ва бунинг ўчоги бўлган қовоқхоналарга қарши исён кўтаришди. Аёллар қовоқхоналарни қамалга олиб, у ерга ҳеч кимни киргизишмади. Бочка-бочка шаробларни ариққа оқизишли. Қовоқхона эгаларини калтаклаб, бошқа фойдалироқ касб қилишни тавсия этишиди. Минглаб ёш болалар майдонларга йифилиб, ичкиликка норозилик билдиришган. Улар: «Оталар, оналар! Сизлардан ўтиниб сўраймиз: ичкиликка қарши астойдил курашинг! Бизни маст оталар, маст оналар калтаклашяпти», деб ёзилган плакатларни кўтариб олишган эди. Ичкиликка қарши аёллар ва болаларнинг норозилик исёни бир шаҳарда бошлиниб, кейинчалик бутун Америкага тарқалган эди.



Мундарижа

Барча ёмонликларнинг боши	3
Муқаддима.....	3
Шаробни ўйлаб топган киши.....	5
Шароб ҳақидаги ояти карималарнинг маъноси ва улардан олинадиган ибратлар.....	8
Ҳадиси шариф шароб ҳақида	12
«Тафсири Ҳилол»дан.....	19
Ҳадиси шариф қоралайди	32
Шайх Санъон воқеаси	36
«Бобурнома»дан сатрлар	68
Давлат арбоби, саркарда ва олим Алихонтўра Соғуний айтади.....	82
Ёмонликлар онасидан юз ўғирайлик.....	86
Зулмат салтанати	111
Маъсума	134
«Падаркуш»	138
Аҳли дониш меросидан	175
Ароқнинг касофати	197

ТОҲИР МАЛИК

ЗАЛОЛАТГА БОТМА, ЭЙ ИНСОН

(Зулмат салтанати)

Мұхаррирлар:

А.Тилавов

А.Абдужалилов

Нашр учун масъул:

У.Султонов

Техник мұхәрир:

Ю.Ўринов

Мусаххиха:

И.Захидова

Саҳифаловчи дизайнер: Ю.Ўринов

Наш.лиц. № АI 245, 02.10.2013.

Теришга 10.03.2017 йилда топширилди. Босишига
05.07.2017 йилда рухсат этилди. Бичими: 60x90 1/16.
Офсет босма. Таймс гарнитураси. Шартли б.т. 12.09

Нашр б.т. 13 Адади: 5000 Буюртма №41.

Баҳоси шартнома асосида

«Sano-standart» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Sano-standart» МЧЖ босмахонасида босилди.

Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-уй.

Телефон: (371) 228-07-96, факс: (371) 228-07-95





Тоҳир Малик

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик томонидан тартиб берилган бу китобда адаб бизларни энг ёмон иллат ҳақидаги суҳбатга чорлайди. Ҳеч биримизга сир эмас-ки, майхўрликка, гиёҳвандликка берилганлар, адашган бандалар орасида ўзимиз учун энг ардоқли бўлмиш инсонлар – бироримизнинг ота-онамиз, бироримизнинг оға-иниларимиз, яна бироримизнинг фарзандимиз, яқин ёки узоқроқ қариндошимиз, қўшнимиз, ҳамкасбимиз... ҳам бор. Эҳтимол улар ҳидоятдан адашганлари-ни биларлар, эҳтимолки, билмаслар. Билмаганларга билдириб қўйиш вазифамиз эмасми? Эҳтимол улар жаҳолат ва гуноҳлар жаридан қутулмоқчилару аммо тўғри йўлга чиқишига кучлари ет-маётгандир. Уларга ёрдам қўлинни узатиб, иймонсизликдан қутулишига кўмаклашиш бурчимиз эмасми? Мазкур китоб ана шу хайрли ишимизда кўмак берар, иншааллоҳ!



"Sano-standart"
нашриёти

ISBN 978-9943-4882-5-0

9 789943 488250